

Оғри Екүзов

1954 | ГБ УзССР  
13005

# ТЕНГДОШЛАР

(ПОВЕСТЬ)



13101

191 322

---

ЎзССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1953

*Ўрта ва катта йидаги болалар  
учун*

*На узбекском языке*

А. ЯКУБОВ

РОВЕСНИКИ  
(пов. ссть)

*Госиздат УзССР — Ташкент — 1953*

Редактор *Ш Са'дулла*  
Рассом *Д. Синицкий*  
Техред. *Ф. Раҳматуллин*  
Корректор *У. Муҳамедова*

---

Теришга берилди 6/Х 1953. Босишга  
рухсат этилди 10/ХII 1953. Р 0 9322.  
Қоғоз формати 60 × 92<sup>1</sup>/<sub>2</sub> — 3 25 қоғоз  
листи — 6,5 босма листи. Нашр л. 5, 11.  
Шарғнома № 87/53. Индекс 6/а  
Тиражи 15 000. Баҳоси 2 с. 55 т.

---

УзССР Маданият министрлиги Уз-  
главиздатининг 1-нчи босмаҳонаси.  
Тошкент, Ҳамза кўчаси, 33. Заказ  
№ 403. 1953.



# I

Кечагина юзларча ўқучиларнинг қувноқ шов-шуву блан янграб турган кенг, ёруғ бинолар энди жимжит бўлиб қолди. Дарсга чақиручи қўнғироқнинг ёқимли, таниш овози тинди.

Ўқишлар тамом бўлган, каникул бошланган эди.

...Вали аллакимнинг турткисидан уйғонди. Кровать олдида, қопқора кўзларини ялтиратиб, Зарифа турарди. Қизчанинг пешонасига тушган жингалак сочлари ҳам, устидаги майин оқ кўйлагининг этаги ҳам ҳўл эди — унинг эрталабки шудринг тушган боғ оралаб келгани кўриниб турарди.

Вали блан Зарифанинг кўзлари тўқнашди. Зарифа оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайди.

— Вали, мен лагерьга кетаяпман!

Вали, устидаги оқ чойшабини отиб ташлаб, ўрнидан турди.

— Лагерьга дейсанми? — деди у ва шошиб сўради: — Пулатни нима қиламиз?

— Мен ҳам шуни гаплашмоқчи бўлиб келдим! — деди Зарифа.

— Саида опа биладими? Вожатий-чи?

— Йўқ, ҳечким билмайди. Нимага десанг, путевкани ойимга директорнинг ўзи берибди. Эртадан қолмасдан жўнар эканмиз.

— Агар тоғдан одам келса, мен ҳам эртага жўнайман,— деди Вали, ерга қараганича,— эҳ, планимиз бузиладиган бўлди-да!

— Нега планимиз бузилади, — деди Зарифа, қошларини чимириб,— фақат менинг ўрнимга бошқа бировни тайинлаш керак. Қайтдим дегунча, яна ёрдамлашавераман.

— Тўғрию, лекин кимни тайинлаймиз?..

Чиндан ҳам, Пўлатга яхши ёрдам берадиган (у она тилидан «икки» баҳо олиб, кузги имтиҳонга қолдирилган эди) ким бор?.. Вали тоққа кетаяпти, Зарифа лагерьга жўнайди. Шу иш қўлидан келадиган Шокир бўлса, отряд советининг ўтган кунги мажлисида штаб бошлиғи вазифасига кўрсатилди. Бугунги сборда у тасдиқланиши керак. Яна ким бор? Нурмат блан Ҳабибами?.. Лекин уларнинг ҳам ўзларига яраша вазифалари бор...

— Менимча Шокирдан яхшиси йўқ,— деди Зарифа.

— Кўнармикан? — деди Вали, негадир шубҳаланиб. — Штаб бошлиғи бўлишни жуда яхши кўради.

— Кўнмай кўрсин-чи,— деди Зарифа одатдагидек дарров қизишиб,— отряд совети тайинласа ҳам кўнмайдами?.. Тартибга бўйсунмаса қанақа пионер бўлди у?

— Бунча қичқирасан? Мен шунчаки кўнмас деб ўйлаяпман-да!.. — деди Вали. — Бўлмаса тезроқ йиғилайлик, болаларни сборга эртароқ тўплайлик. Сўнг-ра Саида опа блан ҳам олдиндан гаплашиб қўяйлик.

— Ҳа, олдиндан гаплашмасак бўлмайди, — деди Зарифа.

Вали юз-қўлини ювиб, чой ичкани ўтирди.

... Сбор мактаб боғида ўтиши керак эди.

Вали блан Зарифа қишлоқни бир айланиб, мактаб

боғига келганларида, у ерда ҳозирлик тугаган эди. Катта қайрағочнинг соясига скамейкалар қўйилган, юқорида қизил алвон ёпилган стол, стол устида эса сиёҳдон, ручка ва қоғозлар тахт эди. Мактаб боғининг катта ҳовузи сувга чип-чип тўла эди.

Ҳовуз бўйида учинчи звено бошлиғи Нурмат, бўйи паст бўлгани учун «кичкина» деб лақаб олган Шокир блан алла нима тўғрисида қизғин баҳслашмоқда эди. Шокир қўллари орақасига чалмаштирган, унинг туришида қандайдир кибр ва ўз кучига ишонч бор эди.

Валини кўрган ҳамон Шокир ҳарбийларча қадам ташлаб келди.

— Ўртоқ отряд советининг раиси! Отряд ҳозир тўпланди! — деди у, қўлини чаккасига қўйиб. — Рапорт беручи Валерий Чкалов номли пионер отрядининг штаб бошлиғи Шокир Ваҳобов.

Зарифа, Валига ма'ноли қилиб қараб қўйди.

— Сени ким штаб бошлиғи қилиб тайинлади-а? — деди Зарифа.

— И-е! — Шокирнинг кичкина, юмалоқ кўзлари пирпиради. — Ўтган кун отряд советининг мажлисида айтилганини эшитмадингми?

— Айтилса нима бўпти? Ҳали сбор тасдиқлагани йўқ. Тушундингми?

Шокир нимадир демоқчи эди, лекин шу вақт бир даста гул кўтариб иккинчи звенонинг бошлиғи — қотмадан келган Ҳабиба ва Шокирга ўхшаган думалоқ Салима келиб қолди. Уларнинг орақасидан мулойим юзли, ўрта бўй, кўзларида меҳрибонлик ўти чақнаб турган Саида опа, ундан кейин Пўлат кўринди.

Пўлат нечундир мўмин ва тортингандек эди. Саида опа болаларнинг орасига кириб, улар блан қизғин гаплашакетди. Пўлат эса ҳечкимга аралашмасдан, энг орқадаги скамейкаларнинг бирига ўтиб ўтирди.

Ниҳоят, ўсиқ сочларини бармоқлари блан тез-тез тараб, вожатий Умаров, унинг кетидан юзлари баҳор қуёшида қорайган комсомол комитетининг секретари Каримжон Мухторов кириб келди.

Бирнеча дақиқадан кейин мажлис бошланди.

Мажлисни очган отряд советининг раиси Вали она тили ўқитучиси Саида опага сўз берди. Саида опа ўқиш йилининг якуни ҳақида гапирди. Саида опа гапирар экан, овозидан, қўйкўзларида ўйнаган илиқ табассумидан унинг шод экани кўриниб турарди. Унинг қувончи болаларга ҳам ўтди. Шокир ўзини тутолмасдан:

— Ҳа, бизлар бўш келмаймиз! — деб, мағрур қичқирди.

Яқун ростдан ҳам ёмон эмас — битта ҳам бола синфда қолмаган эди. Фақат Пўлатгина она тилидан «икки» баҳо олиб, кузги имтиҳонга қолдирилган эди.

— Эндиги вазифа каникулда яхши дам олиб, янги ўқиш йилини янги куч тўплаб, соғлом бўлиб қарши олишдан иборат, — деди Саида опа. — Қани, болалар, шу тўғрида яхшилаб гаплашайлик.

Саида опа сўзини тугатиши блан шовқун кўтарилди. Мажлис тартиби бузилди. Ҳарким ҳартурли таклиф киритабошлади. Ба'зилар бир-бирлари блан баҳслашакетдилар. Вожатий Умаров, буни кўриб, Қаримжоннинг қулоғига алла нима деб шипшиди. Қаримжон ўрнидан тикка турди-да, одатдагилек, оппоқ тишларини кўрсатиб, кулганича, шовқуннинг босилишини кутиб турди.

— Эшитгандирсизлар, — деди у, — бошқа отрядлар каникулни қандай ўтказиш тўғрисида план тузмоқда, планни амалга ошириш учун штаб ташкил қилмоқда...

— Тўғри! Бизда ҳам штаб ташкил қилиш керак! — деб қичқирди Шокир ва ён-веридагиларга ўзини қувватлашни билдириб, кўз югуртирди.

— Лекин план тузганда шуни унутманглар, — деди Қаримжон, — биринчидан, планга қизиқ ва фойдали машғулотлар киритилсин. Масалан, мендан, «сиз каникулда нимани таклиф қиласиз?» деб сўрасанглар, мен дарҳол: тоққа саёҳат қилиш керак, — деб айтар эдим, бу саёҳатга ҳатто ўзим ҳам қўшилиб чиқардим. Нега десанглар, саёҳат жуда кўп нарсага ўргатади...

— Чиқамиз!

— Сизни ҳам таклиф қиламиз!..

Каримжон қўлини кўтариб:

— Бўпти-бўпти, — деди кулиб. — Хўш, айтинг-лар-чи, планга яна нима киритсак бўлади?..

— Менимча, яна коллектив бўлиб китоб ўқишни киритиш керак. Сўнгра шахмат-шашка турнирини уюштириш керак. Айтгандай, анҳор ва кўллардан балиқ овлашни унутмаслик керак... Балиқ ови — кишига ҳордиқ беради... Яна қандай таклифлар бор?

Яна баҳс кўтарилди ва шундай шовқин бошландики, ҳатто Валининг қўнғироғи ҳам ёрдам бермай қўйди.

Фақат Зарифа гапга аралашмас эди. Тўғриси айтганда, Каримжоннинг сўзларидан кейин, унинг шодлиги анча пасайиб қолди.

Вали ҳам: «Бу йил маззани булар қиладиган бўлди» — деб кўнглидан ўтказди.

Каримжоннинг айтишича, бўлажак штаб отряднинг марказига айланиши керак. У барча звеноларнинг ишини назорат қилади. Гербарий ва коллекциялар шу ерга тўпланadi. Пўлат блан унга ёрдам берадиган пионер ҳам ишнинг бориши тўғрисида штабга ҳисоб бериб туради. Штаб эса комсомол комитети блан алоқа боғлайди...

Масала штаб бошлиғи танлашга кўчди.

— Энди қандай пионернинг штаб бошлиғи бўла олиши тушунарлидир? — деб сўради Каримжон, — хўп, кимни тайинласак бўлади? — у ўйлаб қолди.

Бирнеча қўл бараварига кўтарилди.

— Штаб бошлиғи вазифасига Валини таклиф қиламан, — деди Ҳабиба.

— Сизчи?

— Мен ҳам.

Вали негадир қизариб:

— Мен тоққа кетаялман-да, — деб ғудранди.

Ҳамма Валига юз ўгирди.

Каримжон яна тушунтирди: Вали эртага тоққа кетади, чунки унинг дадаси чўпон, шунинг учун бутун оила — ойиси, укаси — ҳаммаси яйловда бўляша-

ди... Яхшиси Валига ҳам вазифа юклансин. Вали яйловнинг табиатини ўргансин, гербарий ва коллекциялар тўплаб келсин...

Бу фикр ҳаммага ма'қул тушди. Шунда Собиржон ўрнидан ирғиб турди-да:

— Бўлмаса Шокирни тайинлайлик! — деди.

Шокир ялт этиб Собиржонга қаради. Унинг кичкина қора кўзларида миннатдорлик ифодаси кўринди. Лекин шу вақт Саида опа ўрнидан турди ва Шокирнинг кандидатурасини лойиқ топмади. У, болаларга Пўлатни эслатди. Пўлатнинг кузги имтиҳонга яхши тайёрланмоғи учун унга а'лочи ўқучилардан биттаси ёрдамлашиши керак. Аввал бу иш Зарифага юкланган эди, лекин у лагерьга кетмоқда. Энди, Саида опанинг фикрича, бу вазифани Шокирга топшириш керак...

Шокир, Саида опанинг юзига ҳўмрайиб қаради.

«Унга мендан бошқа одам ёрдам бераолмайди-ми?» деб ўйлади у ичида ва Пўлатга ўқрайиб қараб қўйди. Пўлат энг орқада, индамасдан, ерга тикилиб ўтирарди.

Ниҳоят, Зарифа ўйлагандек, штаб бошлиғи вазифаси Нурматга юкланди, Шокир эса Пўлатга ёрдамлашадиган бўлди.

Сбор тугади. Броқ ҳечким тарқамади. Болалар тузилган планга янги таклифлар киритар, планинг энг майда детальлариғача аниқлашга тиришар эдилар. Тўсатдан, кимдир:

— Штаб қаерга жойлашади? — деб сўраб қолди.

— Рост, буни ўйламабмиз.

Штаб ташкил қилиш фикри болаларнинг хаёлини банд қилган эди, улар штабга мос хона изладилар, ниҳоят штабни қоровулхонада ташкил қилишни ма'қул кўрдилар. Бирнечта бола хонани безатишга ажратилди, Шокир ҳам шулар ичида эди.

.. Шундай қилиб, кечқурун кичкина хона чинакам штаб қиёфасига кирди. Штаб бошлиғи қилиб тайинланган Нурмат ўртага қўйилган столни эгаллади.

— Фақат телефон қолди,— деди Шокир. У «сен



бўлмаганингда шу столни мен эгаллардим» деган-дек, Пўлатга қинғир қараб қўйди.

— Ҳаркимнинг вазифаси ўзига тушунарлими?—деб сўради Нурмат. Кейин Валига қараб айтди:— Вали, сен отчётни унутиб қўйма!

— Мен-ку унутмайман-а,— деди Вали,— лекин сен ҳам гердайиб кетиб, вазифангни унутиб қўйма.

— Ҳеч!— деди Нурмат, қисқа қилиб, гўё шу блан штаб бошлиғи эканини эслатиб.— Штаб ўз вазифасини бажаради, ўртоқ отряд советининг раиси!

## II

Эрталабки соф ҳавода Нурматнинг ҳаяжонланган овози жаранглаб эшитилди:

— Смирно! Ўртоқ секретарь, отряд походга тайёр. Тўпланганлар сони ўн учта — икки қиз, ўн бир бола...

— Вольно.

— Вольно.

Мухторов сафга кўз ташлади.

Энг олдинда, бўйи кичкина бўлса ҳам Шокир турарди. У, буюм халтачасини осган, қўлига компас таққан, ҳатто лупани ҳам ёдидан чиқармаган эди. Шокир бошига катта сават қалпоқ кийиб олганидан, худди соя жойда ўсадиган қўзиқоринга ўхшар эди.

Шокирнинг ёнида Пўлат турарди. Унинг қўй кўзлари шодликдан чақнарди. У, саёҳатдан қолдирмаганлари учун жуда хурсанд эди.

Сафнинг охирида кичкина Салима блан Ҳабиба турарди. Ҳабиба елкасига аптечка осиб олганди. Энг четда одеяллар, икки қизнинг буюм халтачаси, чойнак ва бошқа нарсалар юкланган отни ушлаб Собиржон турарди.

— Қалай, походга тайёرمىсиз, болалар?— деди Мухторов, садафдек оппоқ тишларини кўрсатиб.

— Тайёرمىз!

— Бўлмаса кетдик. Маршрутни биласизми?

— Биламиз, албатта!— деб қичқирди Шокир.— «Шакарбулоқ», «Қайнарбулоқ», «Шаршара».

Қуёш ҳали чиқмаган, лекин атроф ёришган эди. Отряд, қишлоқдан ва унинг атрофидаги пахтазордан ўтиб, қирга кўтарилганда чап қўлдаги қорли чўққилар ялтираб кун кўринди. Қуёш осмон денгизида аста-секин баландга қараб сузмоқда эди.

Йўл «Бектоғ» сойлигига етгунча (унгача беш километр юриш керак) тоққа параллел борарди, сўнгра 90 градус бурилиб, тоққа қараб кетарди.

Биринчи қир орқасидаги тор сойлик бўш, ҳувиллаб ётар эди. Унда, йўлнинг четига қурилган ва аллақачонлар бузилиб кетган хароба кўрғондан бошқа ҳечнарсаси йўқ эди. Лекин иккинчи қирга ошганда манзара кескин ўзгарди. Олдинда, узоқдаги «Бектоғ» сойлигини тўсган баланд қиргача текис дала чўзилиб кетганди. Далада буғдой ўсиб ётарди. Эрта-лабки салқин шабада буғдойпояларни секин-аста чайқар, буғдойзор сариқ денгизга ўхшаб товланарди...

Шамол кучайгандек бўлди. Қаричга келадиган қурғоқ бошоқлар бир-бирига тегиб, кумуш тангалардек жаранглади. Буғдойзордан тандирдан ҳозир узилган ноннинг ҳидига ўхшаш иссиқ ва ширин ҳид тарқалди. Пишиб ётган буғдой комбайнчиларни кутарди.

Буғдойзордан ўтгандан кейин, отряд тоққа қараб бурилди. «Бектоғ»нинг кенг сойлиги ва унинг нарёғидаги ишчилар шаҳарчаси ўнг қўлда қолди. Ҳаво ҳали салқин, йўл оғир эмас. Шунинг учун ҳам болаларнинг қадам ташлаши енгил, гаплари жонли. Каримжон, уларнинг сўзларига қулоқ солиб, олдинда боради. Йўл унга таниш. Шунчалик танишки, у энг майда ўзгаришларни ҳам сезади.

Бир ерда, илгари жарликда осилиб турган катта тош қандайдир сабаб блан қулаб тушиб, мажақланган эди. Шокирнинг таклифи блан уни текшириб кўрдилар. Броқ, у ердан ҳеч нарсаси топилмади. Яна бир жойда, ялпиз ўсган қумликда, жуда катта тошбақани учратдилар. Атрофни қидириб, яна беш-олтита тошбақа топдилар, ҳатто тошбақа уясига ҳам дуч келдилар. Унда иккита тухум ётарди. Болалар ҳечқачон тошбақанинг тухумини кўрмаган эдилар. Унинг ту-

хуми ўрдакникига ўхшар, лекин кўкиш ва жуда қаттиқ эди.

Шокир-кичкина дарров таклиф қилди:

— Уртоқлар,— деди у,— келинлар, бу ерга «Тошбақа ороли» деб ном қўямиз!

— Бу ернинг номи бор.

— Номи бўлса нима? Биз уни бекор қиламиз! Ахир, буюк сайёҳлар янги ерларни топганда ҳар доим номини ўзгартирадилар-ку! Масалан... Джемс Кук...

— Кел, ундан кўра, бу ерга сенинг номингни берайлик!— деди Нурмат ҳазил қилиб кулиб,— ахир сен ҳам буюк сайёҳсан-ку!

Зўр қаҳқаҳа кўтарилиб «Тошбақа оролини» янги ратиб юборди.

Улар яна йўл юрдилар.

Соат бирлар чамасида, отряд сўнги қирдан ошиб, «Шакарбулоқ» сойлигига яқинлашди.

Бундан беш йил олдин, Каримжон Мухторов биринчи марта экскурсияга чиққанда, сойлик кимсасиз ўтлоқ эди. Энди бу ерда учта ёғоч уй турарди. Лекин энг қизиғи шу эдики, уч-тўрт гектар келадиган ерга экин экилган ва сойлик қандайдир оқ гул блан қопланганди. Беш-олти аёл ва эркак гулзор ора-лаб юрар ва гул терарди.

— Гул!— дея Салима қичқириб юборди. У, гарчи ҳаммадан кўп чарчаган бўлса ҳам, олдинга қараб чопиб кетди. Лекин «Гулзор»га яқинлашгач, негадир тўхтади ва орқасига қараб:

— Гул эмас экан...— деди койиниб.

Болалар ҳайрон бўлдилар. Улар бундай ўсимликни ҳечқачон кўрмаган эдилар. У, узун, тўғри жўякларга экилган эди. Унинг бўйи жуда паст, жўяклар устида фақат майда япроқларигина кўринарди. Лекин япроқлар орасидан узунлиги бир қарич келадиган ингичка толалар ўсиб чиққанди. Толаларнинг учларида уруғлик тўпланган бўлиб, узоқдан оқ гулга ўхшаб кўринарди.

Болалар уруғ тераётганлар олдига бориб, бу тўғрида сўрамоқчи бўлдилар, лекин бу чоқ яқиндаги уйнинг

соясида ўтирган, оқ халатли, семизгина кичкина чолни кўриб қолдилар-да, унинг олдига қараб юридилар.

Чол, столга энгашиб, микроскоп тагида ниманидир ўрганмоқда эди. У, болаларнинг овозини эшитиб, бошини кўтарди, бурни устидаги кўзойнагини олиб, болаларга бирпас қараб турди, сўнгра, худди ёш бола каби сакраб ўрнидан турди.

— Здравствуйте, дедушка!— деди Мухторов.

Болалар ҳам бараварига:

— Здравствуйте, дедушка!— деб такрорлашди.

Чол, уларнинг саломларига тушунмагандек, бирпас ўйланиб турди-ю, кулди:

— Э! Дедушка эмишман... Оқ соқолим йўқ-ку! — деди у, семиз кафти блан юзини тез силаб,— қаранглар, мен қандай бақувватман!

У, олдида турган Салимани дас кўтариб, осмонга иргитди-да, енгил илиб олиб, ерга қўйди.

— Рост, йигитдек бақувват экансиз!— деди Шокир-кичкина.

— Тўғри эканми, энди амаки дейсанларми? — деди чол, семиз кафти блан Салиманинг сочларини силаб.

Чол жуда хушчақчақ экан. Отряднинг қаердан экани ва нима учун чиққанини билиб, у севиниб кетди. Лекин ўсимликни танимаганларини эшитганида бирдан аччиғланди:

— Э... Сизларни қаранглар-а! Мен сизларни чинакам мичуринчи деб ўйлабман-а?— деди у.— Бу ахир товсағиз-ку! Ҳа, Урта Осиёдан топилган товсағиз шу бўлади. Лекин бу товсағиз — шу тоғдан, худди шу сойликнинг ўзидан топилган товсағиз!...

Бу чол сойликда илмий-текшириш ишларини олиб бораётган профессор Николай Петрович эди.

Николай Петрович қўлларини гоҳ орқасига қилиб, гоҳ кўкрагига қўйиб, товсағиз ҳақида ҳикоя қилиб кетди:

— Бундан етти йил олдин,— деди у,— Каучуконос институтининг экспедицияси худди шу ердан ёввойи товсағизни топди. Шундан бери ўтказилган тажрибалар орқасида ёввойи товсағиздан уруғлар олинди ва

у энди маданий ўсимликка айланди. Ҳозир унинг уруғи тажриба учун бошқа районларда ҳам экилмоқда.

Николай Петрович бироз жим қолиб, кейин:

— Балки сизлар «Қайнарбулоқ» да нималар бўлаётганини ҳам билмассизлар?—деб сўради.

— Хабаримиз йўқ...—деди болалардан бири, қизариб.

— Ана холос!.. «Роҳат» қишлоғининг болалари ўз районидаги бойликни билмаса-я... Ахир у ерда санатория қурилмоқчи-ку! «Қайнарбулоқ»нинг суви блялойти турли касалликларни даволайдиган бўлиб чиқди-ку, эшитмабсизлар-да... ай-яй-яй!..—Чол бироз хафа бўлганга ўхшади. Лекин Нурмат товсағизнинг уруғидан сўраган эди, чолнинг авзойи ўзгарди.

— Дуруст, бераман, мана!—чол, кичкина қоғоз халтачани олиб, оқ толалар ёпишган кўмкўк майда уруғни кўрсатди. — Хўш, қандай экишни ҳам айтиб берайми?

— Айтиб беринг...

— Айтиб беринг, бобожон!

— Яна бобожон дейди-я! — деди чол. У, қовоғини солмоқчи бўлди-ю, броқ кулиб юборди. У жуда севиhib кетди. Шунинг учун бўлса керак, экиш қоидаларини айтиб бергач, болаларни «Шакарбулоқ»қа ўзи бошлаб борди.

Улар уйдан эллик қадам нари юрганларида қир иккига бўлиниб баланд, лекин тор бир жарлик ҳосил қилди. Жарликнинг олдида икки туп катта қайрағоч ўсган эди, бу қайрағочлар гўё ажойиб булоқни ёт кўзлардан қўриқлагандай тикка қад кўтариб ўсган эди.

Улар жарликка етмасданоқ унинг ичидан қандайдир салқин, ёқимли шабада эсаётганини ҳис этишди. Шабада болаларнинг иссиқ юзларини шундай мулоғим сийпадики, ҳамманинг кўзида, лабида шод бир табассум ўйнади.

— Вой! — деди Салима. — Юзимни худди ойим сияётгандай бўлаяпти.

Жарлик жуда тор эди. Унинг ўртасидан бир ариқ тиниқ сув оқарди. Болалар яна ўн беш қадамча юрганларидан кейин, жарликнинг икки томони чекиниб, уй-

нинг ўрнидек катта ҳовуз рўбарў келди. Ҳовузнинг ўн-ўнбеш жойидан қайнаб чиқаётган сув кўмкўк ва шишадек тоза эди. Ҳовузнинг атрофи юмшоқ сариқ қум блан тўшалганди. Қум секин тебранар, гўё унинг тагида катта бир ҳайвон нафас олиб ётгандай эди, чунки у ер дарров чўкиб, одамнинг оёғи қумга кириб кетарди.

— Қани, болалар, буёққа келинглари!—деди Николай Петрович, у кафтидаги қумни сиқиб кўрсатди, қум бир зумда қаттиқ тошга айланди. Болалар ҳайрон бўлиб, унга тикилиб қолишди. Бирдан Салима:

— Ана тирилаяпти!—деб қичқириб юборди.

Чиндан ҳам, қум ичига сингиб кетган сув сизиб чиққанидан у секин қимирлай бошлади.

Николай Петрович бу ерларнинг келажаги ҳақида болаларга муфассал сўзлаб берди.

Отряд тушки овқатга ўтирди. Ҳамма крўжжаларини олиб сувга чопди. Лекин ҳечким ярим кружкадан ортиқ сув ичолмади. Сув шунчалик совуқ эдики, кишининг тишини зирқиратиб юборарди.

Болалар Николай Петровични яхши кўриб қолишди. Хайрлашиш вақти келганда ажралиш қийин бўлди.

«Шакарбулоқ» дан кейин йўл кескин ўзгарди, юриш анча оғирлашди. Кўп ўтмай чарчоқ сезилди. Ҳабиба блан Салимани отга миндиришга тўғри келди, лекин ярим йўлдан ўтганда, шабада сезилар-сезилмас жийда ҳидини келтирди. Худди бехосдан думоққа урган тутун ҳиди чўлда адашган йўловчига куч берганидек, жийда ҳиди болаларга мадад берди. Жийданинг ҳиди минут сайин кучаяверди.

Жийда ҳиди!.. Унинг ҳиди бошқача бўлиб, ҳечбир гулнинг ҳидига ўхшамайди. Унинг ҳидида кишининг баҳрини очучи, беҳад ширин нарса бор... Унинг кўринишичи? Кўриниши қандай чиройли? Қуёш ботаётган пайтда сўнгги қирдан ошган болалар унинг товланганини кўриб ҳайратда қолдилар.

Сойликни қоплаган қалин жийдазор текис гуллаган эди. Унинг сапсариқ қалин гули қуёшнинг сўнгги нурига чўмилиб, олтин каби товланарди... Ҳавода бўлса юзларча қушлар ўйнашиб юрар, рангба-ранг

капалаклар пириллаб учишар, асал арилар зувуллар эди.

Қирнинг этагидан шўх шилдираб тез оқар тоғ дар'ёчаси ўтарди. Унинг овози алла айтаётган она овозидек, кишига ором берар ва овутар эди.

Отряд пастга тушди. Каримжон Мухторов отга мивиб, Ҳабибани дар'ёчанинг нариги қирғоғига ўтказиб қўйди, кейин у дар'ёчанинг саёз жойини кўриб қайтди. Сўнгра отга Шокир-кичкина блан Салима минди. Болалар эса, шимларини сонларигача шимариб ва бир-бирларининг қўлларидан ушлаб, от ўтган саёз жойдан кечиб ўтабошладилар.

Шокир сувдан ўтиши блан, Салимани соҳилда қолдириб, ўзи отни боғлагани жийдазорга қараб чопди. Лекин жийдазорга етиб, отдан тушганида, дарахт шохларининг шитирлаганини эшитиб тўхтади.

«Бўри бўлса керак!» — деб ўйлади Шокир. Лекин шу вақт ўсиқ ўтлар орасида, тилларанг сочларига қизил лента боғлаган бир қизчанинг боши кўринди... Қизча Шокирни кўриб, катта кўк кўзларини кенг очиб, унга бирпас тикилди, у Шокирнинг қўрқиб турганини сизди шекилли, тилини чиқариб кулди-да, ўтлар орасига яширинди.

Ҳайрон бўлган Шокир оғзини очганича қолди. Қизча шунчалик мулойим ва ёқимтой эдики, Шокир унинг блан танишмоқчи бўлиб қолди. Броқ унинг Шокирни менсимай кетиб қолиши...

Тўсатдан, яқин жойда болаларнинг кулгиси эшитилди ва шу замоноқ жийдазорнинг ичидан бир гуруҳ қиз ва ўғил болалар чопишиб чиқди.

Уларнинг орқасидан ўн етти-ўн саккиз ёшларга кирган узун бўйли, қизил галстук таққан бир қиз чиқиб келди. Қиз, соҳилга энди ўтган болалар олдига келди-да, қўнғироқдек овози блан, барала деди:

— Салом, ўртоқлар!

— Салом! — деб жавоб беришди болалар.

Қиз Мухторовга қўлини чўзаркан:

— Наташа Коленкова, — деди ва негадир қизариб қўшимча қилди: — М. И. Калинин номли 17-нчи мактабнинг бош вожатийси...

Каримжон Мухторов ҳам ўзини ва болаларни та-ништирди. Фақат болалар ҳамон бир-бирларига тики-либ қарашар ва бир қадар ётсирашиб, жим турарди-лар. Шу пайт, кимдир:

— Ана, от кетди! — деб қичқириб юборди.

Ростдай ҳам, ҳурккан от, узун чилвирини судраб, дар'ёчани ёқалаб чошиб борарди.

Мухторов олдинга интилди, шу чоқ жийдазордан чиққан болаларнинг биттаси: «Вперёд!» деб қичқириб юборди...

Мухторовнинг тез югуришига қарамасдан, у блан от ўртасидаги масофа минут сайин узайиб борарди.

— Қишлоққа бурилмаса эди! — деб ўйлади Мух-торов, безовта бўлиб.

Бирдан от олдини тўсиб, узун бўйли эпчил бир бо-ла пайдо бўлди. У жийдазордан чиққан эди. От бир секундгина тўхтадию, кейин дар'ёга бурилди. Броқ бола ерда судралиб бораётган узун чилвирни ушла-ган эди... от силтаниб, осмонга сакради ва... ўзини дар'ёга отди; чилвирни ушлаб қолмоқчи бўлган бола олдинга қулади...

— Яша! — деб қичқириб юборди Мухторов, бола-нинг чилвирни қўйиб юбормай ерда судралиб бораёт-ганини кўриб, у боланинг устидан сакраб ўтиб, чил-вирни босди.

Бу бола 17-нчи мактаб ўқучиси Володя эди. Йи-қилганда Володянинг тирсаги тошга теккан бўлса ке-рак, кўйлагининг енги қизариб қолди. Болалар дар-ров Ҳабибага қараб чоптилар. Володя эса, нимадан-дир уялиб, ҳаммага бирма-бир кўз тикар ва секин ғудранарди:

— Кераги йўқ, зарарсиз... шунчаки тирналиб кет-ди-да...

Ҳабиба, ўзини чинакам врач деб ҳисобласа керак, тўғридан тўғри:

— Володя, ўтир! — деб буюрди.

Володя ҳайрон бўлиб қаради. Лекин итоаткорлик блан ўтирди. Унинг яраси чиндан ҳам унчалик қўр-қинчли эмас эди. Ҳабиба иод суриб, ярани боғлаб қўйди.



Шу кичкина воқиядан кейин болалар ўртасидаги ётсирашлик туйғуси қаёққадир йўқолди. Улар худди бир-бирларини аввалдан биладигандек иноқлашиб кетдилар.

— Ўртоқ Мухторов, — деди Наташа, — марҳамат қилиб, бизнинг чодирга меҳмон бўлинглар.

— Ҳали чодирларинг ҳам борми?

— Бўлмасам-чи! Ҳозир овқат ҳам тайёр бўлади.

Уларнинг чодир икки туп катта жийда дарахтининг тагида экан. Отряд вожатийси бўлса керак, ёши ўн бешга кирган новча ўспирин жийда шохига челак илиб, ўтда балиқ пиширмоқда эди. Уч-тўрт бола атрофдан қуруқ шох-шаббалар териб келтирмоқда эди. Буни кўрган Мухторов Нурматнинг қулоғига алланима деб шипшиди. У эса елкасидан буюм халтачасини тез олиб, қичқирди:

— Ўртоқлар, юринглар, шох келтирамиз, гулхан ёқамиз!

— Тўғри, — деб қичқирди Шокир. У ҳалиги ёқимтой қизчани шох тергани таклиф қилмоқчи эди, броқ қиз, бирдан Пўлатнинг қўлидан ушлаб:

— Юр, мен шох кўп жойни биламан, — деб қолди.

Улар чошиб кетишди. Шокир улар орқасидан югурди.

— Как тебя зовут? — деб сўради қизча русчалаб.


— Пўлат. А тебе?

— Не «тебе», а «тебя», понятно? — деди қизча кўк кўзларини шод чақнатиб, — менинг исмим Таня. Танюша десанг ҳам бўлаверади.

— Яхши, — деди Пўлат, қизариб.

Жийдазор бирдан жонланди. Болаларнинг шўх кулгиси, синаётган қуруқ шохларнинг чарсиллаши ҳавони тўлдирди. Катта жийданинг атрофидаги яланглик асалари уясини эслатарди. Болалар асаларилар каби унинг атрофида ўрмалашар эдилар.

Қоронғи тушганда, болалар гулхан атрофини ўраддилар. Наташа ўртага чиқди. Шовқун дарров тўхтади. Қушларнинг сайраши аниқ эшитилди.



— Қимматли дўстлар, азиз меҳмонлар,— деди Наташа, ҳаяжонланиб,— пионер гулханини ёқишга рухсат этинг!

— Бошланг!

Наташа қўлидаги ёғоч маш'алага гугурт ёқиб, Мухторовга узатди.

— Каримжон, гулханни сиз ёқинг!

— Ёқавер, Наташа, ахир уни уюштирган сен-ку!

— Йўқ, йўқ, сиз меҳмонсиз, сиз ёқинг!

Каримжон Мухторов қоронғиликда яна ҳам ялтираган оппоқ тишларини кўрсатиб, Наташанинг қўлидан маш'алани олди-да, қуруқ шохга тегизди.

Аланга, шамолда бирдан ҳилпираган қизил алвондек, тўлқинланиб кўтарилди, қоронғилик чекинди, болаларнинг табассумдан нурланган юзлари порлади, шодликдан кўзлари ёнди...

— Урра!...

— Яшасин пионер гулхани!

Гулхан тобора гуриллаб ёнаверди. Аланга жийданинг бўйи баравар осмонга кўтарилди... Бутун води ёришгандек бўлди. Дарахтларнинг соялари узоқларга чўзилди, қушлар нари учишди. Болалар гулхан алангасидан нари жилдилар

Ўйин бошланди.

Омаднинг юришмаганини қаранг: Танянинг ёнида турган Шокир, энди уни ўйинга тортмоқчи бўлганди, Нурмат Шокирнинг қўлидан тортиб қолди.

— Шокир, буёққа қара.

— Нима дейсан?— деди Шокир, унинг шодликдан ялтираган қопқора кўзларига қараб.

Нурмат уни бир чеккага судради.

— Миямга бир фикр келди,— деди у,— Володяларни қишлоққа меҳмонга чақирсак, нима дейсан?

Шокир ерга қаради. «Нега бу фикр менинг миямга келмади?— деб ўйлади у,— энди ҳамма Нурматни мақтайди»...

— Бўлади,— деди Шокир чўзиб.

— Буни ҳозир Каримжон акага айтаман.

Нурмат кетди. Шокир даврага қайтди.

Ўйин ашула блан, ашула ше'р ўқиш блан олмош-



ди. Гулхан эса гоҳ пасаяр, гоҳ яна ловуллаб осмонга кўтарилар, кичкина Танюшанинг ҳаяжонланган овози жарангларди. Ойдин кечада Жамбулнинг доно сўзлари баралла эшитилар эди.

«Народы родины моей живут, как дружная семья,  
Десятки братских языков журчат ручьями на свободе.  
Я чувствую кипенье сил и вдохновенье соловья,  
И песня дружбы всех племён неволью мне на ум приходиться».

Танянинг овозига тоғ дарёчасининг ёқимли шилдираши жўр бўларди...

### III

Эрталаб Каримжон Мухторов қушларнинг чуғурлашидан уйғонди. Жийдазор қушларнинг ёқимли куйи блан жонланган эди. Чўққилар усти нафис пуштирангга бўялган, баландроқда, осмоннинг оқарган жойида, Зуҳра юлдузи ҳануз чарақлаб ёнарди.

Каримжон Мухторов совқотган танасини яхшироқ ўраб яна ухламоқчи эди, лекин шу вақт яқин жойда қуруқ буталарнинг синишини, сўнгра икки одамнинг овозини эшитиб, бошини кўтарди.

Кечқурун ошпозлик қилган ўспирин блан устига илиқ фуфайка кийган Наташа олов ёқиб чой қайнатишмоқда эди.

«Булар уйғонишган, мен бўлсам ҳали ҳам ётибман» деб ўйлади Каримжон ва ўрнидан тез туриб, улар ёнига борди.

— Доброе утро, друзья!

— Доброе утро, ўртоқ Мухторов! — Наташа мусаффо кўк кўзлари блан Каримжонга кулиб қаради.— Мана, чой ҳам қайнаб қолди... Болаларни уйғотасан бўлади.

— Нега мени уйғотмадинг,— деди Каримжон.— Ердам берардим.

— Арзимайди. Ундан кўра келинг, болалар ювиниб бўлгунча маршрутни гаплашиб олайлик.

Маршрут масаласи, кечаси, Каримжон Нурматнинг фикрини Наташага айтгандаёқ туғилган эди. Чунки Наташалар ҳам «Қайнарбулоққа» саёҳатга бораётган эдилар. Энди икки отряд қишлоқда учрашадиган бўлди, яъни ўтилган йўлни бир-бирига айтиб бериш имконияти топилди. Демак уларнинг бир йўлдан бориши унча қизиқ бўлмас эди. Шунинг учун ҳам маршрутга баъзи аниқликлар киритиб, йўлни бир қадар ўзгартиш керак эди.

Наташаларнинг отлари иккита, озиқ-овқатлари мўл эди. Сўнгра уларнинг планида баланд тоғ чўққисига чиқиш ҳам кўргазилган эди. Шунинг учун улар ўз маршрутлари бўйича энди чўққиларга қараб кетадиган бўлдилар.

Икки отряд хайрлашганда қуёш эндигина чиққан, кун илиган эди.

— Хайр, Наташа, бизлар сизларни кутиб оламиз,— деди Каримжон.

Наташа унинг қўлини қаттиқ сиқиб:

— Раҳмат,— деди илжайиб. — Сафарларингизга муваффақият тилайман.

Ҳабиба ўнинчи марта такрорлаб:

— Володя! Ярангни кечқурун боғлашни унутиб қўйма!— дер эди жиддий.

— Пўлат!— деди Танюша.— Боғларингда шафтоли борми?

— Бўлмасамчи.

— Бор бўлса асраб қўй. Мен шафтолини жуда яхши кўраман.

— Бўпти, Танюша!

Ҳамма хайрлашди. Ниҳоят отрядлар узоқлашиб, овозлар эшитилмай қолди. Лекин иккала отряднинг болалари ажойиб учрашув ҳақида тинмасдан гаплашиб бордилар.

Тушда Каримжон бошлаб бораётган отряд «Ёмон тош» жарлигига етди. Жарлик шунинг учун «Ёмон тош» деб аталар эдики, унинг таги қирра тошлар блан қопланган эди. Бу тошлар кўринмас, чунки жарликдан сув оқар, шунинг учун ҳам ундан ўтиш йўловчи учун жуда қийин эди.

Ҳозир жарликнинг четига тош қаланиб, от юра-оладиган торгина йўл қурилган эди. Каримжон уни кўрган ҳамон: — «Бунн Николай Петрович айтган экспедиция қурган бўлса керак» — деб ўйлади.

Жарликдан чиққан ҳамон «Қайнарбулоқ» сойлиги бошланди. Бу ер, атрофи кўмкўк қирлар блан ўралган дарахтсиз текис сойлик эди. Сойлик, қирларнинг тагидан қайнаб чиқаётган булоқларнинг суви блан кўп жойидан кесилиб, кичкина-кичкина оролчаларга айланган эди. Оролчалар ярим ботқоқ эди. Уларда, сариқ рангли қандайдир занф ўтлардан бошқа ўт ўсмас эди.

Каттароқ булоқларнинг атрофида шишаларнинг синиғи, консерва қутиси, чекилиб ташланган папирос ва бошқа нарсаларнинг қолдиғи ётарди, бу ерда яқинда экспедициянинг бўлгани аниқ эди.

Отряд қир бағридан юриб, сойликнинг нариги томонига ўтиб тўхтади. Отряд тўхтаган жой, бир туп катта тол ўсган қир эди. Сойликнинг энг катта булоғи ҳам шу қирнинг тагида эди.

Булоқ артезиан қудуғини эслатар, унинг суви бир метрча баландликка отилиб чиқарди.

Буюмларини ҳаммадан бурун ечиб, сувга оёқ текизган Ҳабиба:

— Вой, бунинг суви қайнаяпти-я! — деб қичқириб юбрди.

— Иссиқми? — ҳовлиқиб сўради Шокир.

— Иссиқ!

— Қўлни куйдирадими?

— Гапиравермай, тезроқ тушмайсанми, — деди Ҳабиба аччиқ блан.

Йўқ, булоқнинг суви қўлни куйдирадиган даражада иссиқ эмас эди. Унинг иссиқлиги тахминан 40 градусга яқин эди, та'ми алла нечук нордонроқ эди.

— Туз солганга ўхшайди-я! — деди Нурмаф, оғзига олган сувни дарров тупуриб.

— Энди лойини кўринглар, — деди Каримжон Мухторов.

Салима оролчанинг лойига қўл суқди-да, дарроп тортиб олди.

— Тагидан олов оқаётганга ўхшайди!-- деди у.

Шокир дадил бориб, оёғини сувга суқди-да, анча-гача тортиб олмади.

— Оёғим ғалати бўлиб жимирляпти!-- дер эди у, кўзларини ўйнатиб.— Томирларимдаги қоним қайнаб кетаяпти!

Қизиқ. Улар тўхтаган тепаликнинг иккинчи томонидаги булоқ сувлари тоза эди. Бу ҳол — болаларни жуда ҳайрон қолдирди, улар турли мулоҳазалар юритдилар.

Ниҳоят улар орзу қилган шаршарага кечқурун етдилар.

Шаршаранинг қудратли овози анча узоқдан эшитилди. Сув, чўққилар устидан оқиб келиб, чуқур сойликка қуюлар эди. Унинг суви атрофдаги қоя тошлардан иборат қирларни емириб оқар ва ғарб томондаги қандайдир дара ичига кириб кўздан йўқолар эди.

Болалар йигирма метр баландликдан тушаётган сувнинг гуруллашига қулоқ солиб, анча вақт жим турдилар. Шаршаранинг гулдурос овозидан қичқириб гапириш керак эди.

Сув шундай куч блан қуюлар эдики, пастдан сачраган зарралар юқорида турган болаларнинг юзига келиб тегарди, сойлик оқ кўпик блан бутунлай қопланган эди.

Сувнинг кўпирганига, зарраларнинг совурилганига маҳлиё бўлиб қараб турган Шокир тўсатдан:

— Эҳ! Шундай шаршара бизнинг қишлоқда бўлса-я!— деди ўйчан.— Ғалати электростанция қурадик-да!

— Яша! Тўғри айтдинг, бу ерга жуда кучли станция қурса бўлади,— деди Каримжон.— Хўж, бу ерга нима учун келганимизни унутмадингларми?— сўради у болалардан.

Болалар бир-бирларига қарадилар.

Ҳабиба деди:

— Э! Шокир айтган олтинни топмаймизми?

— Ростдан олтин шундай жойда бўлади-ку!-- Шо-

кир шодликдан қичқириб юборди. У, киссасидан лупасини олиб, пастга қараб югурди.

Отряд дарров тарқалди. Сойликнинг атрофида, сув блан емирилган жойларда ялтироқ, рангдор, чиройли тошлар кўп эди. Шокирнинг бир ўзиёқ шундай тошлардан беш-олтитасини топди. Пўлат эса, дар'ёчанинг ғарб томонидан жуда ғалати бир тош топиб келди. Унинг тоши оддий тошдан икки баравар оғир эди, у худди кумушга ўхшар ва кумушдек ялтирарди.

Чорак соатдан кейин бутун отряд яна аввалги жойга тўпланди. Яна атрофни қидирдилар ва Пўлат топган тошдан ўнтача топдилар.

Шокир «Олтин бўлса керак» деб хаёл сурабошлаган эди, Қаримжон: «Бунинг нималигини текшириш аниқ кўрсатади» деб, унинг фикрини бўлди.

Кеч кириб қолди.

— Энди шу ерда тунайлик!— деди Қаримжон. У чап томондаги толзорни кўрсатди:— Шу ерга жойлашсак бўлар.

— Бўлади!

— Эртага шу ердан орқага қайтамиз,— деди Қаримжон.— Йўлдан яна гербарийлар тўплаймиз, яна тошлар қидирамиз, булоқлардан сув оламиз... Шунга тайёрланайлик...

Нурмат Қаримжон Мухторовнинг сўзларини ҳаяжон блан тинглади. Унинг кўз олдига негадир штаб келди.

— Шунинг ҳаммасини тўплаб борсак!.. Вали ҳам олиб келса!— тўсатдан эслади Нурмат.— У нима қилаётган экан-а? Албатта бизга ўхшаб саёҳат қилиб юргандир-да...

— Хўп,— деди Қаримжон Мухторов.— Қани, энди ишга киришайлик, чодир тикайлик!

Болалар чодир тиккани ишга киришди.

#### IV

Вали блан Исой бобо, иккиси икки отда қишлоқдан саҳар пайтида чиқдилар.



Исой бобо — бутўн умрини яйловларда ўтказган, чўпонлик қилиб катта ҳурмат ордирган чол. Исой бобо, қотмадан келган узун гавдасини от устида тўғри тутиб, олдинга — узоқларга қараб борарди.

У минган қашқа от ёш, кучли, ҳамавақт ошиқиб юрарди. Қашқа, ўйинчи отга ўхшаб, чиройли бошини баланд кўтариб, олдинга қувонч блан қарайди. Кучли оёқларини кўтариб-кўтариб босади, гоҳида бошини сал буриб, теваракка ма'нодор боқади.

Вали минган бўз от қари ва ювош. У қаёққа кетаётганини яхши билади, йўлнинг узоқ ва қийинлигини ҳам билади. Шунинг учун шошилмайди. Пахмоқ ёлли бошини салмоқ блан чайқаб, бемалол юриб боради.

Пастда, водида ҳали қоронғилик кўтарилганича йўқ. Аммо тоғ чўққиларининг усти нафис пуштирангга бўялган. Ҳамаёқ жимжит. Фақат қишлоқда хўрозлар қичқиради ва онда-сонда итлар вовуллайди. Қаердадир, қишлоқнинг нариги четида онасидан ажралиб қолган тойчоқ кишнайти. Унинг овози ғамгин эшитилади.

Валилар кўтарилаётган қир бағридаги боғларда эрта уйғонган қушлар сайрашади. Пастга оқаётган жилғаларнинг ёқимли жилдираши эшитилади. Салқин. Тоғдан совуқ шамол эсади, қирга кўтарилган сари шамол кучайиб боради.

Эрталабки соф ҳаво кўкатлар, гуллар ва пишаётган меваларнинг ширин ҳидларига тўла. Броқ бу ҳидлар қирга кўтарилган сари камайиб боради. Қирдан эса қурғаган явшан блан шувоқ ҳиди келади.

Улар ўнгга, тоққа қараб бурилдилар. Кўп юрмасдан яна чапга бурилиб, тоғ ёқалаб кетдилар.

Водидан чиққан ҳамон бошланган майда тепаликлар бора-бора пасту баланд қирлар блан олмошинди. Ниҳоят, қуёш чиққанда Исой бобо блан Вали бу қирлардан ўтиб, тоғнинг биринчи чўққисига етдилар ва шуерда тўхтаб, отларга ярим соат дам бердилар.

Чўққидан ўтгач, йўл кескин ўзгарди, юриш қийинлашди. Тепаликлар ўрнига қатлам-қатлам қоятошлар бошланди. Вақт тушга етганда улар баланд тоғ оралигига кириб бордилар.

Исой бобо, тоғдаги ҳарбир тепаликни, ҳарбир дарани, сойлик ва текисликни яхши билар эди. Йўл текисликка чиқиб, икки от қаторлашган вақтда, Исой бобо атрофдаги қир ва сойликлар ҳақида гапириб кетарди. Вали болаларча қизиқучан кўзларини атрофга жовдиратиб, чолнинг ҳикоясини ҳаяжон блан тинглаб борарди. Ҳамма нарса, ҳатто таниш ўсимликлар, қушчалар ҳам унга қандайдир бошқача ва гўзал бўлиб кўринар эди. Ба'зида чолнинг ҳикояси узилган вақтда, Валининг хаёли бўлинар эди. У гоҳ орқада қолган қишлоқни, отрядни эсларди. Гоҳо унинг хаёли олдиндаги яйловга кетарди.

Ажрашганларига кўп ўтмаса ҳам, Вали дадаси блан ойисини, айниқса кичик укаси Эркинни соғиниб қолганди... Дадаси, ойиси, укаси Эркин тез-тез унинг кўз ўнгида гавдаланар эди. Гўё улар Валини кутиб йўлга чиқаётгандай бўлиб кўринарди. Вали киссасини пайпаслаб қўйди. Киссасида Валидан илгари яйловга кетган Эркинга аталган хат бор эди. Хат, Пўлатнинг синглиси Раисадан эди. Вали Пўлат бланч дўст бўлганидек Эркин ҳам Раиса блан дўст ва синфдош эди.

«Хатни ўқиб тоза севинади-да» деб ўйлади Вали.

Йўл гоҳ баланд қирларга кўтарилар, гоҳ чуқур сойликларга тушар, ба'зида эса, қўрқинчли жарлар ёқасидан ўтарди. Шундай пайтларда, олдинда бораётган Исой бобонинг буйруғи эшитиларди:

— Отнинг жиловини бўш қўй! Эгарни маҳкам ушлаб, пастга қарамай ўтир, ўғлим.

Вали унинг айтганини қиларди. Лекин қулоғига кимдир шивирлагандай бўларди:

«Пастга қара, у ерлар жуда қизиқ».

Шунда Вали бобонинг кўзини шамғалат қилиб, пастга қараб оларди. Пастда, тикка жарликнинг энг тагида, кумушдек ялтираб тоғ дар'ёчаси оқарди. Қир-фоқларда ямяшил толлар, тераклар ўсган. Ерлар гўзал, сирли, жозибадор кўринарди. Валининг яна қарагиси келардию, лекин бободан уяларди, гоҳо кўзи тиниб ҳам кетарди.

Ба'зан йўлдаги баланд қирлар орқасидан, кутилмаганда, текис, кўмкўк ўтлоқлар, яйловлар очиларди.

Яйловда ҳаккам-дуккам ўтовлар оқариб кўринарди. Улар тепасидан ёзги булутлар каби оппоқ, сийрак тутун кўтариларди. Узоқларда, қирлар устида, худди чумолидай қўй-эчкилар ўрмалашиб юрарди.

Бир-икки марта улар — Вали блан Исой бобо — шунчалик пастлашдилар ва атрофдаги чўққилар шунчалик баландлашдики, Валига у ердан чиқиб олишнинг сра иложи йўқдай кўринди.

Шундай пайтларда Исой бобо нимагадир шодланиб, қичқирар эди:

— Эҳе-ҳеей!..

Унинг йўғон, баланд овози ҳавони янграшиб кўтарилар, кейин аста-секин пасайиб бориб узиларди-да, тўсатдан, чор атрофда аксланиб, юз ҳисса кучайиб жарангларди.

— Эҳе-ҳеей!..

Туш вақти Вали блан Исой бобо сойликда тўхтадилар, отларни ўтлоққа қўйиб, ўзлари дам олгани чўзилдилар.

Қуёш ботишига оз қолди. Вали толиқди, унинг тоғ манзараларига бўлган ҳаваси анча пасайди. Уйқиси келабошлади. Лекин чўққилар... Эрталаб жуда яқин кўринган чўққилар ҳамон ўз жойида турар, жуда яқин, худди олдиндаги биринчи қирнинг орқасида тургандек кўринарди. Лекин биринчи қирдан кейин иккинчи қир, унинг орқасидан учинчи қир чиқар... чўққилар эса ҳали ҳам ўшандай тураверар эди.

Қуёш ботиб қош қораябошлагач, Валининг тоқати тугади.

— Қачон етамиз, бобожон?

— Чарчадингми?

— Йўқ...— Вали қизариб кетди.

Ярим соатдан кейин баланд қир устига чиққан Исой бобо тўхтади. Унинг орқасидан етиб келган Вали шодлик блан сўради:

— Шуми, бобожон?

— Шу, ўғлим,— кулимсираб, жавоб берди Исой бобо.— «Яшил яйлов» дегани мана шу бўлади.

Бу қир тепасидан яйлов аниқ ва тугал кўринмас эди. Босиб келаётган қоронғилик ва қаршидаги чўққи-

лардан тушиб келаётган туман водининг ярмидан кўпроғини Валининг кўзларидан яширган эди.

Улар турган тепаликнинг тагида қўрғон бор эди. Унг томонда дарахтзор кўринарди. Анча олдинда, қўрғондан икки чақиримча нарида, нимадир ялтирар эди. Бу нарса, бобонинг айтишича катта тўғон экан.

Улар манзилга яқинлашиб қолган эдилар. Пастдаги қўрғондан қўй-қўзиларнинг бетартиб, лекин Валига таниш, ёқимли ма'раши, итларнинг вовуллаши эшитилди. Чўпонларнинг ўзларига хос бақувват, соғлом овозлари келди. Қўрғон ёнидаги яккам-дуккам ўтов уйлардан қуюқ тутун кўтарилаётир.

Улар отларни жадал ҳайдаб, қўрғонга қараб бордилар. Қирдан тушиб келаётган икки отлиқ яйловдагиларга аниқ кўринар эди. Исой бобо блан Валининг олдига биринчи бўлиб Эркин чиқди. Унинг орқасидан вовуллаб кучукчаси чолиб келаверди.

— Ака! Вали ака!— деб қичқирди Эркин. Броқ, яқинроқ келиб Исой бобони кўргач, негадир Валини қўйиб, чолга қараб югурди.

— Келдингизми, бобожон?— деди Эркин севинганидан ҳовлиқиб,— нега мунча кечикдингиз?

Тўсатдан ғоз туриб қолган Исой бобо:

— Кечикканим учун кечир!— деди.

Эркин кулиб юборди ва чолнинг қучоғига отилди.

— Аканг блан кўриш!— деди Исой бобо.

— Эркин, сенга хат бор,— деди Вали.

— Кимдан?

— Раисадан.

— Раисадан-а?— деди Эркин, негадир ишонмасдан.

У хатни олди-да, Вали блан кўришмасданоқ қўрғонга қараб чопди.

Эркиндан кейин чўпонлар чиқиб, Исой бобо блан Валини кутиб олдилар.

## V

Шундан бир ҳафта олдин Эркин яйловга кўчишларини эшитганида ниҳоятда қувониб кетди. У шодлигини айтиш учун югуриб Раисанинг олдига чиқди.

— Раиса-чи, Раиса, бизлар тоққа кетаяпмиз!— деди у.

— Бир ўзим қоларканман-да...— деди йиғламси- раб Раиса.— Нимада кетасизлар?

— Аравада кетамиз. Отларни ўзим ҳайдайман!

— Аравангга мени ўтқазасанми? Ҳу, анави ергача миниб бораману, тушаман,— Раиса, қўлини чўзиб, узоқдаги қирларни кўрсатди.

— Ўтқазмайман, — деди Эркин, кеккайиб.

— Яхшилиқни билмас экансан ўзинг!— деди Раиса, хафа бўлиб. — Ундоқ бўлса бўёқ қаламимни қайтиб бер! У куни берган дафтаримни ҳам! Сойдан топган қизил тошимни ҳам — ҳаммасини ҳозир бер!

Эркин бергиси келмади.

— Бермасанг аравангга осиламан!— деди Раиса, жаҳл блан.

— Осилиб кўр-чи!— Эркин ма'нодор қилиб бошини ирғади.— Дадамнинг дўлана сопли қамчисини кўрганмисан!

— Йўқ, кўрган эмасман.

— Кўрмаган бўлсанг, кўрасан.

— Яхшими?

— Жуда яхши!— Эркин Раисанинг соддалигидан кулди.— Яхшилигини қамчини тотиганингда биласан!

— Уриб кўр-чи, дадамга айтиб бераман!— деди Раиса.

— Чақимчи экансан-да.

— Бўлмаса нега урасан?

— Ҳали урганим йўқ-ку!

Иккаласи ҳам кулиб юборишди.

Шу гапдан кейин бир соат ўтар-ўтмас ҳархил буюмлар ортилган от-арава яйловга қараб жўнади. Аравада Эркиннинг дадаси Зокир ака блан ойиси Роҳила холадан ташқари Раиса ҳам ўтирарди. Раиса жуда хурсанд. Рост, Эркин уни ёнига ўтказмади. (Аравакаш деган ёлғиз ўзи ўтиради-да!) Лекин Раиса шунинг ўзига ҳам хурсанд эди. Арава Раиса айтган жойга етиши блан, Эркин отларни таққа тўхтатди. Раисанинг аравадан сра тушгуси йўқ эди. Эркин кетаяпти, Раиса эса қолаяпти. Унинг йиғлагиси келдию йиғла-

мади. Эркин бўлса Раисага қайрилиб ҳам қарамас, у, тоққа шошилар эди.

— Қачон келасизлар? — деди қиз секин.

— Нима қиламан келиб? — деди Эркин жўрттага. Роҳила хола қизчани юпатди.

— Хафа бўлма, қизим, Эркин тез келади. У ҳали сени соғиниб қолади.

— Мен-а?! Мен соғинаманми?

Эркин соғинмаслигини билдирмоқ учун отларга қамчи урди.

Раиса, йиғламоқдан бери бўлиб, йўлнинг ўртасида туриб қолди. Броқ, Эркин... қайсар Эркин унинг кўнгли учун ақалли бир марта қайрилиб ҳам қарамади.

Эркиннинг бутун хаёли Бектоғ деб номланган катта яйловда эди.

Ўтган йили ёзда Зокир ака чўпонлик қилган колхоз фермаси Бектоғ яйловининг бир четига қўнган эди. Бу яйловни ўраган тоғларда қандайдир шахталар ҳам бор. Уларнинг ёнида ишчилар шахарчаси кенг ёйилиб ётади. Ўша шахарчада Матвей амаки деган ишчи яшайди. Унинг Вася деган шўх ўғли бор.

Ферма ўша яйловнинг бир чеккасида тўхтаганда, Вася блан Эркин қалин дўст бўлиб қолишди.

Ишчилар шахарчасида Эркиннинг Васядан бошқа ҳам дўстлари бор, лекин у ҳаммадан кўра кўпроқ Васяни яхши кўрарди.

Ҳар куни эрталаб ё Вася Эркинларникига келарди, ёки Эркин Васяларникига борарди. Эркин Васяларникига борганда. Васянинг ойиси уларни ширин пирог блан меҳмон қиларди. Вася Эркинларникига келганда Эркиннинг ойиси уларни қаймоқ блан меҳмон қиларди. Шундай қилиб юриб, Вася қаймоқни, Эркин бўлса ширин пирогни яхши кўриб қолганди.

Овқатдан кейин улар яқиндаги кичкина изли шахта темирйўлига борар эдилар. Темирйўлдан жажжигина поезд ўтарди. Улар жуда қизиқ ҳодисаларни учратардилар: темирйўл излари поезд ўтмасдан олдин совуқ бўларди, поезд ўтгандан кейин эса қизиб кетган бўларди. Бу ҳодиса Вася блан Эркинга сирли бўлиб кўринар эди.

...Бундан ўн кун олдин тоққа кўчишларини эшитганда Эркин яна Васяни кўрар эканман, деб бениҳоя хурсанд бўлди. Лекин Роҳила холанинг айтгани келди. Эркин тоққа бунчалик ошиққани учун, кейинчалик афсусланди ҳам.

Чиндан ҳам афсусланмай бўладими? Ферма Бектоғ ўрнига «Яшил яйлов» деган бошқа бир водига жойлашган эди. Бу водида на поезд бору, на Вася.

Рост, бу ерда ҳам болалар бор, аммо уларнинг ҳаммаси кичкина болалар эди. Эркин улар блан ўйнаб юришни ўзига эп ҳам кўрмасди.

Яйловга келган кунлари Эркин зерикиб қолди. Айниқса биринчи кунлари ўзини қўядиган жой топмади. Уч-тўрт кун ўтгандан кейингина яйловга бирмунча ўрганди. Бунинг сабаби шу бўлдики, у ҳеч кутилмаганда Исой бобо блан дўстлашиб қолди.

Бу дўстлик шундай бошланди.

Эрталабки чойдан кейин, нима қилишини билмай, зерикиб турган Эркин қўрғоннинг ташқарисига чиқиб сояга ўтирди. Эркин ўтириши блан катта дарвоза ланг очилиб, қўрғондан ма'рашиб, қўй-эчкилар чиқиб келди. Улар орқасидан оқ соқоллари узун Исой бобо чиқди. У, сояда ўтирган Эркинни кўриб тўхтади.

— Ассалому алайкум! — деди у жиддий туриб.

Бобонинг жиддийлигига қарамасдан Эркин кулиб юборди. Чунки бобонинг бу туришидан унинг хушфе'л, ҳазилкаш одам экани яққол кўриниб турарди.

— Салом, бобо? Ҳорманг!

— Бор бўл, ўғлим! Қани, отга мин, яйловни тамоша қилдириб келаман.

Эркиннинг кўзи қўй-қўзилар орасида эгарлоғлик турган қашқа отга тушди. Лекин у бобонинг гапига ишонқирамади.

— Рост айтасизми, бобо?

— Рост.

— Бўлмаса, ҳозир.— Эркин уйга югуриб кириб кетди. Уердан унинг: «Ойи, бобом блан кетдим, яйловни айланиб келаман»— деган овози эшитилди. Шундан кейин у, уйдан ўқдай отилиб чиқди.

— Ойимдан сўрадим. Бораман,— деди Эркин.

Исой бобо дарров бориб қашқа отни етаклаб келди.

— Мана,— деди у отнинг узангисини тўғрилаб. Эркин минди.

Қўрғондан бир чақиримча узоқлашгач, Исой бобо блан Эркин унча баланд бўлмаган бир қирнинг устида тўхтадилар. Қир бағри кўмкўк эди. Исой бобо майсага чакмонини ташлаб, ёнбошлаб ётди. Эркин ҳам дам олди. Қўзилар шувоққа ёйилиб кетгач, Эркин ирғиб ўрнидан турди-да, от мишиб, четлаб кетган қўзиларни ўртага қайтариб келди, кейин подани айланиб юрди.

Эркин отни аввал секинроқ ҳайдади. Кейин қаттиқроқ, сўнгра бобонинг индамаганини кўриб, ундан ҳам қаттиқроқ елдирди, ҳатто чоптириб ҳам кўрди. Унинг бу қилиғини кўриб Исой бобо шодланиб кулди:

— Балли, ўғлим! Чавандоз экансан-ку ўзинг!

Эркин ҳечқачон ўша кунгидек яйраган эмас эди. Боши осмонга етди.

Туш бўлганда, Исой бобо эгарга илиб келган хуржунидан бир шишада сут, нон ва сариф ёр олди, Эркин икковлари овқатландилар. Улар овқатланиб дам олар эканлар, донли шувоқларга обдан тўйган қўй-қўзилар, ўтларнинг соясига яшириниб ётиб ухладилар.

Эркин Исой бобо блан гаплашиб ўтирди.

Исой бобо унга эртак айтиб берди.

— «Аввалги куни,— деб бошлади Исой бобо ҳикоясини,— бирпас кўзим илиниб кетибди. Шунда қўзичоқлардан бири адашиб кетиб, шу атрофда ов қилиб юрган оч бўрига дуч келибди.

Қўзичоқни кўрган бўрининг оғзидан сўлакайи келибди.

— Қўзичоқ, қўзичоқ,— дебди бўри,— мен сени ейман, еб семиз бўламан.

Қўзичоқнинг кайфи учибди. Лекин у, жуда қув экан.

— Майли, есанг егин,— дебди қўзичоқ,— аммо



тумшуғингни ювиб, озода бўлиб келгин. Тумшуғинг ифлос, мен бўлсам тозаман.

Бўри қўзичоқнинг ўлим олдидаги илтимосига рози бўлибди, у сув сўраб кўлга борибди.

— Ҳой кўл шоввоз, менга сув бер, тумшуқни ювиб, қўзичоқни еб, бўлайин семиз!— дебди бўри.

Кўлнинг қўзига раҳми келиб, бўрини алдабди.

— Яхши. Сув керак бўлса кўза келтириб олақол! Бўри кўза сўраб, кулолга борибди.

— Кулол шоввоз, бергин кўза, кўзани олиб борайин кўлга. Кўлдан олайин сув, тумшуқни ювиб, қўзичоқни еб, бўлайин семиз.

Кулолнинг қўзига раҳми келибди.

— Кўзани лойдан ясайдилар. Лой келтир, ясаб берай,— депти у.

Бўри арзини айтиб, шудгорга борибди.

— Шудгор шоввоз, бергил лой, лойдан кулол қилсин кўза. Кўзани олиб, борайин кўлга. Кўлдан олайин сув, тумшуқни ювиб, қўзичоқни еб, бўлайин семиз,— дебди бўри.

— Лой керак бўлса, мугиз келтириб, кавлаб ол,— дебди шудгор.

Бўри арзини айтиб, сигирга борибди.

— Сигир шоввоз, бергил мугиз. Мугиз блан кавлаб олайин лой. Лойдан кулол қилсин кўза, кўзага кўлдан олайин сув, тумшуқни ювиб, қўзичоқни еб, бўлайин семиз.

Сигирнинг ҳам қўзичоққа раҳми келибди:

— Мугиз керак бўлса берай. Лекин сен ҳам, унинг эвазига беда келтириб бер.

Бўри арзини айтиб, бедазорга борибди.

— Бедазор шоввоз, бергил беда, сигирга бериб, олайин мугиз. Мугиз блан ковлайин лой. Лойдан кулол қилсин кўза. Кўзага кўлдан олайин сув, тумшуқни ювиб, қўзичоқни еб, бўлайин семиз.

Бедазорнинг ҳам қўзичоққа раҳми келибди:

— Уроқ топиб келиб, ўриб ол.

Бўри арзини айтиб, темирчига борибди.

— Темирчи шоввоз, бергил ўроқ. Уроқ блан ўрайин беда, бедани бериб олайин мугиз, мугиз блан

ковлайн лой. Лойдан кулол қилсин кўза, кўзага кўлдан олайн сув, тумшукни ювиб, қўзичоқни еб, бўлайн семиз.

— Қўзичоқни еб дейсанми?— деб сўрабди темирчи.

— Қўзичоқни еб, бўлайн семиз,— деб такрорлабди бўри.

— Ундай бўлса ўтир:

Темирчи бўрини эшик олдига ўтқазиб қўйибди. Ўзи бўлса, ўчоққа ўт қалаб, катта бир чўғни отошкуракда қистириб, бўрининг оғзига тиқиб юборибди. Бўри ғиқ этмай ўлиб қолибди.

— Қўзичоқ-чи, бобожон, қўзичоқ нима бўпти?— шошиб сўради Эркин.

— Қўзичоқ соғ-саломат,— деди. Исой бобо,— ху ана, ўйнаб юрипти.— Бобо яқин жойда диркираб юрган барра қўзичоқни кўрсатди.

— Хув анови қашқа қўзими, бобожон?

— Худди ўша.

— Қув қўзи экан-а?

— Қув қўзи экан.

— Темирчи ҳам яхши темирчи экан,— деди Эркин,— кулол ҳам яхши уста экан. Нега десангиз, агар уста кўза ясаб берақолганда бўри кўлдан сув олиб, тумшугини ювиб, қўзичоқни еб қўярди.

— Тўғри,— деди Исой бобо.

Эркин ҳам ўз навбатида Исой бобога жумбоқ айтиб берди.

Шу кундан бошлаб, Эркин блан Исой бобо қалин дўст бўлиб қолдилар. Лекин бу ажойиб дўстлик кўпга чўзилмади. Бир ҳафтадан кейин Исой бобо бир иш блан қишлоққа кетиб қолди.

Эркин уни икки кун кутди. Икки кун бобонинг йўлини пойлади. Ана шунинг учун ҳам у кутиб олгани чиққанда акаси Валини қўйиб, тўғри Исой бобoga қараб югурган эди.

Икки дўст қувонч блан кўришдилар. Аммо бу қувонч ҳам кўпга чўзилмади. Исой бобо, қишлоқдан келган кунининг эртасига Эркинни қўйиб, Вали блан дўстлашиб олди.

Вали кун бўйи отдан тушмагани учун толиққан эди, шунинг учун ҳам яйловга келган кечаси тошдай қотиб ухлади.

Вали уйғонганда подалар ёйилиб кетган, қўрғонда аёллар блан ёш болалардан бошқа ҳечким қолмаган эди.

У, тезда ювинди-да, онасининг ўтириб овқат егин, деб ёлворишига ҳам қулоқ солмасдан, бир бўлак нонни қўйнига тикиб, югуриб ташқарига чиқди. Атрофда баланд тоғлар қад кўтарган, уларнинг қорли чўққилари зангори осмонга тегай-тегай деб турар эди.

Баланд кўтарилган қуёш ёнбағирлардаги кўкимтир туманни тарқатиб, кенг яйловни илиқ нурга чўмилтирганди. Унг қўлдаги дарахтзорда қушлар учишиб юрарди, ҳаво тиниқ, эрталабки салқин ҳали кўтарилмаган эди.

Вали каёққа боришини билмай, бирпас иккиланиб тургандан кейин, қаршидаги тепаликка қараб юрди.

Ферманинг келганига бир ҳафтадан ошган бўлса ҳам, сўқмоқ изларни ҳисобга қўшмаганда, яқин атрофда ҳечқандай йўл йўқ эди. Қўрғоннинг ёнгинасидан бошланган яшил пичанзор, узоқлашган сайин қалинлашиб борарди.

Пичанзор совуқ шудринг блан ювилган эди—Валининг кийимлари бирпасда ҳўл бўлди. Вали бўлса буни сезмади, унинг хаёли яқиндаги қирга тезроқ етиб, атрофни тўйиб тамоша қилиш истаги блан банд эди.

Вали тўсатдан сесканиб кетди. Худди оёқлари остидан нимадир лип этиб чиқдию, қочди. Утлар шитирлаб қолди. Чўчиб таққа тўхтаган Вали ўзидан ўн қадамча нарида катта оқ қуённинг узун қулоқларини кўриб қолди.

Бир минутдан кейин оқ қуён олдиндаги қирнинг тепасига етди, гўё Валини масхара қилгандай, ўша ерда бир лаҳза тўхтади-да, кейин икки сакраб қирнинг орқасига ўтиб ғойиб бўлди.

Тўсатдан Валининг қалбини шундай шўх бир хис тўлдирдики, унинг пичанга ағнаб ўйнагиси, қуёндек қирдан-қирга чопиб, ҳамма нарсани кўргиси келди.

Биринчи қирдан узоқдаги подалар кўринди. Пода атрофида пиёда ва отлиқ чўпонлар айланиб юрарди. У ердан тўғон ҳам кўринди. Атрофи ўсиқ толлар ва қалин қамишлар блан ўралган тўғон, қуёш нурларини кўзгу каби акс этдириб, ялтираб кўринарди.

Вали тўғонга қараб чопиб кетди.

Қирнинг нариги этагидан бошлаб, тўғонга етгунча яна пичанзор ёстанган эди. Пичанзор ҳархил дала гуллари блан безанган. Вали бу гулларнинг кўпини билмас эди. Оқ, сариқ, қизил гуллар, лолалар, чирмовуқлар, қандайдир тиканли гуллар, ҳаммаси шудринг блан ювилган, ҳўл ва гўзал эди.

Ўтлар орасида чумчуқлар чуғурлашарди, номларини Вали билмаган қандайдир майда қушчалар, ундан кўрқмасдан, оёқлари остида йўрғалаб юришарди. Тиниқ ҳавода гулларга ўхшаган оқ, сариқ, пушти капалаклар учишарди, қаердадир булдируқ қуриллар эди.

Тўғон катта эмас эди. Лекин суви... суви осмондай кўмкўк, тиниқ, совуқ. Тўғон ариғи чуқур бўлишига қарамай, тагида ётган майда тошларгача кўринар эди.

Балиқчи қушлар тўғоннинг тинч сатҳига тўш уриб ўтардилар, сапчиб ўйнаган ёш балиқчаларнинг думидан тишлаб учардилар. Ба'зи-ба'зида, қушлардан кўрқмаган катта балиқлар кўкка сакрар, кумушранг тангачаларини ҳавода ялтиратиб, яна сувга шўнғирдилар. Ана шундай пайтларда сувнинг тинч сатҳи бузилиб, ўртадан четга қараб борган сайин катталанучи доирачалар ёйиларди.

Тўғон атрофидаги ўсиқ қамишларда Валини ҳайратга келтириб ипак қанотли рангба-ранг капалаклар, ингичка ниначилар учишиб юрарди. Улар қушчалардан кўрқсалар керак, қамишларнинг баргига тез кўниб, тез учардилар, бирор жойда бир секунддан ортиқ турмасдилар.

Вали тўғоннинг айланасини синчиклаб кўриб чиқди. Сўнгра, орқада қолган боғни кўриш учун, кўрғонга қайтди.

Боғ, ўрмонга ўхшар, Вали ўйлагандан катта, броқ ярим ёввойи эди. Бу ердаги тераклар, қайрағочлар, толлар, олма ва ўриклар қишлоқдаги Вали биладиган шу хил дарахтлардан ўсиқ, йўғон ва катта эди. Лекин олма блан ўрикларнинг меваси майда, маза-сиз. Олмалар кичкина-кичкина, аччиқ, ўриклар эса ҳануз кўмкўк, гўра эди.

«Қанчадан-қанча гербарийлар тўплаш мумкин!»— деб ўйлади Вали. Унинг атрофга тўймасдан қараган қўй кўзлари шодликдан чақнар эди.— «Агар кундалик ёзсам-чи? Қандай қизиқ бўлиб чиқарди?..»

У чарчаган, қорни ҳам очган, броқ шод ва бахтиёр эди. Унинг миясида бир-биридан қизиқ фикрлар туғилди: ит блан қуён овлаш, беданага тузоқ, тулкига қопқон, паррандаларга тўр қўйиш, толдан сават тўқиб, тўғонда балиқ овлаш... Лекин энг муҳими бу атрофни чуқур ўрганиш, ўрганганларни батафсил ёзиб бориш!..

\* Бирпасда шунча иш топилдики, кундузги уйқу вақтида Вали кўз ҳам юмолмади. Шунга қарамасдан, биринчи кун барибир бекор ўтди. Чунки бунинг ҳаммасини амалга ошириш бир ўзининг қўлидан келмас эди. Бунинг учун овчиликни севадиган, умуман табиатни яхши кўрадиган бировнинг ёрдами керак эди. Аммо ким бор?..

Вали Исой бобони эслади. Дарҳақиқат, бу ишда бободан яхши, ундан билимдон ҳечким йўқ эди.

Кечқурун қўзилар яйловдан қайтган ҳамон, Вали Исой бобонинг олдига кирди.

Исой бобо Валининг планларини диққат блан эшитди. Бошини эгиб, соқолини силаб, ўбдон ўйлагач, ниҳоят сўради:

— Бундан чиқди, овчиликни яхши кўраркан-санда?

— Яхши кўрганда қандай, асти қўйинг!

— Балли, ўғлим! Овчилик одамни зийрак ва моҳир қилади! Кучли, чаққон қилади!

Исой бобо, негадир яна ўйланди. Вали эса бобонинг юмуқ кўзларига тикилиб, тоқатсизлик блан унинг жавобини кутар эди.

— Молларни ҳам яхши кўрасанми?— ниҳоят сўради чол.

Вали чўпоннинг фикрига тўла тушунмаса ҳам, самимий жавоб берди:

— Яхши кўраман. Мен меҳнатни севаман, бобо-жон,—деди Вали,—мен уйда доим дадамга ёрдамлашаман: баҳорда кўчатлар ўтқазаман, ёзда экинларни суғораман...

— Балли, азамат бола экансан!— тўсатдан Валининг сўзларини бўлиб, хитоб қилди бобо. Унинг юмуқ кўзлари очилиб кетди.— Бўлмаса бундай қиламиз,—Исой бобо яхшироқ жойлашиб ўтирди.—Иккимиз бирга бўламиз. Қўй-қўзиларни боқиб юриб, бу айтганларингнинг ҳаммасини қиламиз: беданага тузоқ, ёввойи қушларга тўр, тулкига қопқон қўямиз. Бўш вақтларда толдан сават тўқиб, тўғонда балиқ тутамиз.. кундалик дафтарингни ҳам биргалашиб ёзамиз.

Вали оғзини очганича, Исой бобонинг юзига тикилиб қолди. У, ўз қулоқларига ишонмас, севинганидан нима дейишини билмас эди.

— Бобожон!—деди у, охири қичқариб.—Мен... мен ҳозир десангиз ҳам тайёрман!

— Қўлингни бер!

Иккиси қўл сиқишди. Бобонинг қўли катта ва суякдор, Валининг қўли эса кичкина, лекин қаттиқ эди.

Орадан беш минутлар ўткандан кейин, Вали шодликдан титраган бармоқлари блан ручкани зўрға эп-лаб, шундай деб ёзди:

«Роҳат қишлоғи. Валерий Чкалов номли пионер отрядининг штаб бошлиғи ўртоқ Нурмат Холиқовга.

«Яшил яйлов»га келдим. Яйловнинг табиати жуда бой. Шундай бойки... кўрсанг ҳайрон қоласан!..

Нурмат, топширилган вазифаларни тўлиқ бажараман. Мен кекса чўпон Исой бобо блан танишиб олдим. Унга ёрдам берадиган бўлдим. У менга овчиликни ўргатадиган бўлди.

Ишлар қандай? Шокир Пулатга ёрдам бераяптими? Саёҳат яхши ўтдимми? Штаб яхши ишляптими? Ўзинг қалайсан? Нурмат, штаб бошлиғи бўлдим деб, кеккайиб кетма тагин, ишни яхши бажар, хўпми?

Хат кутаман. Янги вазифалар бўлса — ёз, бажараман. Хайр.

Пионерлик саломи блан: В. Зокиров...

А июнь, «Яшил яйлов».

## VII

Бугун қишлоқда катта бир воқиа бўлди: Эркиннинг синфдоши Раисанинг пучуқ бурнини, худди қастдан қилгандек, асалари чақиб олди.

Раиса кечқурун ўрнига ётишдан олдин, ойисидан сўраб асал ялаган эди. Броқ бурнига ҳам асал текканини билмасдан, тўғрироғи билса ҳам ялқовлик қилиб, ювинмасдан ётган эди.

Эрталаб бўлса, Раиса ухлаётган кроватънинг айланасидаги гуллардан-гулларга учиб юрган ари шу яқинда асал борлигини пайқаб қолди, ҳидлай-ҳидлай ниҳоят топди. Қараса, асал ухлаб ётган Раисанинг бурнида экан.

Асалари яқинроқ келди, Раисанинг бошидан уч-тўрт марта айланди, кейин «лип» этиб қизчанинг бурнига қўғиб олди.

Асалари Раисанинг бурнига ёпишган асални емоқчи бўлди. Асалари ғувиллаб, Раисанинг ғашини келтирди. Раиса уйқи аралаш бурнини чимириб кўрди, асалари кетмади. У қўли блан уни олиб ташламоқчи бўлган эди, асалари унинг бурнига нишини суқди-да, ўзи ерга йиқилиб тушди.

Ариса қурғур Раисанинг бурнини шунчалик оғри-тиб чақдики, у уйқудан уйғониб кетди, ҳатто кроватъдан сакраб тушиб, уйга қараб югурди.

— Ойи! Ойижон! — Раиса йиглаб юборди. Лекин ойиси Зухра хола уйда йўқ, ишда эди. Шу вақт, боғнинг ташқарисида жимжит ҳавони янграган лўх садо эшитилди. Раиса ари чаққан бурнини маҳкам ушлаганича, ташқарига отилди.

Боғ олдидаги катта майдонда кўп одам тўпланган, шовқин, ўйин-кулги авж олган эди.

Майдоннинг ўртасида ўзи юрар комбайн турарди. Унинг ёнида қизлар-йигитлар довра қуриб, ўйин қилмоқда эдилар. Узун бўйли бир йигит блан Раисанинг ўқитучисига ўхшаб кетадиган чиройли бир қиз давранинг ўртасида, оқ капалак сингари пирпираб ўйнамоқда эди. Кўчалардан, атрофдаги боғлардан ўроқ кўтарган аёллар, эркаклар келмоқда, катта майдон одамга тўлиб борарди.

Бирдан чилдирманинг садосига шўх бир қизнинг жаранглаган овози қўшилди. Унга бошқалар жўр бўлишди. Атрофни шўх ва ёқимли ашула янгратади.

Зухра юлдуз порлади  
Уйқидан уйғон, дўстим,  
Бугдой ўроғи келди,  
Ўроққа шайлан, дўстим.

Манзара шунча қизиқ ва жозибали эдики, Раиса бурнининг оғриганини унутиб, комбайнга қараб югурди, кейин, бундай ажойиб тамошадан акаси Пўлатнинг хабарсиз эканини эслаб, орқага қайтди.

Пўлат уйдан чиққанда катта майдон колхозчилар блан тўлган эди. Пўлат блан бир вақтда қаршидаги кўчадан колхознинг янги «ЗИС»и чиқди. «ЗИС» Валларнинг боғи олдига келиб тўхтади. Унинг орқасидан қўш от қўшилган тўрт филдиракли аравалар келиб қаторлашди.

Даврадаги ўйин яна ҳам қизиди.

Пўлат ҳаммадан олдин машина ёнига борди (у, машинани жуда севар эди). Устида костюм, яхшигина кийинган, хушмўйлов, ўзи ҳам янги машинага қўйиб қўйгандай келишиб тушган шофер Ваҳоб ака машинанинг теварагида айланиб юриб, филдиракларни кўздан кечирар эди. Бу ердаги шодлик, тантана бошқалардан ҳам кўпроқ Ваҳоб акани завқлантириб юборгандай эди. У, ўзича кулиб, бошини чайқаб ва машинага гард юқмадимикин, уни тозалаб қўяй, кўрганлар қойил қолсин, деб ичида ўйлар эди.



Шу пайт Пўлат:

— Салом, Ваҳоб ака, буғдой ўроққа борасизми?— деб сўраб қолди.

— Ўроққами, албатта бораман,— деди шофер, негадир даврада ўйнаётган қиз-йигитларга имо қилиб,— бормай бўладими?

Ваҳоб аканинг вақти чоғлигини сезган ва машинага тушишни яхши кўрадиган Пўлат, пайтни қўлдан бермади.

— Ваҳоб ака, машинангизга бир тушиб кўрсам майлими?

— Тунов кунни тушиб кўрган эдинг-ку, оғайни!

— Яна бир марта тушай...

— Шундайми? Ҳим...— Шофер Ваҳоб ака нима тўғрисидадир ўйлаб кўрган бўлди-да, сўнгра, афтидан вақти чоғлиқнинг та'сири бўлса керак, «ҳа, майли» деди.

Пўлат шу замоноқ машинага чиқиб олди. Машина кузовига беда тўшалган — юмшоққина эди. Қувончи ичига сиғмаган Пўлат, ўзини хушбўй пичан устига ташлаб, унинг ичига шўнғиди.

Идора томондан колхоз раиси Алихон ака блан колхоз партия ташкилотининг секретари Қурбонов кўринди.

Алихон ака семиздан келган, елкалари кенг, қора мўйловли, бақувват бир киши эди.

Алихон ака байрам кунларида киядиган яшил гимнастёркасини кийган эди. Унинг кенг кўкрагида «Шуҳрат» ордени ялтирарди.

Энлик камар блан белини маҳкам боғлаб олган Алихон ака ўз солдатларини кўздан кечираётган қўмондонга ўхшар эди.

Қурбонов мажлисни очди. Кейин у колхоз раиси Алихон акага сўз берди. Алихон ака шиорлар блан безатилган комбайннинг устига чиқиб, чорак соат нутқ сўзлади.

— Ўртоқлар, ерда бир дона ҳам бошоқ қолдирмайлик!— деди у.— Негаки, дон демак — тўқчилик демак! Дон демак — куч демак — тинчлик демак, қимматли ўртоқлар!

Шундан кейин, Пўлатнинг дадаси Карим ака, қучоққа сигмайдиган бир боғ буғдой кўтариб келиб, раиснинг олдига қўйди. Унинг орқасидан, комбайн устига бир чол чиқди.

Чолнинг қўлида дастурхон бўлиб, унда шу йилнинг буғдойидан ёпилган бир даста нон бор эди. Чол нонни раисга тутди.

Алихон ака нондан бир бўлагини синдириб олдида, қолганини чолга қайтариб берди. Раисдан кейин, дастурхондаги нонлар, қўлдан-қўлга ўтиб, майдонни оралаб кетди.

Колхоз раисидан кейин икки-уч киши гапирди, кейин одамлар араваларга ўтирдилар. Машинани эса чилдирма чалган қизлар блан йигитлар эгаллади.

Пўлатга машинадан туш, деб ҳечким буюрмади. Аксинча, қўғирчоқдек ясаниб олган қандайдир қиз, унинг кўзларига мулойим қараб, сўради:

— Сиз ҳам далага борасизми, укажон?

— Ҳа,— деди қўрқиб турган Пўлат. У ичида: хайрият, ҳечким индамади, дадам блан кетавераман, деб фикр қилди.

Биринчи бўлиб ўзи юрадиган комбайн кўзғолди. Унинг орқасидан машина юрди. Машинадан кейин аравалар.

Машина юргач Пўлатнинг ёдига... тўсатдан Шокир тушди. Штабнинг топшириғи бўйича бугун Шокир иккиси ларс тайёрлаши керак эди...

Пўлат кабинкани қоқиб, машинани тўхтатмоқчи бўлдию, броқ бу фикрдан дарров қайтди. Машинада кезишни яхши кўриши унинг бу истагидан устун келди.

Машина кенг йўлга чиққач, комбайндан ўзиб кетди. Уйлар, боғлар, кўмкўк пахтазорлар — ҳаммаси орқада қолди. Олдинда дала очилди — сапсариқ олтиндек бўлиб буғдой денгизи тўлқин урарди.

Машинада ўтирган Пўлат тез ўзгараётган таассуротлар кучи блан ўзини безовта қилаётган фикрлардан бутунлай халос бўлди. У, тинчланди.

Пўлат ўша куни кечгача Ваҳоб ака блан бирга бўлди. Дадаси Карим ака ҳам шу ўртада ишлади. Машина далага қоп, ўроқчилар учун овқат, мева та-

шиди. Пўлат бўлса, ўзидай келадиган шу ерли Ҳамид деган бола блан бирга, Ваҳоб акага ёрдамлашди. Пўлат бир томондан Ваҳоб акага ёрдам бераётганига суюнса, иккинчи томондан янги машинага миниб юргани учун хурсанд эди.

Кечкурун шофер блан Пўлат дар'ёчага бориб, машинани ювдилар, кейин ўзлари ҳам чўмилиб олдилар, қишлоққа яна ҳам шод-хуррам бўлиб қайтдилар. Лекин Пўлат уйга кириши блан хаёли қочди. Уйда уни кутиб Шокир ўтирарди. У, Пўлатнинг далага кетиб қолганини Зухра холага айтган бўлса керак, онаси уни қовоғини солиб қарши олди.

Шокир эса, Пўлатни кўрган ҳамон зипиллаб олди-га келди.

— Ҳа, қаёқларда юрибсиз, ўртоқ Каримов? — деди Шокир, сомон қалпоғини хиёл кўтариб қўйиб. У, шу туришида худди уришқоқ хўрозни эслатарди.

— Далада эдим, — деди Пўлат.

— Дарс-чи? Мен эрталабдан бери кутиб ўтирибману, — деди Шокир. — Нима қилай, Саида опага ёки вожатийга айтайми?

Пўлат, худди айтмагин дегандек, ялворгансимов Шокирга қаради.

— Эртага сбор. Сборда айтаман.

Пўлат индамади.

— Майли, биринчи марта бўлгани учун айтмайман. Хотиржам бўл. — Шокир худди бировнинг эшитиб қолишидан қўрққандек аланглаб, овозини пасайтирди: — Броқ, гап орамизда қолсин — мабодо сендан: Шокир ёрдам бердими, деб сўрасалар, «ҳа» деб жавоб берасан. Тушундингми?.. Фақат ҳозирчалик эмас, кейинчалик ҳам ба'зида шундай қилишга тўғри келадди, — деди Шокир. — Қани, нима дейсан?.. Қўркма, қанакасан ўзинг! Агар ёрдам керак бўлса мен тайёрман. Броқ... ҳозир менинг вақтим йўқроқ.

Пўлат ерга қараб жим туради.

— Хоҳламайсанми? — деди Шокир. — Майли, бўлмаса бугун дарсга кечикканингни эртага сборда айтаман...

— Йўқ, йўқ, — деди Пўлат, тўсатдан нималандир қўрққандек бўлиб. — Майли, сен айтганча бўлсин..

Саёҳатчилар штабида болалар ўтиришипти. Тепадаги стол ёнидан Нурмат блан ҳозиргина келган Саида опа жой олишди. Нурмат қоғозларни титиб кўрабошлади. Қоровулхона жимиди. Болалар ўз ора пичирлашиб гаплашиб, мажлис очилишини кутишди.

Нурмат, Саида опа блан шивирлашиб гаплашдида, столни чертди.

— Ўртоқлар,— деди у,— гапни тўхтатишингизни сўрайман, жуда диққат қилиш керак бўлади, нега десангиз, кўриладиган масала жуда кўп. Ҳаммаси бўлиб ўн бешта...

— Ухў!— деди кимдир.

— Эҳэ!— деди Шокир.

— Ундай бўлса мажлисимиз бўгун тамом бўлмас экан,— деди Собиржон.

Саида опа илжайди.

— Қани, қанақа масалалар экан? — У Нурматнинг олдидаги қоғозга кўз ташлади.— Бунинг ҳаммасини бир масала қилиб қарасак ҳам бўлади. Сўнгра... Бунақа тантанали мажлиснинг кераги йўқ! — деди Саида опа. — Яхшиси, келинлар, қандай ишлар қилишимиз тўғрисида ширингина суҳбат ўтказиб қўяқоламиз. Қани, яқинроқ ўтиринлар...

Нурматнинг узунчоқ ориқ юзига қизил югурди. Болалар яқинроқ ўтирдилар.

Нурмат айтган ўн беш масаланинг энг муҳими Володяларни яхшилаб кутиб олиш эди. Қолган масалаларнинг ҳаммаси тўпланган гербарий ва коллекцияларни тартибга келтириш, Пўлат топган ажойиб тошни геология институтига юбориш, коллектив бўлиб китоб ўқийдиган кунларни белгилаш ва шунга ўхшаш масалалар эди.

— Менимча, — деди Саида опа, — энг аввал икки хонали уй топиб, уни яхшилаб жиҳозлаш керак. Нега икки хонали дейсизми? Биттасида қизлар туради, иккинчисида болалар.

— Ҳарбиримиз бир болани уйга таклиф қилиб қўяқолсак-чи? — деди Шокир. — Масалан, мен Таню-

шага уйдан жой ҳозирласам. Пулат Володяни уйига элтса-чи...

— Унда Володяни мен таклиф қиламан! — деди Ҳабиба.— Балки унинг қўли ҳали ҳам тузалмагандир.

— Сени қара-я! Унинг қўли ўша кунгек тузалиб кетган. Яна «врач» эмиш-а, — деб таъна қилди Шокир.

Нурмат столни тақиллатди. Саида опа бармоғини лабига босди:

— Жим, ўртоқлар.. Шокирнинг фикри тўғри келмайди. Қишлоқдан яхшиси икки хона тайёрлаймиз. Уйимиздан нарсалар келтириб уни безатамиз, койкалар, стол ва стуллар қўямиз... Масалан, мен битта кровать блан битта палак келтираман.

Саида опанинг таклифи ҳаммага ёқиб тушди.

— Мен иккита кўрпа олиб келаман! — деди Салима.

— Ойна, парда керакми? Бўпти! Ойна блан пардани мен келтираман.

— Мен ҳарқуни шишага солиб гул келтириб тураман, — деди Ҳабиба. — Столга қўйиб қўямиз!

— Гулни ҳамма олиб келиши мумкин. Сен бошқа нарса келтир.

— Ҳамма эмиш! Бизнинг гулимиздақа гул йўқ. Уни бобом ўстирганлар. Бобомнинг кимлигини биласанми?

— Мичуринчи эканини биламиз! Мақтанмаёқ қўй!..

— Энди фақат уй топиш қолди, — деди Саида опа.

— Уни ҳам топамиз! Бўлмасам-чи?

Саида опа гапирмоқчи бўлса керак, ўрнидан турди, пешонасига тушган сочларини икки қўллаб орқага сурди.

— Болалар, — деди у. — Балки эшитгандирсизлар, эртадан бошлаб барча ўқитучилар ва юқори синф ўқучилари колхозга ёрдамга чиқади. Мен ҳам кетаман. Вожатий блан Каримжон ҳам биз блан боради. Лекин, мен ўйлайманки, сизлар, бизни кетди деб, ишни тўхтатмайсизлар. Менинча штаб

колхоз комсомол комитети блан маҳкам алоқада бўлиши керак. Чунки яқин кунларда боғда мева терими бошланади. Ёрдам бериш керак бўлади. Умуман, шу кунларда активликни ошириш керак. Ана шундагина қимматли меҳмонлар олдида уялмайдиган бўламиз...

Мажлис тугади. Шокир, ҳечким ундан дарс тўғрисида сўрамагани учун севиниб, кетишга ошиққан эди, уни Саида опа чақириб қолди.

— Шокир, айтчи, дарс нима бўлаяпти?

— Бошладик, — деди Шокир ва Пўлатнинг қизориб кетганини кўриб, қовоғини солди.

— Раҳмат, — Саида опа қўлини Шокирнинг слкасига қўйди. — Биз бир ҳафтада келамиз, — деди у. — Келганимда ўзим ҳам ёрдамлашаман. Унгача ялқовлик қилманглар.

— Саида опа, — деди Шокир, — мен бошқа ишга қатнашсам ҳам бўладими?

— Нега бўлмасин? Бўлади, албатта, — деди Саида опа. — Ахир Пўлат блан бир кунда кўп бўлса икки соат дарс тайёрлайсан-да, шундайми?

— Шундай, — деди Шокир, севиниб кетиб. У, Пўлатнинг негадир хафа эканини сезиб, ташқарига чиққач дарров юпатди:

— Қўрқма, оғайни, ҳали саксон кун бор! Саксон кун-а?

Пўлат ҳам: «Тўғри. Ростдан ҳам саксон кун бор-ку!» деб ўйлади.

...Уша куни тушдан кейин Шокир дадаси олган китобларни кўтариб колхоз кутубхонасига борди. У доим шундай қиларди. МТС да агроном бўлиб ишлайдиган дадасининг бўш вақти оз бўлгани учун, унинг китобларини кутубхонага Шокирнинг ўзи ўтказиб, ўзи олар эди. Дадаси эса керакли китобларни унга рўйхат қилиб ёзиб берарди, холос...

Ҳардоим шундай қилиб юриб, Шокир кутубхона мудирини Осиё опа блан дўстлашиб олган эди.

Осиё опа — ёш бўлса ҳам, кўзига ойнак таққан, ўзи жуда мулойим аёл эди.

Шокир келганда у столларда уйилиб ётган газеталарни бригадаларга тақсимламоқда эди.

— Келдингми, Шокиржон? — деди у.

— Келдим.

— Қўлинг бўшми?

— Бўш, — деди Шокир. У, кутубхона ишига ара-лашишни жуда яхши кўрар эди. Ҳозир ҳам бирорта топшириқ олишни сезиб, Осиё опанинг саволидан севиниб кетди.

— Ун минут ёрдам бераоласанми?

— Юз минут десангиз ҳам тайёрман! — деди Шокир.

— Бўлмаса, бундай қил, — Осиё опа столдаги газеталарни кўрсатди. — Ҳархил газетадан ўнтадан қилиб, саккизта бригадага ажрат, хўпми?

— Хўп.

Шокир ишга жадал киришли.

Ун минут ҳам ўтмай, у тантана блан рапорт берди:

— Тайёр!

Осиё опа хурсанд бўлди.

— Қара-я, икки одам ишласа яхши бўлар экан, — деди Осиё опа. — Укажон, иш кўпайиб кетди, янги бригадалар қўшилди. Уларга газета, китоб, журнал етказиб бериш керак... Раис яна бир одам қўшиб бермоқчи эди. Лекин мен олмадим. Чунки, ўзинг биласан, ҳозирги пайтда ортиқча одам йўқ, далада иш қизғин...

Осиё опа Шокир блан худди катта одамлар блан сўзлашгандай жилдий гаплашар эди. Опанинг сўзларини эшитаркан, Шокирнинг хаёлига бир фикр келди. Бу фикр шунчалик яхши ва қизиқ эдики, Шокир севинганидан ҳаяжонланиб кетди:

— Осиё опа, агар истасангиз... агар истасангиз мен сизга ҳар куни ёрдамлашиб тураман. Йўқ, деманг, Осиё опа! Нега десангиз, менинг кўлим бўш.

Мен бекор юрибман.

Осиё опа, олдидаги хатларни четга суриб, Шокирнинг юзига тикилди.

— Мен билмадим, Шокиржон. Броқ ўзинг истасанг... унда майли.

— Ўзим истайман, албатта, — қизғин та'кидлади

Шокир. — Ахир менинг қўлим бўш! Тушўндингизми, бўш! Менга шундақа ишлар ёқади ўзи!

— Тушундим, — деб кулди Осиё опа, — раҳмат, Шокиржон.

Кутубхонадан чиқаётиб, Шокир қувонч блан ўйлади:

«Ҳали шошманглар. Мен бу ишни шундай боппайки, ҳамма ҳайрон қолсин» — у, сомон қалпоғини кўтариб, мағрур кулди.

## IX

Икки хонали уйни топиш, Саида опа айтгандек ўнғай бўлмади. Рост, икки хонали уй кўп эди, лекин уларнинг кўпчилиги Нурматлар ўйлаганча — саёхатчи болаларни жойлаш учун торлик қиларди, уларга энг камида ўн беш кровать, стол ва стуллар қўйиладиган уйлар керак эди.

Ҳабиба блан Нурмат қишлоқдаги ҳамма уйларни кўриб чиқдилар.

— Энди нима қиламиз? — деди Нурмат, иссиқдан терлаган юзини артиб.

— Билмадим. — Ҳабиба ерга қаради. Тўсатдан, унинг кўк кўзлари чақнаб кетди.

— Айтгандай... директорга борсак-чи? — деди у. — Наҳот бирорта синфни бўшатиб бермаса?

— Ремоьт бошланган-да! — деди Нурмат.

— Бошланса нима! Ҳаммасини бир кунда ремонт қилмайдиларку!..

Улар мактабга бордилар.

Директор, Нурмат блан Ҳабибани диванга ўтқазди, ўзи эса, олдидаги қоғоздан бош кўтармай, уларнинг гапини эшитди.

Директор сочларига оқ тушган, ёши элликдан ошган киши эди, лекин унинг кичкина қора кўзлари доим шўх кулиб турарди.

— Шундай қилиб уй тополмадик денглар? — деб сўради директор. — Меҳмонларинг қандай, яхши болаларми?



— Бўлмасамчи! — деди Ҳабиба, — шундай одоб-ли... шундай ботир, ақлли болаларки, ҳеч қўйинг!

— Хўп, яхши. Сизлар меҳмон чақирсаларинггу, биз уй бермасак — уят бўлар, — деди директор. Унинг кичкина қора кўзлари шўхлик блан чақнади. У қоғозга алланималарни ёзди. — Мана бу қоғозни завхозга беринглар. Боғ томондаги иккала синфни бўшатиб беради. Иккала синфнинг деразаси ҳам боққа очилди, баҳаво, гулларнинг ҳиди кириб туради... Бўладими? Яна қандай талабларинг бор?

Болалар ортиқча ҳечнима сўрамай, раҳмат айтиб директор олдидан чиқишди.

Директорнинг суҳбатидан кейин Нурматнинг руҳи кўтарилиб, севиниб кетди.

— Мен завхозга бораман, — деди ў. — Сен эсанг ўз звенонг блан Собиржоннинг звеносига хабар бер.

— Хўп.

Улар бир синфга қизлар учун, иккинчи синфга ўғил болалар учун крсовать қўймоқчи бўлдилар. Қизлар синфини Ҳабибалар, ўғил болалар синфини Собиржонлар безайдиган бўлишди.

Улар ажралишди.

Иш иккинчи кун эрталаб бошланди. Ҳабиба иккита стул олиб келиб қўйгач, гул соладиган чиройли ваза келтиргани кетди. У ваза кўтариб келганда звено пионерлари эшикни ёпиб олиб, алла нима тўғрисида шивирлашиб гаплашмоқда эдилар. Эшикни Салима очди ва Ҳабибани ичкари киргизиб, қайтадан маҳкам беркитди.

— Нима гап? — Ҳабиба ҳайрон бўлди.

— Биласанми нима? — деди Салима. — Биз уларга билдирмасдан, — Салима иккинчи синфга имо қилди ва бу блан Собиржоннинг звеносини билдирди, — маслаҳат қилаяпмиз... Биз ўз хонамизни уларникидан яхшироқ ясатмоқчимиз. Шундай ясатайликки, Ҳабиба, уларникидан юз ҳисса яхши бўлсин!..

— Улар билса нима қилади? — деди Ҳабиба, тушунмасдан.

— Ээ!.. Сени қара-я! Бў фикрни биз ўйлаб топдик-да! Керак бўлса улар ҳам ўзлари ўйлаб топшсин.

— Яхши, — деди Ҳабиба, ўйлаб кўриб.

Шундан кейин болалар расмлар, плакатлар, палак, дераза пардалари ва бошқа нарсаларни олиб келгани кетишди. Ҳабиба эса, уйни қандай безатиш ҳақида ўйлаб, улардан кейинроқ чиқди.

Ёндаги синф олдидан ўтаётган Ҳабиба аллакимнинг овозини эшитди:

— Келинлар, болалар, биз ўз хонамизни шундай безатайликки, Ҳабибалар ҳайрон қолишсин! — Бу овоз Раҳматнинг овозига ўхшар эди.

— Тўғри.

— Жим, — деди бир бола. — Улар эшитиб қолмасин тагин...

Ҳабиба ўзини тўтолмади, у овозининг борича кулиб, ҳовлига югуриб чиқиб кетди.

Штаб томондан шошилиб Нурмат келарди.

— Мен идорада бўлдим. Алихон аканинг ўзи била гаплашдим, — деди у, сезиларлик ғурур билан. — Уйларни ясаиб бўлсак, катта боққа чиқиб, ўрик теримига ёрдам берамиз.

— План бузилади-ку! — деди Ҳабиба, — эртага бизлар «Қир офтоби»ни ўқимоқчимиз.

— Шундайми?.. Неча кунда ўқиб чиқасизлар?

— Икки кунда, — деди Ҳабиба, ўйланиб. — Агар қизиқиб кетсак, бир кундаёқ тугатсак ҳам ажаб эмас.

— Ундай бўлса ўқиб чиқинлар, — деди Нурмат. — Ёрдамга ҳозирча Собиржоннинг звеноси чиқади. Кейин ўрин олмошасизлар. Бўптими?

— Бўпти.

— Айтгандай, мен Шокирни кўрдим, — деди Нурмат.

— Кўрсанг нима? — деди Ҳабиба, тушунмасдан.

— Боғбонларга газета-журнал тарқатиб юрибди, биласанми нима, кутубхоначига ёрдамлашаяпти.

— Пўлат-чи?

— Унга ҳам ёрдам бераяпти, — деди Нурмат. — Менинча у азамат! Нима дейсан, Ҳабиба?

Ҳабиба кўзларини ўйчанлик билан сузиб:

— Икки ишни бирданига эплэй олармикан? — деди шубхаланиб. — Эплэй олса — азамат-а! Суриштириб кўрсак бўларди..

## Х

Шокир Нурматни колхознинг катта боғидан топди. Нурмат Ҳабибанинг звеносига қўшилиб ўрик термоқда эди.

— Сен ўзинг қанақа одамсан? Штаб бошлиғимисан, ёки бекорчимисан? — деди Шокир, қўлларини белига тираб, — штаб бошлиғи деган одам, штабда ўтириши керак. Унинг иши фақат буйруқ бериш. Сен бўлсанг бу ерда юрибсан-а... Қидиравериб оёқларим қавариб кетди-ку!

— Нима гап?

— Бугун кечқурун меҳмонлар келади! — деди Шокир. — Ҳозир телефонда айтишди. Наташа Коленкова блан ўзим гаплашдим. Эндиги иш — кутиб олиш. Билдиларингми?

Урик тераётган болалардан бири:

— Алдамайсанми? — деди шубхаланиб.

— Сени қара-я! — деди Шокир. — Мен кимман, биласанми? Мен, оғайни, почтальон бўламан. Почтальон деган бунақа гаплар блан ҳазиллашмайди.

Ҳамма кулиб юборди. Нурмат Шокирнинг елкасига қоқиб:

— Тўғри! Балли, Шокир! — деди мақтаб.

Гап навбати меҳмонларни қандай кутиб олишга ўтди. Нурматнинг фикрича, кечқурун болалар колхоз идорасининг олдига тўлланиши керак, чунки меҳмонлар ўша ерга келишади.

— Уй тайёр. Яна нима керак?

— Овқат-чи? — тўсатдан сўради Шокир.

Болалар бир-биринга қарашди.

— Буни ўйламапмиз-а?

— Эсимдан чиқипти! — деди Нурмат.

— Қандай овқат керак?

— Иссиқ овқат бўлмаса бўлмайди, узоқ сафарда юрганларга иссиқ овқат бериш керак, — деди Ҳабиба, ўзининг «врач» эканини билдириб.

Сўзни Нурмат блан Ҳабибага «бериб», нима тўғри-сидадир ўйланиб қолган Шокир, тўсатдан кафти блан пешонасига бир-урди:

— Менинг ақлимга бир фикр келди!— деди шошиб. — Шу топда идорада Алихон ака ўтирибди. Бориб сўраймиз. Гўшт блан картошка беришса бас, бошқа нарсанинг кераги йўқ. Нима? Бермайди дейсанми? Алихон ака яхши одам. Биз ёрдам бераяпмизми? Бераяпмиз. Демак, у ҳам ёрдам беради...

План тўғри эди. Нурмат болаларга тегишли топ-шириқни бериб, ўзи Шокир блан идорага қараб кетди. Ҳабиба эса, Қаримжонга хабар қилгани далага кетди. Қаримжон далада агитация ишларини олиб борарди.

Кечқурун идоранинг олди шовқунга тўлди. Меҳмонларни кутиб олиш учун бошқа отрядлардан ҳам болалар келган эди.

Танюшаларнинг келиш хабарини эшитиб Пўлат ҳам келди. Шокир уни кўрган ҳамон четга имлади ва кичкина қора кўзларини ялваручанлик блан жавдира-тиб:

— Мендан хафамисан?— деб сўради секин.— Хафа бўлма, Володяларни узатайлик, ўша куни дарсни бошлаб юборамиз. Хўпми?

Пўлат ўзининг, ҳам унинг вақтичоғлигини бузмаслик учун:

— Хўп, майли, — деб жавоб берди.

Шу вақт бир қиз:

— Ана, келаяптилар! — деб қичқириб юборди.

Майдоннинг нариги четида уч тонналик катта машина кўринди. Болалар қий-чув кўтариб, олдинга чопишди, броқ кабинкадан бошини чиқарган шофернинг пўписа қилган имосини кўриб, йўлдан четга чиқдилар.

Меҳмонлар машинанинг ичида тикка туриб келардилар. Энг олдинда кичкина Таня турарди. Орқадан узун бўйли Наташа кўринарди. Кечки шамолунинг тилларанг сочларини юлқиб ўйнар эди. У, машина тўхташи блан ҳозиргина даладан келиб, уларни кутиб олгани шошилган Қаримжон Мухторовнинг елкасига қўлини тираб, ерга сакраб тушди.

— Салом, Каримжон! — деди у.

— Салом, Наташа! — деди Каримжон, кувонч блан.

Улар, хушчақчақ кулишиб кўришдилар ва салом лашаётган болаларга тикилиб, бирпас жим турдилар.

Ҳабиба Володянинг енгини шимариб, тирсагини кўрабошлади. Шокир тоққа чиқмаган болалар блан меҳмонларни таништирмоқда эди. Танюша эса қўлларини тез-тез ҳаракатлантириб, Пўлатга алланима тўғри-сида ҳикоя қилмоқда эди.

— Ҳалиги... узун бўйли ориқ бола қани? — деб сўради Наташа.

— Штаб бошлигини айтасанми? Ош пишираяпти. Каримжон Мухторов кулди.

— Қани, уйга борайлик, Ҳабиба! — деди у.— Шокир! Меҳмонларни уйга бошланглар!

Қуёш ҳозиргина ботган. Даладан подалар қайтмоқда. Атрофдаги боғлардан сигир-бузоқлар ва қўй-эчкиларнинг ма'раши эшитиларди. Кундузги иссиқ тугаб, ҳаво салқинлашган, тоғдан муздек шабада эсмоқда эди.

Мактаб боғида, штаб жойлашган қоровулхона ёнида дастурхон ёзилган столлар турарди. Нарироқда, кекса тут тагида, қоврилган гўштнинг ширин ҳидини тарқатиб, қозон қайнарди. Унинг атрофида Осие опа блан (уни ҳам Шокир топиб келган эди), устига узун оқ халат, бошига оқ қалпоқ кийган Нурмат айланиб юрарди.

Нурмат, болаларни кўрган ҳамон, чўмичини кўтариб, югуриб келди, Каримжон блан Наташага уч-тўрт қадам қолганда тўхтаб, тик турди-да, чўмичини қўлтиғига қисиб, рапорт берди:

— Уртоқ Мухторов! Шўрва тайёр!

Шундай кулги кўтарилдики, ҳатто кўп кулдириб оз куладиган Шокир ҳам, кулгининг зўридан ўтириб қолди.

— Бўлмаса команда беринг — ювиниб овқатга тайёрланишсин, — деди Каримжон.

Собиржон блан Ҳабиба Каримжоннинг орқасидан келиб, секин унинг қўлини тортдилар.

— Хўш?

— Олдин уйни кўрсатмаймизми?— деди Ҳабиба.— Булар,— у Собиржонни кўрсатди,— ўғил болалар хонасини безатган, бизлар бўлсак, қизлар хонасини безатганмиз... Қайси бири яхши экан, кўрсинлар!

Қаримжон кенг пешонасини тириштириб:

— Менимча, ундай қилсак мақтанган бўламиз, — деди секин,— ҳолбуки бизлар уларни мақтаниш учун эмас, чин кўнгилдан меҳмон қилиш учун қишлоғимизга чақирганмиз. Тўғрими?

Ҳабиба бирдан қизариб кетди-да, ма'қуллаб бошини силкитди ва болаларнинг орқасидан югурди.

Қаримжон, овқатдан кейин икки отряд ўртасида шахмат-шашка турнирини ўтказсак деб ўйлаган эди. Лекин болаларнинг суҳбати саёҳатга кўчиб, шундай қизиб кетдики, Қаримжон уни бўлгиси келмади.

Шокир Танянинг чап томонига ўтирди (ўнг томонида Пўлат ўтирарди), у Таня блан гаплашмоқчи бўларди, лекин Таня унинг саволларига қисқа-қисқа жавоб берар, у блан негадир гаплашгиси келмагандай эди.

Пўлат пайтини топиб, бу тўғрида Танядан сўраган эди, Танюша кўк кўзларини шўх чақнатиб, унинг қулоғига шивирлади:

— Мен ўзим кўп гапирсам ҳам, кўп гапирадиганларни унча ёқтирмайман. Нега десанг... дадам менга: оз гапирадиган одамлар жиддий одамлар бўлади, деб айтди. Мана масалан, сен индамай юрасан, лекин қимматбаҳо тош топибсан, у бўлса,— Таня Шокирга имо қилди,— кўп гапирса ҳам ҳечнарсга топмапти...

Пўлат э'тироз билдирмади.

— Сен жиддийсан,— деди Таня, чиройли кўзларини Пўлатга дўстона тикиб.— У жиддий эмас экан.

Пўлат қизариб, юзини четга ўгирди.

## XI

Мактабнинг мичуринчи участкаси, колхознинг мичуринчи участкаси ва катта боғи — ҳаммаси бир жойда эди. Улар бир-биридан фақат девор блан ажратил-

ган. Лекин мактабнинг мичуринчи участкасидаги дарахтлар ҳали ниҳол. Колхознинг катта боғи эса гур-кираб яшнаган ҳақиқий боғ эди.

Меҳмонлар тамошани шу ердан башлашди. Бу боғ-даги дарахтлар бошқа боғлардагига нисбатан сийрак бўлсада, баланд ва йўғон эди. Буларнинг шохлари ҳам узун, бир-бирига тегиб турар, шунинг учун ҳам боғ серсоя, ба'зи жойларига тангадек офтоб тушмасди.

Дарвозадан кириш блан олмазор бошланди. Беш-олти гектар жойга тартиб блан қатор тикилган олма ва ундан кейинги нок дарахтлари мевасининг кўплиги-дан эгилиб қолган узун шохларини ерга текизиб, ша-молда секин чайқаларди.

Олмазорда одам оз, у ерда тинчлик ҳукмрон, фа-қат ба'зи-ба'зида шамолда тўкилаётган, қуртлаган олмаларнинг дўпиллаб тушган овози эшитилар-ди. Лекин боғнинг ичкарасидан кучли шовқин келар-ди. У ердан болаларнинг кулгиси, чолларнинг йўғон овози, дарахт шохларининг шатир-шутири, тўкилаёт-ган ўрикларнинг патир-путири қулоққа чалинар эди.

Ҳаммадан олдинда, меҳмонларни бошлаб ва боғ-даги мевалар ҳақида гапириб келаётган Нурмат:

— Бизникилар ҳам шу ерда, — деди фахр блан.

— Ўрик тераптиларми? — деб сўради Володя.

— Ҳа.

— Мен ҳам мева теришни яхши кўраман. Умуман дарахтга чиқиб ўйнашни ёқтираман, — деди Володя. Унинг кўзларида қандайдир ўйчанлик кўринди.

Бирпас жимлик чўкди. Қатор ва текис ўрик дарахтларига маҳлиё бўлган Володя:

— Боғмисан — боғ экан! — деди ўрикзорга киргач.

— Ҳали шошма, бу сўзингни мичуринчи участкани кўрганда айтасан, — деди Ҳабиба. Унинг Танюшаники-дек чиройли катта кўзлари шодликдан чақнади.

— Биласанми нима, Володя, у ерда боғбон менинг бобом!

Ўрикзор ўрик тераётган колхозчи аёллар ва уларга ёрдам бераётган болаларга тўла эди. Нурмат-нинг отряди мичуринчи участканинг ёнидаги ўриклар-ни термоқда эди.

Колхозчи аёллар дарахт тепасига чиқиб, силкимоқда. Ба'зи болалар дарахт шохларига ўтириб олиб, узун таёқ блан секин ўрик қоқмоқда, ердагиларнинг ба'зилари бўғжама тутган, ба'зилари тепаларидан ёмғирдек қўйилаётган ўриклардан қочиб, шовқин кўтармоқда — ўрикзор кулги ва шўхликлардан янграб эди.

Наташа, бир туп баланд ўрикнинг энг учида ўтириб ўрик қоқаётган болани Каримжонга кўрсатиб:

— Ана унинг ўтиришини қаранг, қулаб кетади, — деди кўрқиб. Уни Володя ҳам кўрди:

— Шокир! Қулаб кетасан! — деб қичқирди у.

Шокир эса парво қилмасдан:

— Ҳаммани ўзингга тенглаштираверма! — деди уни менсимаган бўлиб ва ўзи ўтирган шохни қаттиқроқ силкиди.

Володянинг кўзлари чақнаб кетди. У ботинкасини дарров ечди-да, мушукдек чаққон ўрмалаб, дарахт тепасига чиқиб кетди. Унинг орқасидан юзи сепкилли Петя, Петядан кейин Борис, ундан кейин Николай дарахтга чиққани тайёрланишди.

Танюша югуриб Наташанинг олдига келди.

— Улар ўрик қоқадиган бўлса бизлар қараб турагимизми? — деб сўради, лекин жавоб кутмасданоқ: — Ҳабиба, бизларга ҳам сават топиб кел! Биз ҳам ўрик терамиз! — деди қат'ий. — Нимага қараб турибсан? Бизларни термайди дейсанми? Терамиз! Сендан яхшироқ терамиз. Терамиз-а, Надюша?

Тилларанг сочлари пешонасига сочилган хушчақчақ қиз — Надюша бошини силкиб:

— Теримда Ҳабибадан қолмаймиз! Ҳеч! Ҳеч! — деди бўлиб-бўлиб.

Ҳабиба кўзларини жовдиратиб, гоҳ Каримжонга, гоҳ Наташага тикилди, броқ уларнинг нимагадир кулимсираб, болаларга қараб турганини кўриб:

— Володя, бобомнинг участкасига бормаймизми? — деди ташвишланиб, худди улар бобосининг ажойиб боғини кўрмасдан кетиб қоладигандек. — Тая, Петя, сизларга айтаяпман — мичуринчи участкани кўрмаймизми?



Лекин бу чоқ Володя дарахтга чиқиб, ўрик қоқа-бошлаган, Танялар эса қизларга қўшилиб, мева теришга киришган эди. Улар бошларига ёмғурдек «дув-дув» тўкилаётган ўриқлардан завқланиб кулишар, Ҳабибанинг сўзига эътибор бермас эдилар.

Каримжон завқланиб кулди-да:

— Нима қиламиз, Наташа, терамизми?— деди.

Наташа елкасидаги оқ шоҳи рўмолчаси билан тилларанг сочли бошини танғиб олди-да, ўрик теришга киришиб кетди.

— Болаларнинг хоҳишини бузмайлик, мичуринчи участкани эртага кўрармиз, — деди у.

— Шундайми? Меҳмонларни ишлатсак уят бўлмасмикан?

— Қўйингей! — Наташа илжайди. — Бизлар меҳмон эмасмиз. Бизлар оддий дўстлармиз.

— Балли! — деди Каримжон Мухторов. — Ҳабиба! Нурмат! — шўх овозда қичқирди у. — Сават келтиринглар!

Каримжон туфлисини ечабошлади.

Буни кўрган Наташа сўради:

— Сиз нима қилмоқчисиз, Каримжон?

— Мен ўрик қоқаман, сен терасан, Наташахон, хўпми?

— Бўлмасамчи? Албатта тераман, Каримжон! — деди Наташа.

Каримжоннинг Наташахон дейиши каби, Наташанинг Каримжон дейиши жуда мулойим эшитилди.

Улар бир-бирларига қараб кулиб қўйдилар-да, болаларга қўшилиб, ишга тушдилар.

## XII

Қишлоқ болалари Назир отани, машҳур мичуринчи боғбонни бир томондан ҳурмат қилса, иккинчи томондан ундан нечундир ҳайиқар эдилар. Бунинг сабаби шу эдики, у тартибни қаттиқ севадиган, кам гап бир одам эди. У, ҳар куни кечқурун, кун ботиш олдида қўлига серҳашам таёғини ушлаб боғдан чиқарди-да, қишлоқни бир айланиб келарди.

Болалар, таёғини секин ўйнатиб, узун қоматини йигитлардек тўғри тутиб, қишлоқда айланиб юрган чолни кўрганда йўлдан чиқиб салом берардилар.

Чол кўпинча индамасдан бош чайқабгина ўтиб кетарди, лекин ба'зида тўхтаб, олтин бандли қимматбаҳо кўзойнаги тагидан уларга синовчан назар блан тикилиб:

— Балли, азаматлар! Саломат бўлинглар! — деб кўярди.

Шундай пайтларда болаларнинг боши осмонга етарди, нимага десангиз чолнинг мақтовини эшитиш ҳаркимга муяссар бўлавермас эди.

Назир отанинг характерида яна бир ғалати хусусият бор эди. У, кўчада қанчалик жиддий бўлмасин, участкасига киргач чеҳраси очилар, ҳатто ба'зида мактаб болалари келганда жуда ҳазилкаш ва сергап бўлиб кетарди.

Ота айниқса боғнинг тарихидан гапиришни севарди. У участкадаги ҳарбир туп дарахтнинг қачон экилганини, қачон пайванд қилинганини, неча ёшга кирганини, унга қачон ва қандай ўғитлар берилганини — ҳаммасини ёддан билар эди. У шу тўғрида гапириб беришни яхши кўрарди, лекин унинг битта шарти бор эди, у ҳам бўлса боғдаги тартибни бузмаслик керак эди. Боғдаги тартиб эса, чолнинг характери сингари қат'ий эди.

Кечқурун шахмат ўйнаб ўтириб, Ҳабиба Володяга ота тўғрисида гапириб берди.

— Буни айтганинг яхши бўлди, — деди Володя. — Мен болаларни огоҳлантираман... — Шундай деб туриб, Володя фарзинни сурди. — Шах!.. Мат бўлдинг Ҳабиба.

— Ие, — деди Ҳабиба. — Мен гапга овора бўлиб, кўрмай қолибман. Сен бўлсанг индамабсан ҳам. Бу ўйин ҳисоб эмас, бошқатдан ўйнайман.

— Бир ўйин учун шунча хафа бўласанми! — деб кулди Володя. — Агар менинг шундай ажойиб бобом бўлса-чи, Ҳабиба, юз марта ютқиз десанг ҳам рози бўлардим.

Ажойиб чол, болаларни «Мичурин боғи» деб ёзил-

ган эшик олдида кутиб олди. Унинг ёнида чап қўли йўқ, қора мўйлови ўсиқ бир киши турарди.

Чол, олтин бандли кўзойнагини астойидил тўғри-лаб, болаларга синовчан назар ташлади. Қора мўйлови ўсиқ одам — колхоз раиси Алихон ака эди, у, мўйловини бурар экан:

— Хўш, ёш гвардия, меҳмондорчиликдан хурсанд-мисизлар?— деб сўради.— Вожатий ким?

— Мен... — Наташа негадир қизориб олдинга чиқди.

— Ээ... Сенмисан? Ана холос... Вожатий деган худди ҳарбийлардек чаққон бўлиши керак! — деди Алихон ака. — Ҳарбийлар командир чақирганда бошини бундай тутиб, мана бундай юриб келади! — раис оёқларини «тап-тап» босиб, уч-тўрт қадам юрди ва бошини баланд ва тўғри тутиб, рапорт берди:

«Уртоқ капитан, гвардия старшинаси Алихон Ваҳобов буйруғингизга кўра олдингизга келди!»

Володянинг кўзлари завқдан чақнаб кетди.

— Бу ким?— деб сўради у, ёнида турган Шокирдан.

— Колхоз раиси.

— Яхши одам экан-а?

— Уҳ! — Шокир бошини ма'нодор силкиди. — Во! — деди у бош бармоғини кўрсатиб.

Алихон ака кулимсираб:

— Мен ҳазиллашаяпман, уялманг, қизим, — деди Наташага ва Қаримжонга қараб, давом этди: — Эшитишимча кеча меҳмонларни ишлатибсизлар, яхши бўлмапти.

Раисга таажжуб блан тикилиб қолган Танюша, тўсатдан:

— Яхши эмаси нимаси? Биз ўзимиз ёрдамлашган-миз! — деди жаҳлланиб.

Ҳабиба бўлса уялганидан нима қилишини билмасдан:

— Лабингни бурма! У ахир раиску! — деди шошиб.

Лекин Алихон ака хафа бўлмасдан завқланиб кулди:

— Ундай бўлса раҳмат... Хўш, энди мичуринчи участкани кўргани келдингларми?

— Ҳа, кўргани келдик.

— Отажон,— деди Алихон ака чолга қараб, унинг овози чуқур ҳурматни билдириб, юмшоқ жаранглади.

— Булар азамат болалар, боғни яхшилаб тамоша қилдинг, иложи бўлса меҳмон қилинг, сўрайман.

Чол кўз ойнагини тузатиб:

— Қани, марҳамат қилиб ичкарига киринглар,— деди эшикни очиб.— Шундай бўлсин,— деб қўшимча қилди у (чолнинг: «Шундай бўлсин» деб, қўшимча қиладиган одати бор эди).

Ҳабиба айтгандек боғ шундай тартибли, шундай озода эдики, кўрган киши: «ҳақиқий Мичурин боғидагина шундай тартиб жорий қилиниши мумкин» деб ўйлар эди. Йўлакларда бирорта ҳам хас-чўп йўқ. Ёш ниҳол ва дарахтлар шундай тўғри ва текис экилганки, худди сафга тизилиб фоз турган солдатларга ўхшайди. Дарахтлар сермева, шохларига тирговичлар қўйилган, мевасининг кўплигидан кўз қамашади. Нашвати, ноклар, кузда пишар олмаларга — кўк ва қизил, шафтолиларга олтин ранг кирмоқда, беҳилар гулдан чиқиб, мева тугиб ётипти.

Назир ота ҳарбир дарахтнинг тарихини астойдил гапириб, секин юриб борар эди. Гапирганда чолнинг кўзлари қандайдир жонланар, унда болаларга хос самимий бир шодлик кезар эди.

Мевазордан кейин токзор бошланди.

Баланд ишкомларга кўтарилган токларнинг кўмкўк барглари тагида чиллаки узумлар чумак урмоқда, мускатлар, туркман кишмишлари, ҳусайнилар, «Победа» хилидан бўлган янги нав' узумлар, чарос, тоғ узумлари беҳисоб бошларини осилтириб ётмоқда.

Ишкомларга кўтарилган токлардан ташқари тол ва теракларга ўрдирилган токлар ҳам учрайди. Бўлар, чолнинг айтишича, қишда кўмилмас, ёшлигидан совуққа ўргатилган эди. Шуниси яхшики, буларнинг узумлари ишкомларга кўтарилган ток узумларидан майда бўлмаганидек, там-да ҳам қолишмас эди.

Боғнинг гир айланасида тўп-тўп бўлиб анор ниҳоллари ўсарди.

Боғнинг ғарб томонида ярим гектарча ерни эгаллаган алоҳида кўчатзор бор эди. Буерда, боғдаги энг яхши нав' меваларнинг уруғидан ниҳол кўпайтирилар эди. Назир ота, шу кўчатлар блан колхознинг катта боғига, колхозчиларнинг, мактабнинг ва бошқа жойларнинг боғларига ниҳол етказиб берар эди.

— Бобожон, — деди Танюша, тўсатдан чолнинг ҳикоясини бўлиб. — Кўчатларингизни ҳаммага берадиган бўлсангиз бизга ҳам беринг. Мичуринчи участкамизга экайлик.

— Ҳозир берайми? — деб сўради Назир ота, кўзларини қувлик блан қисиб.

Танюшанинг ҳа деб юборишига оз қолди. Лекин чолнинг қувлик блан қисилган кўзларига қарадию, дарров фаҳмлади:

— Йўқ, албатта. Ҳозир ўтқазиб бўлмайдим-да, кузда берасиз.

Назир ота кулди. У, болалардек хушчақчақлик блан, чин кўнгилдан куларди

— Яхши. Кузда келинглар — бераман. Шундай бўлсин, — деди у.

Боғни кўриб бўлгач, Назир ота болаларни гулзорга бошлаб бориб, гуллар блан таништирди ва уларга энг сара гуллардан узиб берди.

Тушга яқин болалар чол блан хайрлашиб, боғдан чиқдилар, шунда Володя Ҳабибага қараб:

— Бобонг сен айтгандек терс одам эмас экан-ку, алдоқчи! — деди.

— Тартибни ҳечким бузмади-да! — деди Ҳабиба. — Қани, бирорта олмани сўроқсиз узиб кўр-чи, нима бўларкин!..

— Умуман... у ростакамига Мичуринга ўхшар экан, — деди Володя, Ҳабибанинг сўзига қулоқ солмасдан.

### XIII

Саёҳатчи меҳмонлар қишлоқни, унинг табиати, экинлари, боғлари, пахтаси, мактаби, тела ва қирлари,

хуллас болаларни қизиқтирадиган ҳамма нарсалар блан танишиб чиқдилар. Саёҳатчилар блокноти қишлоқ ва унинг тарихи ҳақида ёзилган хотиротлар блан тўлди.

Саёҳатчилар кетишга ҳозирландилар.

Меҳмонларни узатиб қўйиш учун болаларнинг ҳаммаси тўпланди.

Қуёш боғлар орқасига беркинган. Кўчаларга, очиқ майдонларга қалин соя тушган, ҳаво салқин.

Володяларни олиб келган юк машинаси шу топда етиб келиши керак эди. Болалар, айтилмай қолган гапларни бир-бирига айтмоқда, хайрлашмоқда эдилар.

Танюша кўк кўзларини ҳадеб кўчага тикиб:

— Хайрлашишга келмаса-я? Шу ҳам дўстлик бўлдимиз?— дер эди, безовталаниб.

— Сен ҳам қизиқ экансан! — деди Шокир, негандир аччиғланиб, — кеча у блан энди дўст бўлмайдиган дегандинг. Бугун бўлса келмайди деб, хафа бўласан.

Танюша Шокирга ҳўмрайиб қаради, броқ индамади.

Гап Пўлат устида борарди. Танялар қишлоққа келгандан бери Пўлат фақат икки марта келди. Сўнги кунларда Пўлат мутлақо келмай қўйди. Танюша ҳайрон бўлиб Шокирдан сабабини сўраган эди, у Пўлатнинг она тилидан кузги имтиҳонга қолдирилганини, Шокирни а'лочи ўқучи сифатида ёрдам бериш учун унга беркитганларини бирма-бир айтиб берди.

Танюша кўзларини катта очиб:

— Шундайми? — деди ишонгиси келмасдан. — Мен уни яхши ўқучи деб ўйлабман!..

Шокир, Танянинг у блан гаплашгани рўйхуш бермай, Пўлат блан гаплашиб юрганининг сабабига эндигина тушуниб:

— Э, ҳали шундай де, унинг мазаси йўқ, — деди ўзича севиниб.

Шундан кейингина Таня Пўлатдан аччиғланиб, уни кўнглидан чиқарган эди. Лекин кетиш олдида уни яна эслади, унга бир-икки оғиз яхши сўз айтгиси келди.

Худди шу пайтда Пўлат шошиб-пишиб ўрик қоқмоқда, Раиса эса толчивиқдан тўқилган кичкина саватга ўрик термоқда эди.

Пўлат, Таняларнинг кетаётгани хабарини бундан ярим соат олдин бехосдан эшитиб қолди. У кеча ҳам аввалги куни ҳам Таняларнинг ёнига бормаган эди. У, бир фандан кузги имтиҳонга қолдирилганидан уялар ва бу воқияни Таня билиб қолса, шарманда бўлман деб чўчир эди. Лекин Таняларнинг кетишини эшитиб, кўнгли бирхил бўлди, у Танялар учун совға қилгани ўрик қоқабошлади.

Пўлат саватни кўтариб чопиб келганда Бектоғдан машина келган, шаҳарчали болалар машинага минмоқда эдилар.

Таня, машинага чиқиш учун эндигина қўлини чўзган эди, кимдир:

— Ана, Пўлат ҳам келди! — деб қичқириб юборди.

Таня бирдан орқага ўгирилди-да, Пўлатга қараб секин юрди.

— Таня, мен кетаётганларингни ҳозир эшитдим, — деди Пўлат, броқ қизчанинг жимгина тикилиб қолганини кўриб, дудуқланиб қолди.

— Мен ўрик олиб келдим... ҳад'яга...

Шофер сигнал берди ва машинадаги болалар:

— Тезроқ хайрлаш, Танюша!

— Кутиб қолдик, Таня! — деб қичқирдилар.

— Ҳозир! — деб зарда блан жавоб берди Таня ва Пўлатга тез-тез гапирабошлади:

— Мен ҳаммасини эшитдим... Сен жиддий одам эмас экансан. Броқ... масала унда эмас, қани айт, ҳозир дарс тайёрлаяпсанми?

— Тайёрлаяпман, — деди Пўлат, баттар дудуқланиб.

— Яна кузда синфда қола кўрма! — деди Танюша. — Унда дўстлигимиз бузилади! Ахир ўзинг ўйлаб кўр: мен еттинчида ўқисам-у, сен олтинчида қолсанг... қандай бўлади... Дўстлик учун чалиш, Пўлат. — Танянинг катта кўк кўзлари ялворучанлик блан жовдирар эди. — Хўпми? — деди у.

Шофер иккинчи марта сигнал берди.

— Хўп, хайр, — деди Таня. — Хат ёзаман.

Пўлат эндигина ўзига келиб:

— Танюша, буни ол! — деди ёлворгансимон.

Ярим йўлга борган Таня тўхтади ва бир секунд ўйлангач, югуриб келиб, Пўлатнинг қўлидаги саватини олди.

— Хайр, ўртоқлар!

— Оқ йўл!

— Яна келинглар.

— Энди сизлар бизникига боринглар.

Пўлат, кўзларини машинадан узмасдан ма'юс ҳолда жим турарди!

Таня орқасига қарамади, фақат машина муюлишга етгандагина бир қараб, қўлини силкигандек бўлди...

... Бир ҳафта ўтди. Шокир ҳамон ёрдамга келмас эди. У почтальонлик ишига шунчалик берилиб кетдики, бу орада Пўлатни унутиб юборди.

Пўлат эса, Танюшанинг сўзларидан кейин қаттиқ ўйланиб қолди. У нима қилишини билмас, броқ Нурматга айтишни ҳам негадир хоҳламас эди... Эҳ! Агар Вали блан Зарифа шу ерда бўлганда, унда бошқа гап эди. Рост, Зарифа ҳам Танюшадек жуда тез ва чўрт кесар. Лекин у ҳамавақт самимий. Вали бўлса ундан ҳам яхши. У, Пўлатнинг дардини дарров билар эди.

Пўлат, уч-тўрт кун нима қилишини билмасдан хафа бўлиб юргандан кейин, ниҳоят, Валига хат ёзишга қарор қилди. Хат ёзиш ҳар ҳолда Нурматнинг олдига кириб, ўз айбига иқроп бўлишдан кўп енгил. Қоғозда тил йўқ. Сиз унга гуноҳларингизни айтаберасиз-у, у сизга индамайди, — урушмайди ҳам, сўкмайди ҳам.

Пўлат Валига хат ёзди.

#### XIV

Атроф оқшом қоронғилигига чўмаётган пайтда қишлоққа янги «ЗИС» машинаси кириб келди... Машина устида келаётган Зарифанинг кўзларига қишлоқ илгаригидан гўзалроқ бўлиб кўринди.



Зарифа қишлоқдан беш-олти чақирим нарида келатгандаёқ колхоз клубининг тепасида чарақлаб ёниб турган чироқни кўрди. Шундан бирнеча минут кейин, уйларни, боғларни, кўчаларни ёритган ўнлаб лампочкалар милтиллаб кўринди, қишлоқ худди кичкина шаҳарчага ўхшар эди.

Машина яқинлашган сайин лампочкалар кўпайиб яққол кўринабошлади, сеvimли қишлоқ радиосининг ёқимли овози эшитилди.

Мана, машинанинг ёнидан дастлаб боғлар, уйлар ўтди. Ҳали ухламаган ёш болаларнинг овози эшитилди. Ниҳоят, машина тўхтади.

Идоранинг олдида одам кўп. Бугдой ортилган арвалар, машиналар турипти. Узун бинонинг ёруғ хоналаридан табельчиларнинг овози, ҳисобчилар чўтининг шақирлагани эшитилади.

Елкасига туристларникига ўхшаш буюм халтасини осиб олган Зарифа машинадан тушди.

— Хайр, Ваҳоб ака, раҳмат.

— Хайр, қизим,— деди шофер.— Чоп, ойингни севинтир.

Атрофдаги ҳамма нарса — уйлар, боғлар, кўчалардаги сим'ёғочларга ўрнатилган таниш лампочкалар — ҳаммаси Зарифанинг кўзларига қандайдир илгаригидан бошқача, янги ва яхши бўлиб кўринар эди. Учраган одамлар ҳам қандайдир ўзгача, жуда шод ва меҳрибон эдилар.

Зарифа ошиқар эди. Бир томондан онасини соғингани ошиқтирса, иккинчи томондан ўзининг беҳисоб таассуротларини онаси блан дўстларига тезроқ етказиш истаги уни ошиқтирар эди, шунга қарамай, у ўзларининг боғига етгач, тўхтади. Ҳовлига оёқ учида юриб, билдирмасдан кирди.

Ҳовли бўш эди. Олди ишкомлар блан тўсилган уйнинг деразалари очиқ, хоналар ёруғ. Демак, онаси уйда.

Ишкомларнинг тагидаги иккита кроватънинг бирига тўшак ёзилган, Зарифанинг кровати бўлган иккинчиси бўш эди.

«Мени келади деб ўйламаган бўлса керак» деб

ўйлади Зарифа, қувониб. У кулиб юбормаслик учун чап қўли блан оғзини бекитганича бёқ учида юриб дераза ёнига борди.

Ичкарида бошини оқ дока рўмол блан танғиб олган ўттиз беш ёшлар чамасидаги аёл қўл машинада кийим тикиб ўтирар эди. Бу хотин — Зарифанинг онаси — Ҳалима хола эди.

Зарифа, елкасидаги буюм халтасини ерга қўйди-да, чаққон сакраб ичкарига отилди.

— Ойижон!

— Вой ўлай! — Ҳалима хола чўчиб тушди. Зарифани кўриб, кўзларини катта очди.

Унинг қаршисида қалин сочларини калта қилиб қирқтирган, юзи, бўйни, яланғоч қўллари қуёшда қорайиб кетган қизи оппоқ тишларини ялтиратиб кулиб турар эди.

Бу қиз, жингалак сочлари белига тушадиган илгариги Зарифага камдан-кам ўхшарди.

— Сен ким бўласан, ҳой қиз? — деб сўради Ҳалима хола, жўрттага ўзини танимаганга солиб.

Зарифа ойисининг ҳазилини тушуниб, кўзларида муғомбир учқунлар ялтиради.

— Сиз Зарифахоннинг ойиси бўласизми? Салом! Мен унинг ўртоғи бўламан...

Улар иккиси ҳам бирдан кулиб юбориб, қучоқлашакетдилар.

Ҳалима хола қизининг қорайган юзларидан ўпиб-ўпиб олди.

Шундан кейин, одатда шундай вақтларда бўладиган беҳисоб саволлар ёғилиб кетди.

Зарифа онасини кўрган ҳамон лагерь ҳақида ҳикоя қилмоқчи эканини ҳам унутди.

У онасидан шошилиб қишлоқ тўғрисида сўрай-бошлади.

Қишлоқда ўзгариш йўқ... Одамларнинг ҳаммаси буғдой ўроғида экан. Саида опа ҳам ўша ерда, Қаримжон ҳам. Буғдой ўроғи тамом бўлай деб қолипти. Энди одамларнинг кўпчилиги ғўза парваришида ва боғларда ишлаш учун даладан қайтар эканлар, демак, Қаримжон блан Саида опа ҳам тезда қайтишади. Ҳа, ростдан

қишлоққа шаҳарчадан болалар келишипти. Икки-уч кун дам олиб, меҳмон бўлишипти. Йўқ, Ҳалима хола Пўлатни кўрмапти.

— Шокирни-чи?

— Агрономнинг ўғлими? Уни биламан. — Ҳалима хола негадир кулиб қўйди. — Ўзидан катта тўрвани бўйнига осиб, газета ташиб юрипти.

— Газета ташиб дейсизми? Қанақа газета?

— Мен қаёқдан билай. Бир бўлса кутубхонаникидир, — деди Ҳалима хола, — қани, гапир, энди навбат сенга, қизим.

— Ана холос... — деди Зарифа онасининг сўзларига қулоқ солмасдан, — газета ташиб юрган эмиш... Йўқ, бу ерда бир гап бор.

У, Шокирларникига югурмоқчи бўлди, аммо вақт тун эканини эслаб тўхтади.

— Нега индамайсан, қизим? Лагерь қандай бўлди? Яхши эканми? Яхши дам олдингми?

— Шошманг, ойи, — деди Зарифа секин, онасининг кўзларидаги норозиликни кўриб. — Ҳозир айтаман, ойи.

У, дераза олдида қолдирган буюм халтасини олиб очди, ундан чиройли муқовали уч-тўртта китоб олди. Булар орасида қандайдир ўсимликларнинг япроқлари солинган альбом ҳам бор эди. Кейин у қандайдир тошларни, латталарга ўралган тупроқларни, яна алла нималарни олиб столга қўйди. Ниҳоят, қалин бир дафтарни топди-да, бошини кўтариб, ойисига завқ блан қаради.

— Бу нима, биласизми?

Ойиси унга тикилиб, деди:

— Дафтар.

— Дафтар, албатта. Лекин оддий дафтар эмас. Лагерь ҳақида айтадиган ҳикояларимни сизга шу дафтардан айтиб бераман, хўпми?

— Хўп, қизим, — деди она дафтарни қўлида салмоқлаб, завқ блан унга тикиларкан, — суратлари ҳам борми?

— Бор, — Зарифа дафтар орасидан бир нечта сурат олиб онасига берди. Суратларда кўпинча калта

сочли Зарифа блан жингалак сочли бир рус қизи кулиб турар эди. Бу қиз Зарифанинг лагерьдаги қадрдон дўсти Катя эди.

Зарифа ойисига шу қиз тўғрисидагина гапириб берди. Уйқуга ётганда унинг бутун хаёли Пўлатда бўлди: «Қизиқ, нима бўлди экан-а?..» деб ўйлади Зарифа.

Лагерьдан қайтган Зарифа эртасигаёқ Шокирни қидириб уйига борди, уйдагилар уни кутубхонада, деб айтдилар. Кутубхонага борган эди, почтада дедилар.

У почтахонага борди, қараса Осиё опа блан Шокир почтахонадан чиқиб келаяптилар.

Осиё опанинг қўлида ип блан боғланган бир даста газета. Шокир эса катта брезент сумкани орқалаб олган, тез-тез тўхтаб дам олар, юрганда юк оғирлигидан бошини эгиб, йўрғалар эди.

Зарифа кўчанинг четига чиқиб кутиб турди, у Осиё опани ўтказиб юборди-ю, ёнига Шокир келганда чақирди:

— Шокир!

Шокир ялт этиб қаради. Тўхтаган эди, елкасидаги сумка сидирилиб ерга тушди.

Шокирнинг оғзи очилиб қолди.

— Зарифа! Қачон келдинг?

— Кечаси. Нима қилиб юрибсан?

— Мен... Осиё опага ёрдамлашиб юрибман,— Шокирнинг овозида сезиларлик ғурур бор эди.— Штабга бордингми?

— Йўқ. Сени қидириб юрибман.

— Ишинг борми?

— Ҳа, Пўлат тўғрисида сўрамоқчи эдим...

— Пўлатга нима бўпти? Иши жойида. Тани соғ. Илгаригидан ҳам семириб кетган, — деди Шокир, гапни ҳазилга айлантириб.

Зарифанинг аччиғи келди:

— Қўйсангчи ҳазилингни! Мен ўқишини сўраяпман?

— Уқишими... жуда соз. Мени айтасанми? Албатта ёрдамлашаяпман, бўлмасамчи? — деди Шокир, фақат бир секунд тараддудланиб. — Сен штабга кета-

ётгандирсан?— сўради у, гапни бошқа томонга буриш учун.— Штаб бошлиғига хат бор. Оласанми?

— Кимдан?

— Валидан. Биласанми нима, хатни Алихон аканинг ўзи олиб келди.

— Ростдан-а? — деди Зарифа, қора кўзларини шод чақнатиб. — Қани?

Шокир шимининг киссасидан икки букланган кўк конверт чиқариб Зарифага узатди.

— Мен кетдим, ҳозир газеталарни тарқатишим керак, — деди у. — Агар Нурматни штабдан тополмасанг катта боққа бор. Ҳабибанинг звеноси ўша ерда.

— Собиржонларчи?

— Улар бугун балиқ тутгани дарёга кетди.

Штаб берк эди. Мактабда, том шуваётган уч-тўрт ишчи блан мичуринчи участкада ниҳолларни суғораётган бошқа бир отряд болаларидан ўзга ҳечким йўқ эди.

Зарифанинг тоқати тоқ бўлди. У штаб олдидаги қайрағоч соясига ўтириб, конвертга тикилди. Хат Валидан эди. Хат пионер ташкилоти адресига юборилган эди, шундай экан, Зарифага ҳам тааллуқли эди, чунки у дружина бошлиғи.

Вали нима деб ёзган бўлса? Зарифанинг билгиси келди. Вали ёлғиз Нурматга эмас, ҳаммага ёзган албатта. Очса бўлади, деб ўйлади Зарифа. У хатни очди.

Зарифанинг хат бетда югурган қопқора кўзлари бирнеча секундгача қувончдан чақнаб турди, лабида табассум ўйнади. Кейин лабидаги табассум аста-секин йўқолиб, юзи жиддий тус олабошлади, сўнгра бирдан уни ҳайрат босди. Кўзлари пирпиради ва у, худди уйқудан уйғонгандек, кўзларини артиб қўйди.

— Эҳ, қандай қилиб штаб бошлиғи бўлиб юрибсан? — деб ёзган эди Вали. — Ахир, Шокирнинг алдаётганини унинг кутубхона ишига берилиб кетганидан билсанг бўлмайдими?.. Ундан кейин, ҳамманинг сўзига ишонаверибсан-да? Ўзинг нима қилиб юрибсан? Контрольлик қилмайсанми, ахир? Сени штаб бошлиғи қилиб сайлаганмиз...»

Хатнинг энг охирида, Вали Зарифани сўраган эди.

«Агар Зарифа келган бўлса, Шокирни Пўлатга ёрдам бериш вазифасидан бўшатиб, бу ишни аввалгича Зарифага топшириш керак».

Зарифа кўп ўйлаб турмади, бошини кескин ирғаб. Ўрнидан турдию, девордан ошиб ўтиб, катта боққа тушди.

Ўрик терилиб бўлган, энди боғда ёзги олма терилмоқда эди. Сават кўтарган аёллар, қизлар, йигитлар олма дарахтларига нарвон қўйиб, мевани битталаб термоқда эдилар.

Ишлаётганлар орасида юқори синф ўқучилари кўп эди. Улар Зарифани танир, ҳатто, унинг лагерьга кетганини ҳам билардилар.

— Лагерьдан қачон келдинг, Зарифа?

— Қаёққа кетаяпсан?

Зарифа хушвақтлик блан жавоб берар ва Нурматларни сўрарди. Таниш болаларнинг дўстона саломидан, боғдаги хушчақчақ овозлардан унинг юраги ҳаяжонга тўлган эди. Ниҳоят у синфдошлари олдига етиб борди. Улар олмазорнинг тўрида олма тераётган эканлар.

Зарифани кўрганда болалар шундай севиндиларки, ҳаммалари бирма-бир дарахт тепасидан ерга тушдилар. Уларнинг самимий шодлиги Зарифага ҳам ўтди ва бирнеча минут Валининг хати хаёлидан кўтарилди.

Болалар бир-бирининг сўзини бўлиб, ҳовлиқиб ҳикоя қилардилар. Биров саёҳат тўғрисида гапирса иккинчи биров Пўлат топган ажойиб тош, учинчиси эса Володялар ҳақида гапирарди. Зарифа дам уларнинг ҳикоясини эшитар, дам ўзи гапирарди.

Зарифа хатни хотирлади.

— Нурмат, сенга сўзим бор, юр, нарироқ борайлик, — деди Зарифа — Ҳабиба, сен ҳам юр.

Нурмат блан Ҳабиба бир-бирига қараб олгач, унга эргашдилар.

— Пўлат нима қилиб юрибди? — тўхташи блан сўради Зарифа.

— Пўлат... уйда, — деди Нурмат. — Дарс тайёрлаб юрибди.

— Дарс тайёрлаб юрганини қаёқдан биласан?

— Шокир айтди. Пўлатнинг ўзи ҳам.

Зарифанинг аччиғи келди.

— Мана буни ўқиб "кўр!— деди жиддий.— Сен ҳам ўқи, Ҳабиба!

Нурмат блан Ҳабиба ҳечнарсасага тушунмасдан хатга тикилишди.

— Мен... Шокирни бундай қилар деб ҳеч ўйламаган эдим!— деди Ҳабиба.— Ҳеч! Ҳеч!

— Майли, бўлар иш бўпти!— деди Зарифа.— Ҳаммаси Нурмат блан сенинг лавашанлигингдан. Энди буни тезроқ тузатиш керак.

— Нима қиламиз?

— Мен ҳозир Пўлатнинг олдига бораман. Сен-чи, Нурмат, бориб Саида опага айт.

— Улар далада, эртага келишади,— деди Нурмат, лекин Зарифанинг кўзлари блан учрашдию, шошиб:

— Хўп, бугуноқ хабар қиламан,— деб ғудурланди.

Зарифа боғдан чиқаркан, мичуринчи участка томондан Шокирнинг жаранглаган овозини эшитди:

— Газета! Газета! Почта келди!..

Шокирнинг овози шунчалик шўх ва қувноқ эдики, Зарифа ўзини тутаолмасдан, кулиб юборди.

«Шундай яхши бола бўлатуриб, нега шундай ёмон иш қилди экан?» — ҳайрон бўлиб ўйлади у.

## XVI

— Шах! — деди Шокир.— Кўзингга қара, у йўл берк.

— Ростдан отинг турган экан-ку! — кулди Зарифа.— Бўлмаса мана.— У, шоҳни пиёданинг орқасига сураркан, столнинг нариги томонида шахмат ўйнаб ўтирган Саида опанинг соатга кўз ташлаганини кўриб қолди.

«Ҳозир бошланади!»— деб ўйлади у, негадир безовталаниб.

— Юрдингми? Бўлмаса... яна — шах!— деди Шокир ва қўлини-қўлига ишқалаб: — мат бўлдинг!— деди шодланиб кулиб.

Зарифа, нотўғри юрганини кўриб, ичида хафа бўлса ҳам негадир Шокирга раҳми келди.

«Бечоранинг ҳечнарсадан хабари йўқ!» — деб ўйлади Зарифа, Шокирнинг қувончдан чақнаган кичкина қора кўзларига қараб.

Ўтган куни Саида опа Нурмат блан Зарифани уйига чақириб, Валининг хатини ўқиб чиққан эди.

— Масала жуда жиддий-ку, Зарифа? — деди ўшанда Саида опа.

— Унинг адабини бериш керак! — деди Зарифа.

— Уни уялтириш керак демоқчисан-да? — деди Саида опа, Зарифанинг сўзини тўғрилаб. — Тўғри.

Шундай қилиш керакми, у ўз хатосига яхши тушунсин ҳамда... иккинчи марта такрорламайдиган бўлсин!

Зарифа Саида опанинг фикрига дарров тушуниб:

— Мажлис чақирайликми? — деб сўради.

— Йўқ. — Саида опа бошини чайқади. — Мажлис чақирмай қўяқолайлик. Унинг ўрнига яхшиси эртага шахмат-шашка турнирини уюштиринглар. Бу масалани ўша ерда кўрамиз.

Зарифа Саида опанинг мақсадини аниқ билолмади, лекин Шокирни тоза уялтиришини англади, шунинг учун ҳам Шокирга ачинди...

Бугун турнир бўлди. Болалар йиғилишди. Турнир қизиқ ўтди.

Турнир тамом бўлгач, Саида опа болаларни яқинроқ ўтиришга таклиф қилди.

«Бошланди» — деб ўйлади Зарифа. Броқ ўқитчи олдин штабнинг иши тўғрисида сўради. Нурматнинг «ҳисоботини» эшитди, шундан кейингина, Шокирга қараб:

— Хўш, Шокир, сенинг ишларинг қандай? — деб сўради.

— Жуда соз! — деди Шокир. — Кутубхонада Осиё опамга ёрдамлашяпман... «Весёлый почтальон» бўлдим!..

— Эшитдим... — Саида опа илжайди, — штаб топширган вазифа нима бўлаётпти?

— Пўлатга ёрдамни айтасизми? — деди Шокир.



Пўлатга кўз қирини ташлаб.— У ҳам бўлаяпти. Пўлат иккимиз... анча нарсани ўқиб қўйдик...

Саида опа синовчан кўзларини Шокирдан узмасдан:

— Бундан чиқди—тайёргарлик яхши экан-да! — деди секин. — Шундайми, Пўлат? Шокирдан минватдормисан?

Пўлат ерга қараб нимадир деди, броқ, унинг нима деганига тушуниб бўлмади.

— Яхши...— чўзиб деди Саида опа. — Биласизларми-йўқми, Валидан :ат келди, шундайми? — тўсатдан Нурматга қараб, сўради у. — Нима депти? Болаларга ўқиб бер! Уқисин-а, болалар?

— Уқисин, ўқисин!

— Уқи, Нурмат!

Пўлат бир сесканиб тушди. Буни пайқаб турган Зарифа:

«Мана, энди бошланди!» деди кўнглида.

Нурмат негадир қизариб кетди. У, Шокирга қарамасликка тиришиб, хатни ўқий бошлади.

Зарифа Шокирдан кўзини узмади. Нурмат хатни ўқийбошлаши блан Шокир тўрға илинган балиқдай типирчилаб қолди, у ўрнидан бир туриб, яна ўтирди, кейин худди курашиб чарчагандек, бошйни эгиб жим қолди.

«Унинг ўрнида мен бўлсам... нима қилардим?» деб ўйлади Зарифа ва чиндан ҳам Шокирнинг ўрнида ўзи бўлгандек, юраги шувуллаб кетди.

Нурмат хатни ўқиб бўлганда ўртага шундай сукунат чўкдики, пашшаларнинг ғинғиллаб учиб юриши барала эшитилди. Фақат Шокир блан Пўлат эмас, бошқа пионерлар ҳам худди шу ишни ўзлари қилгандек, ерга тикилиб жим ўтирардилар. Шокирни, ўртотига ёрдам бермай, ёлғонлаб юради,— деб ҳечким ўйламаган эди.

Вожатий Умаров Саида опа блан пичирлашиб олгач:

— Шокир, гапир, нега бундай қилдинг? — деб, юмшоқ сўради.

Шокир ўрнидан турди, броқ индамади.

Кимдир:

— Йиғлаяпти, — деди.

Шокир кўзларига келган ёшни артиб:

— Мен... газета тарқатишни муҳимроқ деб ўйлаган эдим... — деди секин.

— Шундайми? — вожатий ўсиқ қора сочларини бармоқлари блан тараб секин кулиб қўйди. — Балки газета тарқатсам кўзга тезроқ кўринарман деб ўйлагандурсан, шундайми? — тўсатдан сўради вожатий, худди Шокирнинг мақсадини аввалдан билгандек.

— Менга қарачи, Шокир, — деди Саида опа, — борди-ю, бу сир кузгача очилмади дейлик, унда нима бўлишини ўйладингми? Ёки Пўлат синфда қолса майлими? Ёрдам бераяпман, деб ёлғонлагани уялмадингми?.. Яхши бўлмапти...

Шокир индамади, фақат кичкина қулоқлари баттар қизариб кетди.

— Хўш, сен нега буни штабдан яшириб келдинг? — Пўлатга қараб деди Саида опа. — Яна олтинчи синфда ўқигинг келдими?

Пўлат худди ёмон бир фикрдан қутулишни истагандек бирдан бошини кескин силкиб, дадил ўрнидан турди. У, катта қўй кўзларини Саида опага тикиб:

— Ҳамма айб менда! — деди узил-кесил. — Нега десангиз, мен, Шокирни кутмасдан дарсдан кетиб қолган эдим... Шокир шуни сизга айтиб қўяди деб қўрқдим... уялдим... Шокирга мен айтганман. Ҳечкимга билдирма деганман.

Ўз айбига иқрор бўлиб ўтирган ва таажжуб блан тикилиб қолган Шокир, бирдан:

— Ёлғон! — деб кичқириб юборди. — Пўлат ёлғон айтаяпти, ўртоқлар! — ҳаяжон блан деди у. — Айб унда эмас, менда. Нега десангиз... уни шундай қилишга мен ўргатдим. Бунинг устига мен унга ёрдам беришни хоҳламаган эдим. Мен... Вожатий тўғри айтди: газета тарқатсам ҳамма мени мақтайди деб ўйлаган эдим!..

«А а!.. Сабаби бунда экан-ку!» — деб ўйлади Зарифа.

Шокир ерга тикилиб туриб:

— Хато қилганимга энди тушундим,— деди секин.

Саида опа Шокирнинг самимийлигини кўриб илжайди.

— Яхши тушундингми?

— Яхши тушунди,— деди вожатий, кутилмаганда Шокирнинг тарафини олиб.

Аллаким севиниб кулди, болалар енгил нафас олдилар. Ҳамма қандайдир оғир бир нарсадан қутулгандек бўлди.

Саида опа Шокирнинг сўзига ишонганидан, ортиқ унинг тўғрисида гапирмади ва Пўлатга ёрдам масаласига ўтақолди.

Пўлатга ёрдам бериш Зарифага юкланди. Саида опанинг ўзи ҳам Пўлатга ҳар куни консультация бериб борадиган бўлди...

Шокир, Саида опа қаттиқ хафа бўлди, энди мен блан гаплашмас, деб ўйлаган эди. Шунинг учун ҳам у ҳаммадан олдин кетмоқчи эди, броқ, Саида опа уни йўлдан тўхтатиб:

— Шокир, бирга кетамиз,— деб қолди.

Улар биргалашиб кўчага чиққанларида, Саида опа унга:

— Шокир, сен Валига хат ёз,— деди.— Хато қилганингни, энди бу хатоги тузатишингни—ҳаммасини ёз. Бўлмаса у қаттиқ хафа бўлади.

Шокир ўқитучига миннатдорчилик билдириб кўз тикди ва «хўп» деб бошини силкитди.

## XVII.

Вали барвақт уйғонди. Дадасининг ҳарбийча чарм сумкасига дафтар-қаламини солиб, Исой бобо ёнига чиқди.

— Тайёرمىсан, ўғлим?— деди Исой бобо.

— Тайёрман.

— Отингни кўрдингми? Кўрмадингми? Эҳэ... Мен сенга шундай бир отни эгарлаб қўйибманки, тулпар дейсан, тулпар.

Қўрғон орқасида иккита от турарди. Бири аввалги кун Исой бобо миниб келган ўша қашқа. Иккинчиси ундан чоғроқ, лекин келишимли, ёллари текис қир-қилган дўнан эди.

Вали дўнаннынг олдида дадил яқинлашиб, пешона-сини силаб қўйди. Сўнгра дўнаннынг диркираб турганини кўриб, уйдан нон олиб чиқди. Дўнан нонга ўрганган экан, юмшоқ лаблари блан Валининг кафтидаги нонни қимтиб олди. Демак от ўрганган, дўст бўлиш мумкин.

Чорак соатдан кейин елкасига милтиқ осган Исой бобо қўй-қўзилар қамалган қўрғоннинг эшигини очди.

Эрталабдан бери кенг яйловга чиқиш учун толпинаётган уч юздан ошиқ қўй-қўзи типирлашиб чиқиб, ўтлоққа ёйила кетди. Исой бобо блан Вали ҳам отларга миниб, йўлга тушдилар.

Олдинда таниш води ястаниб ётади. Эрталабки қуёшнинг илиқ нурига чўмган яйлов жуда гўзал кўрилади. Ўтлар ва дарахт япроқларидаги шудринг томчилари қуёш нурларида жимирлаб товланади.

Дала жонли, ўтлар орасида чумчуқлар чуғурлашади, бошларидаги попуклари ўзларига ярашган тўрғайлар тинимсиз сайрашади. Ба'зи-ба'зида какликларнинг гўли-гўлиси, беданаларнинг битбилдиғи эшитилади. Узоқ қирлардан чўпонларнинг найи янграйди.

Валининг тахмини тўғри чиқди. Улар тўғонга яқинлашганда, ўсиқ қамишлар орасидан бир гўп ўрдак кўтарилди. Исой бобо от устида қушдек талпинди.

Отлиқлардан хурккан ўрдаклар оқчил жигарранг қанотларини пала-партиш қоқиб, узоқлашиб кетдилар.

— Энди қўй-қўзиларга тегмайлик,— деди Исой бобо,— ўтлашиб кетаверсин, биз ҳам ҳангама қилиб аста кетавераёлик.

Худди у айтгандек бўлди. Қўй-қўзилар далада кенг ёйилиб, ўтларни қимтиб кетавердилар. Ҳангамани қизитиб, бобо блан Вали ҳам кетаверди. Шу зайилда бир соатча юргач, текис ва кенг бир сойга тушдилар.

Сойда пичан, ёввойи беда, йирик донли шўвоқ ўсиб ётар эди.

— Мана, ўғлим Вали, бизлар қидирган ўти ўсиқ, суви шакар ўтлоқ мана шу. Қани, отдан тушайлик,— деди Исой бобо, отини тўхтатиб.

Улар отдан тушиб, ўтлоққа кўз тикдилар. Кейин қўй ва қўзиларни ёйиб, отларни кишанлаб бўлиб, ўзлари ўтлоққа бирпас чўзилдилар. Шунда Исой бобо деди:

— Қани, маслаҳатлашайлик-чи, ўғлим.

— Қандай маслаҳат?—деб сўради Вали.

— Вақтни қандай тақсимлаймиз. Масалан, қачон овчилик қиламиз-у, қачон қўйларга қараймиз... Бу нарса жуда зарур. Бўлмаса, овчилик деб қўзиларга қаралмаймиз, қўзилар деб ов қилолмаймиз. Шундай қилайликки, «Қўйчивон ҳам ухласин, қўйлар ҳам тугал бўлсин», тўғрими?

— Тўғри,— деди Вали.

Улар маслаҳатлашиб шундай қарорга келдилар: биринчи кунлар овга тайёргарлик кўрилади. Улар, балиқ тутиш учун сават тўқийдилар, бедана тутиш учун лой-тузоқ ясайдилар. Ундан кейин овга киришадилар. Ов қилиш учун унча кўп вақт кетмайди. Кечқурун беданага тузоқ қўйиб, балиққа сават ташлаб, эртаси эрталаб, тузоқлардан хабар олинса бас. Бедана ва балиқ илинса — уларники, илинмаса тузоқни бошқа жойга кўчирадилару, қўзиларни ҳайдаб кетаверадилар.

Ёз фаслида тулки овлаш мумкин эмас. Броқ, Вали йиртқич ҳайвонни қандай тутишни кўрсин ва ўргансин учун, ундан ҳам биттасини тутадилар. Ниҳоят, тўр тузоқ блан битта қарчиғай ушлаб, кузгача қуён овлашга ўргатадилар. Кузда, яйловдан кетаётганда, қарчиғайни қуёнга соладилар.

Шодлигидан типирчилаб турган Вали, ниҳоят, ўзини бир минутча босиб, сўради:

— Бобо, бу ерда бўри борми?

— Э, сени қара-я! Бўлмаса милтиқ кўтариб нима қиламиз? Бу ерда бўри эмас, йўлбарс ҳам бўлади.

— Йўлбарс дейсизми?

— Ҳа, йўлбарс. Лекин у бу атрофга келмайди.

Улар ичкарида, тоғ оралиқларида юрадилар. Уерда ўрмондек қалин қамишзорлар бор. Шеру-йўлбарслар ўша қамишзорларда ётиб, чанқаб келган алқарларни овлашади. Алқарни биласанми?

— Ёввойи эчкими? Биладан.

— Худди ўша, — деди Исой бобо, — алқар жуда югурдак бўлади. Лекин йўлбарс — қув, у, қамишнинг орасида яшириниб ётадию. алқар сувга келган пайтда бирдан унга ташланади. Йўлбарс ташландими — бас! У, бир тишлашда ҳарқандай алқарнинг белини узиб юборади!.

Валининг кўзлари катта очилди. У бу ерларнинг сирли ҳаётига тобора қизиқар эди.

— Бобо, бу ерда арслон ҳам бўладими?

— Йўқ, ўғлим, арслон саҳрода яшайди. Шернинг макони қум. Аммо бу ерда бургут блан бўри кўп. Улар ҳам ёмон йиртқишлар. Улардан бохабар бўлиш керак. Ҳали шошмагин, мен сенга милтиқ отишни ҳам ўргатиб қўяман.

Исой бобо оппоқ соқолини силаб, бошини эгиб, нима тўғрисидадир узоқ ўйлади.

— Ҳозирги пайт бўрининг тухумини қуритадиган пайт, ўғлим. Негаки, бўри худди шу ойда болалайди. Агар инини топиб борсанг, ҳам бўрини ўлдирасан, ҳам болаларини.

— Инини топиб бўладими?

— Ининими? Қийин эмас. Бўрилар ўз инларини сувга яқин жойга, ўсиқ ўтлар орасига, булоқларнинг ёнидаги қамишзорларга, ботқоқларнинг ичига солишади, гапнинг қисқаси бўри инини сувнинг айланасядан ахтариш керак. Мана шу мен айтган жойларда ғажиб ташланган суяклар, ўтларга ёпишиб қолган жунлар кўринса, бўрининг инини шу атрофда деявер... Бундай овга, ўғлим Валижон, саҳарда чиқиш керак. Сабаби шуки, эркак бўри ҳам, она бўри ҳам саҳарда овга чиқади. Пайтдан фойдаланиб, ёш бўриваччаларни қириб ташлайсану, шу атрофда яшириниб, бўриларнинг қайтишини кутасан. Яшириниш вақтида ёдингда бўлсин: шамолга қарама-қарши томонга беркиниш керак. Негаки, шамол эсаётган томонга бекинганда ҳидингни

бўрилар сезиб қолиб, келмаслиги мумкин. Улар жўда сезгир бўлади. Тушундингми, ўғлим?

— Тушундим,— деди Вали.

— Тушунган бўлсанг, ёдингдан чиқмасин,— деди Исой бобо. — Хўш, қани, энди юр-чи, қўзиларни сал жилдирайлик.

Исой бобо қўзиларни оралаб юрди.

Қўзилар унга кўникканидан ҳуркмас эди. Ба'зи қўзилар унга тикилиб қарар, ба'зилари ишонч блан чўзилиб, унинг катта суякдор кафтини ялар эди.

Вақт тушга яқинлашганда Исой бобо блан Вали подани ҳайдаб тўғонга қайтдилар. Қўй-қўзилар, қониқиб сув ичишди, кейин кўкракларини иссиқ қумга босиб ётишди. Вали ўтин териб келди. Исой бобо тол соясига бориб олов ёқди. Хуржундан қумғон олиб чой қайнатди. Улар овқатланишди ва дам олишди. Исой бобо чалқамча тушиб ётдию, ухлаб қолди. Вали эса, кундалик ёзгани ўтирди.

У бошлаб, қишлоқдан қайси пайтда, ким блан ва нима мақсадда чиққанини ёзди. Сўнгра йўл таассуротларини — келиб тўхтаган яйловларини, қўй-қўзиларнинг ўтни катиллатиб ейишларини, ниҳоят Исой бобого ёрдамлашиб ўтин териб келганини, овқатланганларини ёзди.

Шуларни ёзар экан, Исой бобонинг ўзи тўғрисида ҳам ёзгуси келди, жуда ҳам ёзгуси келди.

Вали чолга қаради. Унинг ёш қалбида Исой бобого нисбатан чуқур ва болаларча самимий муҳаббат уйғонган эди.

Ҳақиқатан у жуда ажойиб чол эди. Вали сезар эди: Исой бобо ёнида меҳнатнинг ўзи аллақандай лаззатли, завқли, у кучга куч қўшадиган мароқли яхши машғулотга айланар эди. Нега?

Вали бунга кейинчалик тушунди. Ҳамма нарса севгида экан. Исой бобо ўз ишини жон-дили блан севарди. Бу севги унинг меҳнатини лаззатли, завқли, мароқли ва яхши машғулотга айлантирган эди.

Вали Исой бобо тўғрисида аввал озгина ёзиб ўтай деб ўйлаган эди, кейин у ҳақдаги гап сра тугамайди-ганга ўхшаб кўринди...

Тушдан кейин, улар жунлари кирлаб кетган ўт-тизга яқич қўзини чўмилтирдилар, сўнгра подани ҳайдаб, қайтадан баяги сойга бордилар.

Кечқурун, қўрғонга қайтар эканлар, Исоё бобо сўраб қолди:

— Хўш ўғлим, иллар қалай! Чарчамадингми?

— Йўқ, йўқ. Чарчамадим,— деди Вали.

— Ёлғон айтма, ўғлим? — деди Исоё бобо.— Ҳай, майли, чарчасанг дам оласан. Дала кишини соғлом, кучлик қилади...

Қўрғондан югурганича Эркин чиқди. У Вали блан Исоё бобони қулоч ёзиб қарши олди.

Биринчи меҳнат куни тамом бўлди.

### XVIII

Улар қандай шартлашган бўлсалар шундай қилдилар.

Иккинчи ҳафтанинг бошида тузоққа бедана тушди. Бедана анча катта эди. Бобонинг тузоғи унча кичкина тузоқлардан бўлмасада, бедана уни анча ерга судраб бошган, ўзи ҳам бўғилиб ўлаёзган эди.

Исоё бобо беданани тузоқдан олиб, патларини силайбошлади, кейин қанотларини боғлаб, кўйлаги ичига — қўйнига солиб кўйди. Сўнгра яна қушлар ва ҳайвонлар тўғрисидаги турли-туман ҳикояларини сўзлаб кетди...

Шундан бир кун кейин, улар одатдагидан ҳам эртароқ туриб, тўғон бошига келдилар. Михдан ясалган илгаклар блан тўғонга солинган саватларни илиб олмоқчи бўлдилар.

Сават ўсиқ қамишларнинг нариги ёғига, сув ўртасидаги катта толларнинг камарига солинган эди.

Тўғонга Исоё бобо тушди. Вали қирғоқда қолди. У, сувнинг муздек совуқлигини билар ва тўғонга ўзи тушмагани учун виждонан азобланар эди. Броқ унинг иложи йўқ — бобо унга рухсат бермаган эди.

Исоё бобо, ўзидан икки баравар узун келадиган таёқни ушлаганича, сувнинг тагини пайпаслай-пайпаслай, қамиш ичига кирди.



Усиқ қамиш олдин унинг кўкрагидан келди, сўнгра бўйнидан, ниҳоят, уч-тўрт қадам нари юргандан кейин Исой бобо кўринмай, фақат таёқнинг учигина кўриниб турди.

Уртадаги катта толга етгач, таёқ ҳам ғойиб бўлди. Шундан кейин анчагача ҳечнарсани билиб бўлмади: на шарпа эшитилди, на Исой бобонинг овози.

Тўсатдан, сув чайқалди: чайқалганда ҳам бир нарса қулагандай қаттиқ шалоплади, бобога кўз тикиб. сабри чидамай ўтирган Вали, ўзини сувга отди.

Улар қамишзорнинг ўртасида учрашдилар.

— Борми, бобожон? — тоқат қилаолмасдан қичқирди Вали.

Исой бобо жавоб бериш ўрнига, Валининг қўлини ушлади-да, ўзининг қўлидаги таёққа текизди. Таёқ қаттиқ титрамоқда эди. Қаердадир, чуқурда, сув тагида нимадир таёққа урилмоқда, ҳатто уни орқага судрамоқда эди.

— Балиқ! — деди Вали қичқириб, — ростдан балиқ!

Саватдан балиқлардан бўлак, қурбақа, зулук ва бошқа махлуқлар чиқди. Балиқлар ҳам анчагина бор эди. Чўртон балиғи блан танга балиқнинг ўзидан ўттизтача бор эди. Ундан ташқари яна майда-чуйда қора балиқлар ҳам бор эди.

Вали, толдан чивик синдириб, сут балиғи блан танга балиқни унга тизиб олди. Ба'зиларини қайтариб сувга ташладилар...

Орадан бир кун ўтди. Кун оғиб қолганда Исой бобо блан Вали қўй-қўзиларни қишлоққа элтиб, ўзлари йўлга отландилар. Исой бобонинг қўлида қопқон, Валининг қўлида кичкина кетмон бор эди.

Исой бобо эрталаб қўйларни Валига қолдириб, сой тепасига чиққанда, тулки юрган жойни кўрган ва бу жойни белгилаб қўйган эди. Уер, атрофи баланд қоялар блан ўралган созлик жой эди. Созликнинг бир чети қумлоқ бўлиб, ундан тулки юриб ўтди. Тулки эса, бобонинг айтишича, кўпинча бир марта юрган изи блан юрар экан.

Улар қумлоққа етиб бордилар.

Қумлоқдан чуқур қазиб, қопқонни жойлаштириб

бўлгунча водини қоронғилик босди. Яна бир минутдан кейин чўққилар устида пуштиранг бир шу'ла кўринди. Ой чиқмоқда эди.

Ой чиққач, яйлов ёришди, броқ бутун атроф: баланд қоялар, қирлар, ёлғиз дарахтлар қандайдир сирли бир қиёфага кирди... Қопқонни кўйиб бўлиб улар ортага қайтдилар.

Отларни боғ ёнига кишанлаб, уйга кирар эканлар, Исой бобо шубҳага жой қолдирмовчи бир овозда деди:

— Тулкини тутилди деб ҳисоблайвер, ундан кейин қарчиғайни ҳам.

— Қопқонни эртагаёқ қараймизми? — деб сўради Вали.

— Эртагаёқ қараймиз. Ҳеч шубҳаланма, ўғлим.

Вали шубҳаланмас ва бу тўғрида ўйламас ҳам эди. Исой бобонинг айтганлари ҳамиша тўғри чиқар эди.

Аммо, машҳур овчининг айтганлари шу тулкига келганда, рост чиқмади. Қопқонга биринчи тулки тушгунча қарийб ўн кун ўтди. Бунинг устига, қарчиғай ҳам илинмай, бир ҳафтагача овора қилди. Одатда тўрни совуққонлик блан қараб чиқадиган Исой бобо, кунлардан бир кун жуда аччиғланиб кетди.

— Ўғлим, тўрни кўчирмасак бўлмайди! Нима бўлди, бир ҳафталаб овора бўлсагу, ҳечнарсга тушмасга! Шу ҳам ов бўлдимми?

Вали бу фикрга тўла қўшилди. Лекин Исой бобо тўрни ёзар экан, Валининг дилида қандайдир умид уйғонди.

— Бобожон! Келинг—эртагача қолдирайлик, агар эртага ҳам тушмасга унда кўчирамиз.

— Нега? — чол ажабланди. Лекин Вали унинг кўзларига шунчалик ишонч ва шунчалик ўтинч блан қараб турар эдики, кекса чўпон ихтиёрсиз рози бўлди.

Уша кеча Вали анчагача ухламади. Тонг ёришаётганда ҳаммадан илгари уйғонди. Шундан кейингина ўчоққа олов ёқилди.

Вали ўрнидан турди-да, кийиниб қўрғондан чиқди. Кечаси далаларга, қирларга чўккан оқиш туман аста кўтарилмоқда, уфқ кенгаймоқда эди.

Узоқроқда отларнинг қораси кўринди: улар бошларини бир хилда чайқаб жим турардилар.

Вали боққа кирди. Боққа тушган тунги шудринг шунчалик қалин эдики, Валининг кийимлари бирпасда ҳўл бўлди. Мевазордан кейин дарахтзор яна ҳам қалинлашди, у қирга кўтарилиб баландлашиб кетди, Вали қадамини секинлатди... Қалин қайрағоч! Вали тўхтади. У, ўз кўзларига ишонмас эди. Ажабо: тўр ҳам, тузоқ ҳам йўқ эди! Фақат тўрға боғланган арқон шохлар орасида, қалин булоқларга чирмашиб ётар эди.

«Наҳотки узиб кетган бўлса?» — деб ўйлади Вали. У олдинга интилдию, лекин яна бирдан тўхтади.

Пастдан, қалин булоқлар орасидан, қандайдир ёт бир овоз эшитилди. Бу овоз шунчалик ёт эдики, агар болаларгагина хос қизиқучанлик бўлмаганда, Вали орқага қараб қочган бўлар эди. У бир минут иккиланиб тургач, яна олдинга юрди.

Ёт овоз берган — қарчиғай экан.

Қуш булоқлар орасида чувалашиб ётган тўр ичида, ўткир тирноқлари блан ўлик товукни чангаллаганича, ғазабли-мағрур бир қиёфада турар эди.

Қуш Валини кўрган замон яна алланечук ёввойи овоз чиқарди. Жигарранг қанотларини тўрға уриб, учмоқчи бўлиб талпинди. Аммо... у тутқун эди!

Ярим соатдан кейин, мағрур қарчиғайнинг кўзлари боғланди, Исой бобо уни қўлига кўтариб олиб кетди.

Бундан мамнун бўлган бобо Валининг елкасига қоқиб, деди:

— Сен овчи бўласан. Унча-мунча ҳам эмас—чинакам овчи бўласан!

Вали севинганидан қизариб кетди: чинакам овчи бўлишга унинг иштиёқи зўр эди.

## ХІХ

Июнь ўтиб, июль келди.

Кечқурун даладан қайтган Исой бобо блан Вали кўрғоннинг эшигида Алихон акани кўрдилар. Пода

яқинлашар экан, раис четга чиқиб, йўл берди-да қичқирди:

— Салом! Еш ва кекса чўпонларга салом!

— Ваалайкўм ассалом! — деб жавоб берди Исой бобо.

Колхоз раиси бобо блан кўришар экан, деди:

— Яхши ёрдамчи топибсиз-ку, ота?

— Валини айтасанми? Азамат бола!

— Азамат бола денг? — деб сўради Алихон ака.—

Балли, ўғлим — У, Валининг елкасига қоқди.

Вали уялиб, нима дейишини билмасдан, шошилиб қўзиларни қўрғонга қамайбошлади.

Ййловдаги уйда Валини зўр шодлик кутарди. Алихон ака, ўн кундан буён қишлоқда тахланиб қолган почтани олиб келган экан! Уйдаги стол газета-журналлар блан тўлган. Улар орасида Валининг сеvimли газетаси «Ленин Учқуни»нинг беш-олти сони бор эди.

Столда, газеталардан ташқари, ярим бетига нимадир босилган, ярми эса қўл қўйиш учун қолдирилган қандайдир оқ қоғозлар ҳам бор эди. Вали уларга қарамади. Алихон ака орқамдан кириб мени мақтар деб ўйлаган Вали тезда газета ва қоғозларни олиб, боққа чиқди.

Оқ қоғозлар беҳуда келган эмас экан. Оқшомда, Валиларнинг супасига ҳамма чўпонлар тўпланди. Кенггина жой ҳозирланган эди. Юқорига Алихон ака блан Исой бобо ўтирди. Исой бобо одатдагидан жиддий, узун соқолини силаб ўйланиб ўтирар эди.

Валининг укаси Эркин, Исой бобо блан Алихон ака иккисидан камида иккита эртак эшитиш учун, уларнинг ўртасига келиб ўтирди.

Чўпонлар олдин ферма тўғрисида гаплашдилар. Бу гапларни Эркин ҳам тинглаб ўтирди. Кейин суҳбат бошқа мавзуга кўчди. Бу эса — Эркин унча тушунмайдиган, лекин қандайдир жиддий бир мавзу эди. Ҳамма, айниқса Исой бобо жиддий тус олди. У чойнакдек муштини сиқиб аллакимлардан ғазабланди.

Унинг бундай қилиши Эркинни қизиқтириб қолди. У уйқиси келиб юмулабошлаган кўзларини катта оч-

ди, диққат блан қулоқ солди, шундан кейин гапга тушунабошлади. Америка деган узоқ бир мамлакатда қўзичоқни емоқчи бўлган бўридан ҳам ёмон, ундан ҳам ёвуз бир тўда йиртқич бой одамлар яшар экан.

Уша йиртқичларнинг бошлиғи Трумэн дегани ўзига ўхшаган бир тўп ёвузларни тўплаб, шаҳарларида легковойлар юрадиган, далаларида экинлар, боғларида ширин мевалар ўсадиган Корея номли мамлакатга босиб кирибди. Босиб кириб, шаҳарларини бузмоқда, боғларига ўт қўймоқда, одамларини ўлдирмоқда экан.

У йиртқичлар шунчалик қонхўр эканларки, улар Эркиннинг ойсидек меҳрибон оналарни, Исой бободек эртакчи чолларни, ҳатто Васядек кичкина болалар блан Раисадек яхши-яхши қизчаларни ҳам ўлдирмоқда экан, обод шаҳар ва қишлоқларнинг кулини кўкка совурмоқда экан.

Буни эшитган Эркин, олдин йиғлагиси келди. Унинг кичкина юраги сиқилди. Кейин ўтирган чўпонлар кучли муштарини сиқиб, Трумэндан ғазабланганларини кўриб, Эркин ҳам ўшалардай ғазабланди.

Ҳа, Исой бобо Эркинга — халқ ҳамма нарсдан кучли деб айтган! У, бўрилардан ҳам, арслонлардан ҳам, ҳатто йўлбарслардан ҳам кучли. Трумэнлар шошмасин! Халқ уларнинг адабини бериб қўяди... Ундан кейин Кореядаги болалар, яхши-яхши қизчалар ўйнаб-кулиб яшайверадилар, яшайверадилар...

Бу фикр Эркинни тинчлантирди. Шундан кейин, у, ўзи ҳам сезмасдан аста ухлаб қолди.

Вали ҳамма гап-сўзларга қулоқ солиб ўтирди, У катталар блан баравар ғазабланди. Унинг ёш қалби Исой бобонинг юраги блан баравар урарди!

Эркин ухлаганда суҳбат ҳам тугаган эди. Тўпланган чўпонлар Стокгольм мурожаатига қўл қўябошладилар. Биринчи бўлиб Исой бобо қўл қўйди. У, кўзига кўзойнак тақиб, мурожаатни ўқиб чиқди, сўнгра қўлини қўйибгина қолмасдан, қийшиқ-қийшиқ қилиб уч-тўртта сўз ҳам ёзди.

Вали ўнинг нима деб ёзганини ўқийолмади. Лекин севимли чолнинг ҳамманинг қалбидаги оташин нафратни ифода этучи газабли сўзларни топиб ёзганига ишонди.

Мурожаатга Вали ҳам қўл қўймоқчи эди-ю, Алихон ака рухсат бермади.

— Сен учун отанг қўл қўйди, — деди раис, — халқ қўл қўйди, ўғлим. — Алихон ака, ўзининг ёлғиз қўлини Валининг елкасига қўйиб, унинг кўзларига мулойим қаради, кейин, шошиб шимининг чўнтагини ахтарабошлади.

— Тўхта-тўхта, сенга битта хат бор эди, ёдимдан чиқай депти, қара!.. Мана.

Вали, шодлигини яшираолмасдан, қичқириб юборди:

— Пўлатдан!

У хатни оласолиб, чопганича уйга кирди, лампани тез ёқиб, конвертни очди.

... Бу қанақаси? Вали кўзларига ишонмас эди: Шокир Пўлатни ташлаб кутубхонага кетибди. Пўлат ёрдамсиз қолибди, уларнинг иккиси ҳам ҳаммани алдапти. Штабдагилар эса, қишлоқда туриб шу нарсани сезмаган эмишлар!..

«Ҳаммаси Нурматнинг бўшлигидан! — деб ўйлади Вали. — Шу ҳам ишми? Яна у штаб бошлиғи эмиш!»

У дарров хат ёзишга ўтирди. Броқ у ўзининг биринчи хатини қанчалик севиниб ёзган бўлса, бу хатни шунчалик хафа бўлиб, аччиғланиб ёзди. Хатни ёзиб бўлиб, эрталаб Алихон акадан бериб юбормоқчи бўлди.

Вали ўша кеча анча маҳалгача ўхлайолмади. Қишлоқ тез-тез унинг ёдига тушаверди.

«Шокир ундай бўлиб чиқди. Энди Пўлатга ким ёрдам беради?»

Тўсатдан, Валининг ёдига Зарифа тушди.

«Ахир бир ой ўтди-ку! — севиниб ўйлади Вали. — Зарифа келгандир энди. У келса иш албатта ўзгаради. У яхши қиз!»

...Эрталаб, Вали қанчалик беркинмасин, Алихон

ака уни тутиб олди. Ҳамма ҳурмат қиладиган кекса чолга ёрдам бераётгани учун Валининг кичкина қўлини колхоз правлениеси номидан қаттиқ сиқди, пешонасидан ўпди.

Раис иккиси дўстларча хайрлашдилар. Алихон ака хатни олиб қишлоққа кетди. Вали эса Исой бобога қўшилиб далага жўнади.

Зарифа Пўлатларникига боргани уйдан роппароса соат тўққизда чиқди. Боғнинг ўртасидаги оқ уй олдида унга Раиса учради. Қизча қора кўзларини Зарифага тикиб:

— Зарифа опа сиз бўласизми? — деб сўради.

— Мен бўламан,— деди Зарифа ихтиёрсиз илжа-йиб.— Нима эди? Аканг уйдами?

— Акам уйда, сизни кутаётибди.

«Тузук!» — деб кўнглидан кечирди Зарифа.

Пўлат меҳмонхонада, очиқ деразанинг олдида стол қўйиб, дарс тайёрламоқда эди. У Зарифани кўрганда, худди ўқитучини кўргандек шошиб ўрнидан турди. Унинг гап-сўзи мулойим, Зарифага тикилган кўзлари гуноҳкор кишиларникидек ювош ва итоаткор эди. Бу ҳол Зарифага ёқмади. Чунки у, шўх ва дадил бўлишни яхши кўрарди.

— Нега титрайсан? Ҳечким сени уришмоқчи эмаску! — деди Зарифа ва жавоб кутмасдан овозини пасайтиб:— нима ўқиётибсан? Тушунмаганинг кўпми?— деб сўради.

— Кўп. — Пўлат дарров жонланди. — Масалан.. мен ўқишни фе'лдан бошлаган эдим... фе'л...

— Тўхта. Нега бирдан фе'лдан бошладинг? Нега бошдан тушмадинг?

— Шундай, ўзим...

— Йўқ, ундай қилиш ярамайди,— деди Зарифа.— Грамматикани бошдан ўқимасак бўлмайди. Ҳали ҳам шундай қиламиз. Бўптими?

— Бўпти,— деди Пўлат.

Шу вақт деразанинг олдида Раиса кўринди. У Зарифанинг нима қилаётганини кўрмоқчи бўлса керак,

бўйинини чўзиб ичкарига қарар эди. У Зарифани кўрди-ю, дарров қочиб кетди.

Зарифа кулиб юборди.

— Синглинг нечанчи синфда?

— Раисами? Иккинчига ўтди.

— Яхши ўқийдими?

— А'лочи,— қизариб деди Пўлат.

Зарифа севиниб «бунга сўз та'сир қиладиган бўлибди»,— деб кўнглидан кечирди.

Пўлатларнинг девор соати ўн бирни кўрсатганда Зарифа китобни ёпиб, ўрнидан турди.

— Бугунга шу ҳам етади. Мен энди катта боққа бораман,— деди Зарифа.— Юр сен ҳам, айланиб келсан.

Улар китоб-дафтарларини саранжомлаб, кўчага чиқдилар.

Мақтабга етганларида Каримжон Мухторов учради.

— Салом, Каримжон ака!— деди улар.

— Салом,— Каримжон Зарифага қўлини берди.— Иккимиз ҳали кўришмадик шекилли?.. Хўш, қалай, лагерь яхшими?

— Бўлмасамчи! — деди Зарифа.

— Пўлатга ёрдам бераяпсанми? Тузук, лекин сенинг ёрдаминг ҳам Шокирникидек «юз процент» бўлмасин?—Каримжон ҳазиллашиб кулиб қўйди...—Нурматни кўмалинглари?

— Йўқ. Штабда йўқми?

— Штабларинг берк.

— Топайликми?

— Кераги йўқ. Яхшиси мен сенга айтиб қўяқолай,— деди Каримжон.—Эртадан бошлаб комсомол комитети деворий газета чиқарабошлайди. Эртага газетанинг биринчи сонини чиқарамиз. Шунга отрядларингдаги илғор звено блан яхши ишлаётган пионерларнинг рўйхати керак.

Пўлат блан Зарифа отрядни катта боғдан топдилар. Уроқчилар даладан қайтгандан кейин катта Соғянада жонланган эди. Теримчиларга тўлган олмазор худди асал арининг уясига ўхшар эди.



Зарифаларнинг отряди мичуринчи участканинг ёнида экан. Қизлар ерда туриб, болалар тўлдириб бераётган саватларни олишар ва олмани супага олиб бориб тўкар эдилар.

— Ҳорманглар! — деди Зарифа.

— Бор бўлинглар! — деди Ҳабиба. — Дарс тайёрлаб бўлдингларми? Энди ёрдамга келдиларингми? — деб сўради у, негадир севиниб.

— Йўқ. Биз бошқа иш блан келдик. Нурмат қани?

— Осмонга қара!

Нурмат, тагида Ҳабиба турган олманинг энг учига чиқиб, икки қўллаб олма термоқда эди.

— Нурматни нима қиласан? — деб сўради Ҳабиба ва Зарифанинг сўзларини эшитгач: — рўйхатни кеч-қурун оласан. Ҳозир бизга ёрдам беринглар, — деди ялвориб. — Нега десанг, бизлар 6-нчи «Б» нинг болаларини мусобақага чақирганмиз. Сизларнинг ҳам ёрдамларингиз керак...

Зарифа дарров кўйлагининг енгини шимариб:

— Шуни боя айтмайсанми? — деди атрофига қараб, — сават борми?

— Дарахтга чиқинглар, — деди Ҳабиба, — саватларни тўлдириб бериб туринглар.

— Жуда соз, — деди Зарифа ва саватни олиб, чаққонлик блан дарахтга чиқиб кетди.

Зарифа дарахтга чирмашиб, Нурматдан ҳам баландроққа кўтарилди-да, қулай шохни танлаб, ўтириб олди. Бу ердан фақат катта боғгина эмас, қишлоқнинг деярли ярми яққол кўринар эди.

Зарифанинг худди ён томонида, деворнинг нар-ёғидаги токзорда бир тўда мактаб ўқучилари узум бошларига қоғоз халтачалар кийдирмоқда эди. Уларнинг ёнида қайчиси блан токнинг аллақандай новлачаларини кесиб, Назир ота юрарди.

Кўчалардан чанг кўтариб аравалар, машиналар ўтмоқда, колхоз клубининг олдида эса, кино олиб юрадиган усти берк машина турарди.

«Қино келган бўлса-я!» деб ўйлади Зарифа, сўнг-ра кўнгли алланечук қувончга тўлиб, теримга киришди.

Ёзда олма ёки узум теришдан яхши нима бор?!

Ҳарбири пиёладек келадиган, бир чети оқ, бир чети анордек қизарган ширин олмалар, худди: «Мени уз», «Олдин мени уз» дегандек, шохларини эгиб, қўлингга тегиб туради. Кўзларинг жовдираб, қўлларинг қайси бирини олишни билмайди. Ба'зида, териб чарчаган вақтингда, пишган энг яхши бир олмани узасан-у, ширин-нордон сувини лабингдан оқизиб уриб оласан... Атрофда эса жонли, шўх кулги, шовқин, ўйин. Олма териш Зарифага жуда ёқиб қолди, шу вайдан кечқуруч Саида опанинг олдига борди.

Ўқитучи унинг ҳаяжонланиб гапирган сўзларини эшитгач, кулиб:

— Ҳалати характерли қизсан!— деди тўсатдан эркалаб ва Зарифанинг жингалак сочларини силаб.— Майли, тергинг келса теравер. Пўлатга ҳар куни икки соат ёрдам берсанг етади. Лекин... Шокирга ўхшаб алдаб юрмагин яна?

— Саида опа!..

— Яхши-яхши, ишонаман!— Саида опа мулойим кулди.

## XXI

Каникулнинг сўнгги оғи — август, Зарифалар учун кутилмаган бир воқиа блан бошланди.

Эрталаб соат ўнлар чамаси эди, дарс тайёрлашдан чарчаган Зарифа блан Пўлат эндигина боққа чиққан эдиларки, шошиб-пишиб қўвноқ почтальон келди (Саида опанинг маслаҳати блан у — Шокир кутубхонада қолдирилган эди).

Почтальоннинг қўлида қандайдир газета. У, ҳовлиққанича келиб, аввал гапни нимадан бошлашни билмай, дудуқланиб қолди:

— Болалар... Зарифа! Вали — қаҳрамон!

— Нима? Қандай қаҳрамон?!

Зарифа блан Пўлат Шокирнинг дарров жавоб бераолмаслигига кўзлари етгач, унинг қўлидаги газетани юлқиб олдилар. Газетани олгач, ўзлари ҳам худди Шокирдай ҳовлиқиб қолдилар. Биринчи бетда

Вали блан Исой бобонинг бирга тушган сурати босилган эди. Чол ўйчан кўзларини Валига тикиб, ўсиқ ўтлар орасида ёнбошлаб ётарди. Вали эса, китоб ўқирди.

— Мақолани ўқинглар! Мақолани ўқинглар!— дер эди Шокир ҳамон нафасини босолмай.

Зарифа ўқиди:

«Ленин номли колхознинг подасини боқишда кекса чўпон Исой Каримовга ёрдам бераётган шу колхоздаги ўрта мактаб ўқучиси Вали Зокиров 25 июль куни кўзиларга ҳужум қилган оч бўрини отиб ўлдирди».

Зарифа блан Пўлат газетани бир-биридан қизғониб, мақолани уч-тўрт марта ўқиб чиқдилар.

— Вали-я? Қандай қилиб отди экан?

— Бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими шуки, отганлиги рост!— деди Шокир каттазанлик блан,— менга беринглар, янгиликни тезда қишлоққа тарқатишим керак.— У газетани олди.

— Тўғри!— Шокирнинг фикри Зарифага ёқди.— Юринглар, олдин Саида опа блан вожатийни севинтирамиз! Кетдик!

Вожатий Умаров блан Каримжон мактабнинг мичуринчи участкасида экан. Улар юқори синф ўқучилари блан ғўза ва мева кўчатларини суғармоқда эдилар.

Ўқучилар Шокирни дарров ўраб олишди. Катталарнинг ҳайрати Зарифаларникидан кам бўлмади.

— Қайси Вали?

— Кичкина бола эмасми?

— Нечанчи синфда?

Шокир, ўртада гир айланиб, тушунтирар эди:

— Вали-чи, менинг дўстим! Кичкина эмас, капкатта, 6-нчи «А» да ўқиган, энди 7-нчига кўчган!

— Ажойиб бола! Мана бу тўғрида отрядларда суҳбат ўтказсак бўлади!— деди вожатий Умаров, кўзларини Валининг расмидан узмасдан.

— Сиз нима дейсиз, Каримжон?

— Тўғри!— деди Каримжон ва Зарифага қараб:— Китоб ўқиш тўхтаб қолмадимми?— деб сўради.

— Йўқ. Кеча «Мактаб»ни тамомладик. Эртага Ҳабибанинг звеноси Пўлатларникига тўпланади. Ҳаммамиз «Полк ўгли»ни ўқимоқчимиз.

— Собирнинг звеноси нима қилмоқчи?

— Улар дар'ёга бориб балиқ тутмоқчи! — деди Зарифа ва негадир аччиғланиб давом этди. — Биласизми нима, уларга ўйин бўлса бас! Икки куннинг бирида дар'ёга кетадилар. Улар ҳали «Мактаб»ни ҳам ўқиб битирганлари йўқ.

— Шундайми?.. Бўлмаса бундай қилайлик, — деди вожатий Умаров. — Шокир, сен Собиржонга бориб айт: улар ҳам эртага китоб ўқигани келсин. Ҳамма тўпланганда, Вали тўғрисида суҳбат ўтказамиз... Сен-чи, Зарифа, пионерлар номидан Валига хат ёз. Пўлат тўғрисида ҳам айт, хатни ҳам эртага муҳокама қилиб, сўнгра жўнатамиз. — У Пўлатга кўз ташлади. Шундай, шундай... Пўлат ҳозир тузук ўқияпти дегин... Вали ҳам бу блан қизиқаётгандир, нима дейсан?

— Бўлмасамчи? — деди Зарифа, — ҳар хатида сўрайди.

— Ана, кўрдингми? Вали шундақа ажойиб болади! — деди вожатий.

— Боринглар, йўлдан Саида опага ҳам айтиб, севинтиринглар.

— Хўп! — Зарифа бошини кескин силкитди ва негадир қизариб турган Пўлатнинг кўлидан тортиб:

— Юр тезроқ! — деди.

Шокир Собиржонни қидириб кетди, Зарифа блан Пўлат эса уйларига кетишди. Улар катта майдонга-ча бирга бордилар. Броқ, йўлда бир оғиз ҳам гап-лашмадилар.

Зарифанинг хаёли Валига ёзиладиган хатда эди. Рост, вожатий хатни қай мазмунда ёзишни айтди. Шунга қарамасдан Зарифа ҳаяжонда эди, чунки бу хат оддий хат бўлмай, бутун отряднинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатадиган хат эди...

Пўлатнинг фикри ҳам ўша хатда эди. Валининг қаҳрамонлик кўрсатгани, айниқса вожатийнинг сўз-

лари уни жуда ҳаяжонлантирган эди. Унинг ёш қалбини кучли ҳаяжон тўлдирган эди! Катта майдонга чиққач, у Зарифанинг олдини тўсиб, тўхтатди.

— Зарифа,— деди Пўлат, ерга қараб,— агар Валига хат ёзсанг, айтгин: Пўлат кузги имтиҳонни бешга топширади, дегин...

— Чин пионер сўзим дегин-чи?— деди Зарифа, Пўлатнинг қўлини тез ушлаб.

Пўлат бошини кўтарди:

— Чин пионер сўзим!

Зарифа ишонди, чунки Пўлатнинг кўзлари илгаригидек алангламас, тўғри қарар, ишонч блан ялтирар эди.

Зарифа унинг қўлини маҳкам қисди.

## XXII

25-нчи июль куни Исой бобо блан Вали, бир вақтлар тулкига қопқон қўйган таниш жойдан нарироқдаги кенг ўтлоққа боришди. Пода қир этагида тўхтаб, ғарбга қараб ёйилди.

Пода тўхтаган қир яқинида икки туп тол яшнаб ўсиб турар, уларнинг соясида тиниқ булоқ қайнаб ётарди. Вали блан Исой бобо ўша толлар ёнига бордилар.

Толларнинг бири тўғри ўсган, келишимли, иккинчиси эса Валининг кўкраги бараварида икки ёққа шохлаб, анча кенг жойга соя ташлаб ётарди. Бирпас салқинлашгач, Исой бобо подаларни айлангани нари кетди. У ўзининг мақтовли милтиғини бугун нима ҳам бўлиб, тол айрисига илиб қолдирган эди. Вали милтиқни олиб, ҳавас блан уёқ-буёғига қаради-да, яна жойига қўйди.

Бобо келгунча Вали сумкасини очиб, кундалик дафтарини олди.

Вали кундалигига ўтган кунги воқиалар ҳақидаги хотиротларини ёзди. Ўтган куни бўлган энг яхши янгиликлардан бири Зарифадан келган хат эди. Хатдаги энг қувончли янгилик эса Пўлат ҳақида ёзилган гаилар эди. Бу хат Валини, ниҳоят, тинчлантирди.

Вали кундаликни ёзиб бўлгач, икки кундан бери ўқимоқда бўлган китобни олиб очди. Унинг севимли ёзучиси Аркадий Гайдарнинг «Мактаб» номли повести бир зумда хаёлини эгаллаб олди. У, повестининг ёш қаҳрамони Борис Гориков блан бирга гражданлар урушининг оғир, жўшқин воқияларига киришиб кетди.

Қанча вақт ўқиганини билмади. Бир вақт қандайдир шовқин хаёлини бўлди. Вали чўчиб тушди.

Юқорида, тепаликнинг этагида ўтлаётган қўй-қўзилар бир томонга қараб тўс-тўпалон блан қочиб келмоқда эдилар. Вали ўрнидан сакраб турди. Аммо, поданинг шовқун-суронида ҳечнарсани билиб бўлмас эди. Юқоридан қочиб келган қўй-қўзиларнинг қулоқлари диккайган, улар бир-бировларининг пинжларига ёпишиб, қуёндек чопишар эди. Вали тол орқасига ўтди. Тўсатдан, қулоқлари ётиқ, катта, лекин жуда ориқ, итга ўхшаган бир ҳайвоннинг ўсиқ шувоқлар орасида кўзларини олайтириб турганини кўрди.

Вали, тирик бўрини ҳеч кўрмаган эди, шунга қарамасдан, йиртқични дарров таниди: қирда турган йиртқич — чинакам бўри эди!

Бўрининг итаникига ўхшаган, лекин қандайдир ўткир кўзлари Валига қадалган эди. Унинг бундай тикилишидан Валининг вужудини титроқ босди. Шу зайилда беш-ўн секунд вақт ўтди, ниҳоят бўри, Валининг қўрқаётганини сезиб бўлса керак, пастга қараб юрди.

Йўқ, у Валига қараб юрмади, афтидан у Валини четлаб ўтмоқчи бўлди. Шундай бўлса ҳам «бекиниш керак», деб ўйлади Вали.

У, ёрдам қидиргандай атрофига аланглаган эди, анча узоқлашиб қолган қўзилар орасида ўзи миниб юрган дўнани кўриб қолди. Дўнан кишанланган оёқларини баланд кўтариб сакраб борар эди.

Иккинчи секундда Валининг кўзлари қайтадан бўрига тушди. Бўри унга яна ҳам яқинроқ келиб қолган эди. Лекин у Валига қарамас, оч кўзлари қочиб бораётган қўзиларда эди.

— Қўзилар!

Бу фикр Валининг хаёлини сергак қилди. Қўрқув қа-  
ёққадир йўқолди. У, милтиққа қараб жадал интилди.

Шундан кейинги иш кўп бўлса беш-олти секундга  
чўзилди: Вали милтиқ қўндоғини елкасига тирар экан,  
бобонинг сўзларини эслади: «қўндоқни қаттиқ тира-  
гин, қанчалик қаттиқ тирасанг тепки зарби шунчалик  
кучсиз бўлади».

Ўқ овози водини янгратаиб юборди. Бир зумдан  
кейин, ҳали тоғдан акс садо ҳам қайтиб келмасдан,  
худди таёқ еган итнинг овозидек, аччиқ овоз эши-  
тилди.

— Тегди!— хаёлидан ўтди Валининг. Бу фикр  
шунчалик қувончли эдики, кўкрагидаги оғриқни ҳам  
унутган Вали, толнинг соясидан югуриб чиқди. Чиқ-  
қан ҳамон кўрди: бўри, ундан йигирма қадам нарида  
чап ёнга қулаб ружмайиб ётар ва бошини тез-тез бу-  
риб, кейинги оёқларини тишламоқчи бўлар эди.

Вали, бўрига яқинлашмасдан шу ерда тўхтади.  
Бир минут ўтар-ўтмас узоқдаги қирда, қочиб бораёт-  
ган кўзилар олдида Исой бобо кўринди.

Чол, олдинга энгашиган ҳолда, қамчи ушлаган ўнг  
кўлини ҳавода айлантириб, учиб келар эди.

— Чапаевга ўхшайди!— деб юборди Вали тўсат-  
дан, қувониб.— Худди Чапаев!— деб такрорлади у ва  
мағрур қадам ташлаб Исой бобога қараб юрди.

### XXIII

Мана, Валининг яйловга келганига икки ойдан  
ошди. Шу вақт ичида Вали кўп нарсани ўрганди, ўзи  
ҳам анча ўзгариб кетди. Унинг соғлом ҳаво олиб қу-  
ёшда пишган тани чиниқди, мускуллари қотди, ҳатто  
фикр қилиш ва гапиришида ҳам вазминлик ва ўзига  
нисбатан ишонч пайдо бўлди.

Кекса чўпон Исой бобо уни кўп нарсага ўргатди.  
У, Валининг қалбидаги табиатга бўлган севгисини ку-  
чайтирди, уни янги ўсимликлар блан, қурт-қумурсқа-  
лар, ҳайвонлар, қушлар блан таништирди. Уларнинг  
одат ва хусусиятларини тушунтирди, овчиликка ўргат-  
ди. Лекин энг муҳими — шу вақт ичида Валининг қал-  
бида меҳнатга чуқур муҳаббат уйғонди.

Кунлар бирин-кетин ўтиб борарди. Қўзилар ҳам кун сайин семириб ўсар эди. Шунга кўра иш ҳам кўпайиб бормоқда эди.

Биринчи ҳафталардаги подани ҳайдаб чиқиб, ҳайдаб келишдан иборат бўлган ишга энди катта кўзиларнинг жунларини қирқиш, уларни тез-тез чўмилтириб туриш каби хилма-хил ишлар қўшилди. Лекин, иш кўпайган сари, Исой бобонинг ғайрати ҳам сшиб борар эди. Четдан қараганда қари кўринган бу одам йигитлардек кучли эди. У шундай кучли эдики, бир кун қўзиларни чўмилтираётганда Валига бош бермаган қўчқорни даст кўтариб, тўғонга бемалол олиб тушди. Ишининг кўпайганига қарамасдан, Исой бобо бурунгидек ҳазилкаш ва болаларча қувноқ эди. У, суҳбатлашишга ҳам, ҳикоя айтиб беришга ҳам, ҳаттоки икки-уч кунда бир марта Валига китоб ўқитиб, эшитишга ҳам вақт топар эди.

Бу суҳбатлар Валининг хотирасида унутилмас таассурот қолдирди. У кўксини юшоқ ўтга бериб, бобонинг оғзига тикилганича унинг қизиқ ҳикояларини эшитишни бениҳоя севиб қолди.

Бобонинг ҳикоялари кўпинча қушлар блан ҳайвонлар тўғрисида бўлар эди. Вали уларни ёзиб борар ва қувонч блан ўйлар эди: унинг кундалиги бой ва қизиқ бир асарга айланмоқда эди.

Исой бобо ҳам Валини яхши кўриб қолди. Вали ўқир экан, бобо кўзларини юмиб эшитар, қизиқ жойларига келганда такрор-такрор ўқитар эди. Улар шу тариқа Аркадий Гайдарнинг «Мақтаб», «Темур ва унинг командаси» повестларини, В. Катаевнинг «Оқариб кўринар ёлғиз елкан» номли романини ва яна ба'зи китобларни ўқиб чиқдилар. Ниҳоят, август ойининг ўрталарида Валининг «кутубхонасида» ўқийдиган китоб қолмади. Лекин, уларнинг бахтига худди шу кунларда қишлоқдан почта келди.

Унда синф пионерларининг Валига ёзган хати, ҳад'я қилиб юборган китоблари, Исой бобо блан Валининг сурати босилган район газетаси бор эди.

Расм тагидаги мақолани ёзган одам район қишлоқ хўжалиги бўлимининг ветеринария врачлари — ўша во-





қиадан бир кун кейин яйловга келган киши эди. Врачнинг елкасида фотоаппарат ҳам бор эди. Броқ, суратни қачон ва қандай олган, буни ҳечким кўрмаган эди.

Дўстлар ҳам, ўзларининг қизғин ва самимий саломларидан кейин, шу воқиа ҳақида ёзган эдилар.

«Вали, сенинг ботирлигинг бизни жуда қувонтирди. Биз Валерий Чкаловнинг «Ёмон ўқийдиган тўполончи болалар эмас, аксинча, яхши ўқийдиган, камтарин болаларгина чинакам қаҳрамон бўлаоладилар» деган сўзларини эсладик.

Бугун биз шу тўғрида суҳбат ўтказдик. «Ботир, қўрқмас бўлиш учун қандай ўқиш, қандай тарбия олиш кераклиги ҳақида суҳбатлашдик. Пўлат кузги имтиҳонни «5» га топшираман, деб ва'да берди. У, энди яхши дўст, тиришқоқ ўқучи, унга ишонсанг бўлади. Шунинг блан хатимизни тугатамиз. Вали, ҳат ёз, ўқиш бошланишига жуда оз қолди! Тезроқ кел!

Хатни ёзучи, бўлажак еттинчи «А» синф ўқучилари номидан *Зарифа Собирова*.

13-нчи август, 1950-нчи йил, Роҳат қишлоғи.

Вали хатни олган ҳамон жавоб ёзди:

«Қимматли дўстларим: Зарифа, Нурмат, Шокир, Пўлат, Ҳабиба ва синфдошлар!

Хат ҳамда юборган китобларингни олдим. Катта раҳмат. Менинг қизғин саломимни қабул қилинглар.

Зарифа! Хатингни ўқиб, жуда севиндим. Айниқса Пўлат учун севиндим.

Хатда мени ортиқча мақтабсизлар. Менинг қўрқмас бўлганимга Исоё бобо сабабчи. Агар шу топда қишлоқда бўлганимда, Исоё бобо тўғрисида роса гапириб берардим! Ҳа, майли, кундалигимга ҳаммасини ёзганман, борганимда ўқиб кўрасиз.

Хатни атайин қисқа ёздим. Нега десанглар, кўришадиган кунимизга атиги ўн кун қолди.

Бу ерлар яхши, шундай бўлса ҳам қишлоқни, сизларни соғиндим. Айниқса сизларни, мактабни соғиндим.

Кўришгунча хайр. Салом блан *Вали Зокиров*.

14-нчи август, «Яшил яйлов».

## XXIV

30-нчи август куни тушда Пўлатларнинг эшиги рўпарасидаги дарвоза олдига от-арава келиб тўхтади. Дарвоза шарақлаб очилди-ю, ичкаридан қушдек учиб Раиса чиқди.

— Эркин!

— Раиса!— Эркин аравадан сакради.

Улар, бир-бирларига қараб югурдилар. Раиса — ўша бурни пучуқ, қора кўз Раиса. Броқ, у Эркиннинг кўзларига бошқача бўлиб кўринди. Эркин ҳам ўша Эркин эди: кипкичкина-ю, лекин кеккайган. Қизиқ. У ҳам, Раисанинг кўзларига бошқача бўлиб кўринди.

Улар, чопа-чопа боққа кирдилар. Таниш боғда ҳечнарсга ўзгармаган бўлса ҳам, Эркиннинг кўзларига ҳамма нарса ўзгаргандек янги бўлиб кўринар эди. У, дарахтларга осилар, гўё уларни умрида кўрмагандек тирмашар, қучоқлаб кўрар, кузда пишар олмалар блан беҳиларни тишлаб кўрар эди. Раиса бўлса, Эркиндан тоғ ҳақида ҳикоялар эшитгуси келар эди.

— Тоғ қанақа экан?— деб сўради Раиса.

— Жуда қизиқ экан,— деди Эркин.

— Бўрини кўрдингми?

— Бўлмасамчи! Ростакамини кўрдим.

— Вали акамнинг бўрини отгани ростми?

— Рост, у менинг акам бўлади.

Раисанинг хўрлиги келди.

— Йўқ, менинг ҳам акам. Ишонмасанг юр, ўзидан сўраймиз.

— Юр,— деди Эркин.

Вали, аравадан юк туширмоқда эди. У, Раисанинг хўрланганини кўриб:

— Мен Раисанинг ҳам акаси бўламан,— деди. — Бунинг акаси Пўлат бўлса — сенинг ҳам аканг бўлади, Эркин.

Валининг жавоби Раисага ҳам, Эркинга ҳам ёқди.

Валининг келганини ҳаммадан бурун эшитган Пўлат эди, шунинг учун у ҳаммадан бурун етиб келди.

Вали уни кўрган ҳамон кузги имтиҳонни топширганини билди. Пўлатнинг чеҳрасида шодлик нури барқ урар, ўзи самимий ва хушчақчақ эди. Шунга қарамасдан, Вали сўради:

— Имтиҳонни топширдингми?

— Ҳозир топшириб келаётибман,— деди Пўлат ва ниманидир кутиб, Валининг кўзларига қаради.

— Қалай бўлди?

Пўлат бошини ғурур блан силкаб:

— Бе-еш!—деди чўзиб.

— Балли, Пўлат!— Вали ўртоғининг белидан маҳкам қучоқлаб, гир-гир айлантирди.

— Ээ! Кучли бўлиб кетибсан-ку!— деди Пўлат, унинг қўлларини ажратишга интилиб.

Шу вақт, бир-биридан ўзишга ҳаракат қилиб, қий-чув блан Нурмат, Шокир, Зарифа чопиб келишди. Уларнинг орқасидан Ҳабиба кўринди. Ҳовли бир зумда шовқунга, сўнгра кулгига тўлди. Улар Валига. Вали уларга таажжубланиб тикилар ва кулишар эдилар.

Ҳақиқатан ҳам, каникул давомида улар кўп ўзгарган, ўсган, қуёшда қорайган эдилар. Болаларнинг яхши дам олгани, ўйин ва меҳнат блан тўғри шуғулланиб, яхши чиниққани кўриниб турарди. Ҳатто кичкина Шокирнинг ҳам бўйи чўзилган эди.

— Менинг келганимни ким айтди?— деб сўради Вали.

— Сенинг овозанг бутун қишлоққа ёйилди-ку!— деди Шокир.—Ҳамма: «Вали келди, Вали келди» деб. кўчаларда чопишиб юрибди.

Вали юзини тириштириб:

— Ҳали ҳам бировдан кулиш одатингни қўймабсан-да!— деди унга тикилиб.

— Рост, Вали, Шокир кулаётгани йўқ,— деб сўзга аралашди Зарифа.— Бизлар штабда эдик. Тўпланган нарсаларни натуралистлар тўгарагига ўтказётган эдик. Бирдан болалар чопиб кирди... Сени келди деди...

— Гербарийларни ўтказиб бўлдингларми?

— Йўқ.

— Унда юринглар!— Вали чопиб кириб, уйдан чемоданини кўтариб чиқди.— Кетдик.

Мактаб ҳовлисида беш-олти киши ремонт сифатини кўздан кечириб, бинони айланиб юрарди. Улар орасида колхоз раиси Алихон ака блан мактаб директори Мусаев ҳам бор эди.

Директор мактаб хўжалик мудирига қараб нима

тўғрисидадир аччиғланиб гапирмоқда эди. Лекин Валиларни кўрган замон директорнинг чехраси очилиб кетди. Унинг кичкина қора кўзлари мулойим ялтиради.

Алихон ака бўлса камарини силтаб, илжайди.

— Эҳэ, қаҳрамонлар тўпланибди-ку, қани келинглари, бир кўришиб қўяйлик!

— Сен худди поездга чиқаётган одамга ўхшайсанку?— деди директор Валига қараб.— чемоданни нега кўтариб юрибсан?

Вали қизариб:

— Мен бугун тоғдан келдим,— деди секин.— Булар — натуралистар тўгараги учун тўпланган нарсалар.

— Эҳа, ёдимдан чиқибди. Уртоқ Умаров, бошқалар ҳам топширдими?

— Ҳа, топширмоқда.

— Бўлмаса Валидан ҳам қабул қилинг. Кейин менга айтсангиз кириб кўраман.

Умаров уларни натуралистар кабинетига бошлади.

Натуралистар кабинетида анча бола Қаримжон Мухторов раҳбарлигида ёзда тўпланган нарсаларни тартибга келтириб, шкафларга, қутиларга жойламоқда, гербарийларни эса катта фанер тахталарга ёпиштириб, деворга осмоқда эди.

Валини кўриб Қаримжон суюниб кетди.

— Салом, овчи!— деди Қаримжон қўлини чўзиб.— Ов каттами? Қани, келтир!

Вали улар блан иссиқ кўришди. Вали чемоданини топшираркан, сеvimли кабинетни завқланиб кўздан кечирди.

Ҳарбир гербарийнинг, суякнинг, тошнинг ва бошқа нарсаларнинг тагига уни топган боланинг исми блан фамилияси ёзилган эди.

Шокир юмалоқ кўзларини шод чақнатиб:

— Мана бу менинг альбомим!— деди шкафдан катта қалин альбомни олиб.— очиб кўр, Вали.

Альбомнинг сиртига: «Ўзбекистон пионерларининг ёзги каникул вақтида қилган ишларини кўрса-

тучи суратлар» деб ёзилган эди. Унинг биринчи бети-га Вали блан Исой бобонинг таниш суратлари ёпиштирилган эди.

— Вали, буёққа кел!— ўтиниб сўради Ҳабиба.— Мана бу уруғларни кўр, буни мен тўплаганман.

— Мана бу гербарийлар меники, ҳаммаси меники! — деди Зарифа.— Мана бу гулга қара, буни лагерьдан олиб келганман...

Пўлат эса унинг сўзини бўлиб:

— Тўхта. Аввал мана буни кўриб ўт,— деди Валининг қўлидан тортиб.— Ҳа, бу ўша, мен топган тош. Биласанми нима? Бу — галленит экан, геология институтидан хат келди...

Чемоданни очиб, ичидаги нарсаларни кўраётган Каримжон:

— Эҳэ! Ҳаммадан Вали ўзди!— деб қичқириб юборди.— Буни қаранглар!

Каримжон чемодандан таёққа кийдирилган жуда йўғон бир илоннинг пўстини олиб столга қўйди. Унинг орқасидан катта бир қушнинг тўлиқ сақланган скелетини чиқарди, кейин қандайдир тошларни, картонга ёпиштирилган гербарийларни, кундалик ёзилган қалин дафтарни кўрсатди. Сўнгра тўсатдан вожа-тийга қараб:

— Ўртоқ Умаров,— деди илжайиб,— сиз нима дейсиз, менингча Валини бу йил комсомол сафига қабул қилсак бўлар?

Ҳамма «ялт» этиб Валига қаради. Вали эса қўй кўзларини Каримжондан узмасдан, тик турарди.

— Хўш, сизларнинг фикрларинг қандай? — деб сўради вожатий.

— Қабул қилинса бўлади!— деди Зарифа ҳаммадан аввал.

— Бўлади,— деди Нурмат.

— Бўлганда қандай!— деди Шокир.

— Шубҳасиз, мен ҳам қўшиламан! Тавсиянома берамиз!— вожатий, худди Валини табриклагандек, унга кулиб қаради.

Вали кўзларини тўлдирган севинч ёшларини яширолмади.

Биринчи сентябрь... Совет болаларининг севимли куни. Биринчи сентябрь!..

Роҳат қишлоғининг осмони булутсиз, мусаффо.

Ямياшил боғларга кўмилган мактаб биносига кун чиқмасданоқ қишлоқ болалари оқиб келабошлади. Улар яхши кийимларини кийишган, пионерларнинг лоларанг галстуклари қизил лўппи юзларига ярашган.

Мана, қизгин баҳслашиб бир тўп ўғил ва қиз болалар келишмоқда. Булар юқори синф ўқучилари. Яна бир йилдан кейин, улар мактабни тамомлаб, олий мактабларга киргани катта шаҳарларга кетадилар.

Мана, қатор юриб икки қиз келади, иккисининг ҳам бўйи тенг. Бирининг сочи калта қилиб қирқилган, кўзлари қора. Иккинчисининг кўзи кўмкўк, сочи узун. Иккиси ҳам бирдек шод, бахтиёр.

Қизлар орқасидан зипиллаб бир бола чаққон юриб келди. У, мактаб ҳовлисига киргач, икки қизни қувиб етди, алла нима деб гапириб, уларни қаттиқ кулдирди. Кейин уччаласи қатор юриб бино ичига кирди.

Мана, бир-бирини етаклаб олган бир қиз блан бир бола кўринди. Боланинг чап қўлида бўйига унча мос тушмаган катта сумка. Иккиси ҳам майда-майда қадам ташлаб, мактаб биносига тикилиб келади. Булар мактабга бу йилгина ёзилганлар. Бўйинларида галстук ҳам йўқ. Фақат қизчанинг сочларига қизил лента боғланган.

Уларнинг орқасидан яна икки бола кўринди. Улар кириши блан бир тўп болаларнинг ўртасида қолишди, атрофдан саволлар ёғилди.

Уларнинг бири ўқучилар қуршовида ҳовлида қолди. Иккинчиси эса бинога кирди.

Бу бола залга кириб ўнг қўлдаги биринчи эшик олдида тўхтади.

Эшик тепасига аниқ қилиб: «7»-нчи «А» деб ёзилган эди.

Ичкарида бир тўп болалар орасида узун бўйли бир аёл турарди.

— Салом, Саида опа!— деди қувонч блан бола.

— Салом, Пўлат!— аёл қўлини узатди. Саида опанинг ёнидаги бошқа болалар ҳам Пўлатнинг қўлини қаттиқ-қаттиқ сиқиб кўришдилар. — Қани, марҳамат қил,— Саида опа эшикка имлади,— сен учун очиқ. Сен ҳам 7-нчида ўқийсан, Пўлат!

Пўлат дам эшикка ёзилган рақамларга, дам Саида опага қаради. Унинг кўзлари ёш блан пардалангандек ялтирар эди.

— Саида опа! Бу йил... Бу йил мен а'лочи бўламан! — деди ҳаяжон блан Пўлат.

Саида опа самимий ишонч блан кулиб, унинг бошини силади.

— Бу йил кимнинг звеносида бўласан?— деб сўради у.

Пўлат четроқда кулиб турган калта сочли қизни кўрсатди.

— Зарифанинг звеносида.

Қиз ҳам бошини силкитди.

— Яхши.

Шу вақт ташқарида ҳовлини янгратиб қўнғироқ жаранглади. Унинг ўқучиларга ёқимли, таниш овози синфларни, коридорни, зални — ҳамаёқни тўлдирди. Ҳовли бир зумда бўшади.

Каникул тамом бўлган, ўқишлар бошланган эди.

1942—51 а.



6



№1-1310192